

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎРТА ОСИЁ
АЛЛОМАЛАРИНИНГ
ИЛМИЙ МЕРОСИ**

ўқув қўлланма

Гулистон – 2018

Р.Маҳмудов Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси. Ўқув қўлланма.
–Тошкент: 2018. 110 бет,

Ушбу қўлланма Олий ўқув юртларининг Тарих йўналиши учинчи босқич талабалари учун тасдиқланган намунавий дастур талаблари асосида тайёрланган.

Масъул муҳаррир: **И. Соифназаров** – фалсафа фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар: **А. Мухторов** - фалсафа фанлари доктори,
профессор
С. Қудратов – тарих фанлари номзоди,
доцент.
С. Исмоилов – фалсафа фанлари номзоди,
доцент.

Ўқув қўлланма Гулистон давлат университети илмий Кенгаши қарори билан (2018 йил 23 ноябр № 10 баённома) нашрга тавсия этилган.

Тошкент 2018. (“с”)

КИРИШ

Марказий Осиё жаҳон илм-фани тараққиётига, дунё маданиятига бекиёс ҳисса қўшган. Жаҳон илм-маърифатини Мовароуннаҳрлик олим-у фузалоларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзусидаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқларида: “Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафғол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган”¹, - деган эдилар.

Қуръондан кейинги ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба ҳисобланган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” тўпламини ёки X асрда яшаган мутафаккир “Имом ал-Ҳидоя” (Ҳидоят йўлининг имоми) номи билан шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотурудий каби алломаларнинг ҳаёти, ижоди, қолдирган илмий меросини ёшларга ўқитиб ўргатиш орқали бугунги кун талабига жавоб берадиган рақобатдош, етук мутахассис инсонларни тарбиялаш мумкин. Ўтмишимиз буюклигини айтишни, ғурурланишни ўзи камлик қилади. Буюк ва улуғ ўтмишдошларимизга муносиб етук инсонлар бўлиб етишишга интилиш энг долзарб вазифалардан биридир.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг Ўзбекистонда ўтказилиши ва элликдан ортиқ давлатлардан етук шарқшунос олимларнинг маърузалари билан иштирок этиши катта воқеа эди. Конференцияда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Қувайт, Миср, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин давлатдан 300 нафардан ортиқ дунёнинг машҳур, таниқли олимлари иштирок этганлигининг ўзи Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўлмас меросларига қизиқиш катта эканлигидан далолат беради. Ўрта Осиё жаҳон илм-фани тараққиётида бешик вазифасини бажарганлиги IX-XII, XIV-XVI асрларда Ўрта Осиёда, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида табиий ва аниқ, ижтимоий-гуманитар фанлар мисли қўрилмаган даражада

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 28 бет.

ривожланганлигида кўриш мумкин. Бу халқаро илмий анжуманни жаҳон илм-фани марказларидан бири сифатида машҳур бўлган Самарқанд шаҳрида ўтказилишида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов тўғри таъкидлаганларидек, рамзий маъно бор. Самарқанд дунё илм-фани тараққиётига юзлаб мутафаккирлар етиштириб берган шаҳаргина эмас, балки юзлаб илм-фанлар ривожлантирилган шаҳар сифатида, Мирзо Улуғбекдек, Али Қушчи каби олимларни етиштирган замин сифатида дунёга машҳур. Дунёдаги кўплаб шарқшунос олимлар, Самарқандни саккизинчи мўъжиза, илоҳий шаҳар сифатида эътироф этишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қўлёзма асарларни тадқиқ ва тарғиб этиш тўғрисида”ги Қарори, “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарқибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги 2017 йил 12 январдаги ҳамда “Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги 2017 йил 11 июндаги фармойишларини қабул қилиниши ўтмиш меросимизга давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётгани натижасидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг баркамол, маънавиятли инсонларни вояга етказиш, камол топтириш масаласи давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Биринчи Президентимиз томонидан баркамол авлодни шакллантириш концепцияси илгари сурилди. Бу жараёнда, ижтимоий фанларга алоҳида масъулият юкланади. Мустақиллик даврида таълим тизимида янгиланган “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси” курсини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур курсни ўқитишдан асосий мақсад, Ўрта Осиёда яшаб илм-фанга мислсиз ҳисса қўшган алломалар илмий меросини ёшларга ўргатиш, илм-фан билан шуғулланишга қизиқтириш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва давримизнинг баркамол инсонлари қилиб шакллантиришдан иборат.

Шу мақсадда “Тарих” таълим йўналишида “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси” курсини ўқитиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Ўқув дастурига кўра, бу курсга жами 79 соат (14 соат маъруза ва 22 соат семинар машғулот учун) ўқув соатлари ва мустақил иш топшириқлари учун 43 соат ажратилган. Шундан келиб чиқиб, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан мазкур курс юзасидан ишчи ўқув дастури тузилиб, шу асосида ушбу ўқув қўлланма

яратилди. Қўлланма кириш, маърузалар, назорат саволлари, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати, глоссарийдан ва хулосадан иборат.

Қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” (-Тошкент: Ўзбекистон 2017), “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боқичга кўтарамиз” (-Тошкент: Ўзбекистон 2017). Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари, “Буюк сиймолар, алломалар”, 1-2-3 китоблар, “Маънавият юлдузлари”, “Ўзбекистон фалсафаси тарихи”нинг 1, 2 жилдлари ва бошқа асарлар асос қилиб олинди.

Қўлланма замонавий педтехнология талабларига мос равишда ишланиб, ўқув мақсадлари, назорат саволлари келтирилган. Қўлланмани тайёрлашда илмийлик, изчиллик, мантиқийлик тамойиллари асосида шу соҳага оид адабиётлар, илмий ишлар, тўпламлардаги илмий мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллардан фойдаланилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси” курсидан давлат тилида яратилган дастлабки ўқув қўлланмалардан бири бўлганлиги сабабли унда баъзи камчиликлар, мунозарали жиҳатлар учраши мумкин. Шунинг учун ўқув қўлланма ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр, муносабат, мулоҳаза ва таклифларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради. Кейинги нашрларда ҳисобга олиб тўлдиради.

1-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси

Ўзбекистон алломалар юрти. Кишилиқ тараққиётига, жаҳон цивилизациясига Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби улуғ сиймолар етиштирган халқ ҳар қанча ғурурланса арзийди, чунки бу олимларимизнинг бебаҳо меросини жаҳон халқлари хануз ўқиб ўрганмоқдалар.

Ўрта Осиё авлиёлар, алломалар ва буюқ мутафаккирлар юрти. Профессор М.Имомназаровнинг қайд этишича², Туркистонда икки мингдан ортиқ алломалар етишиб чиққан. Исломшуносларнинг ёзишларича, Туркистонда мингдан ортиқ валийлар яшаган. Биргина Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида етти юз етмишта валийлар ҳақида маълумот берилган³. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда ҳар бир соҳаларнинг ўз буюқ сиймолари мавжуд бўлган.

Илм-фан билан шуғулланган олимлар - ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино кабилар жаҳон табиий ва ижтимоий фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аз-Замахшарий, Ҳўжа Аҳрор Валий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби юзлаб олимлар дин, тасаввуф илмини ривожлантирдилар. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий кабилар тил, адабиёт илмига, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар эса давлат бошқарувида оид асарлар ёзиб бебаҳо мерос қолдирганлар.

Бу улуғ сиймоларнинг ўлмас илмий мерослари орқали жаҳонда Ўзбекистон деган буюқ юрт борлигини бу жаннатмакон юртдан Беруний, Ибн Сино, Фарғоний каби кашфиётчи олимлар яшаб ўтганликларини ўрганмоқдалар. Бугунги кунда Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарлари жаҳондаги энг нуфузли кутубхоналарда сақланмоқда.

Ўрта Осиё алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари.

Ўрта Осиё халқлари маданий, илмий меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси, қадимги маданияти, ахлоқ, маърифат, таълим-тарбия, олам, ҳаракат ҳақидаги қарашлари, ғоялари,

² Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари. –Т.: Шарқ, 1996.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. –Т.: Фан, 2001. 511-518 бб.

фикрлари халқ оғзаки ижодида, турли хил урф-одатлар, анъаналарда ўз аксини топган. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустам” каби дostonларда халқимизнинг қадимги урф-одатлари, руҳияти, одоб-ахлоққа оид мероси этганини кўриш мумкин.

VIII аср охирларида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм-фан, маданият, санъат ривожланиши сабабли юнон олимлари Платон, Аристотель, Сократ, Гиппократ, Гален, Евклид каби олимларнинг илмий асарлари араб тилига таржима қилинган. Халифа Хорун ар-Рашид вафотидан кейин ўғли ал-Маъмун даврида илм-фан, маданият ривожини янги босқичга кўтарилди. Бағдодда илмий марказ “Байт ал-ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) вужудга келди.

Тарихчи, тазкирачи олим Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) Бухоро ва Хоразмда яшаб араб тилида ижод этган қатор шоирлар, олимлар, илм-фан, маданият тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳақида маълумот берган. Қадимги араб ва форс тилидаги манбаларда бу даврда яшаб ижод этган қомусий билим эгалари Масиҳий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Байҳақий, Исоҳок ал-Бухорий, Дақиқий, ас-Сухайлий ал-Хоразмий, Абдулла Хоразмий, Абу-л-Фадл, Ал Хоразмий ал-Адолий, Аҳмад ал-Ахсикатий, Саолибий ал-Музаффар ал-Найсабурий Рашидиддин ал-Ватвот, Закария ал-Форобий кабилар илмий мероси ҳозиргача жуда кам ўрганилган.

Ўрта Осиёлик мутафаккирлар илмий меросини ўрганиш, ислом тарихи ҳамда фалсафаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш катта маърифий аҳамиятга эга. Айниқса, ислом илм-фани, илмий мероси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш ёш олим ва тадқиқотчиларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Мерос нима? Мерос – арабча сўздан олинган бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан хилма-хил мазмунга эга бўлган сермаъно тушунча. Ижтимоий маънода, аждодлардан авлодларга ворислик асосида ўтиб келаётган, инсоният томонидан ўтмишда яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ифодалайди. Улар оғзаки ва ёзма шаклларда ҳамда ўтмишда яратилган ва бугунги кунда ҳам ўз мавқеини, қадрини сақлаб қолган ҳамда сақланиб келаётган осари-атиқалар, барча моддий, маънавий ҳаётда эришилган ютуқлар, билим-кўникмалар, тажрибаларни билдиради⁴.

Илмий мерос – аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик, адабий мерос. Илмий мерос – илм-фанга оид, илм-фанга асосланган, тадқиқот ишлари олиб бориш натижасида яратилган илмий кашфиётлардир.

⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қайта ишланган янги нашри. –Тошкент: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. 186-бет.

Ноилмий мерос – илм-фанга у қадар уйғунлиги бўлмаган мерос. Аслида яратилган ҳар бир нарсани қандайдир маънода ақл-заковат, илм маҳсули сифатида дунёга келишини ҳам унутмаслик керак.

Баркамол – камолга, балоғатга эришган, вояга етган, камол топган, бекаму-кўст, етук маъноларини билдиради.

Илм-фан – кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирилган билими, маълумоти, фанлар ҳақида тушунчасини мавжудлиги.

Мустақиллик – ўтмишда яшаб ўтган улуғ алломаларимиз меросини холис, аниқ манбалар асосида ўрганишга кенг имконият яратди. Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар мероси мустақилликкача ҳам ўрганилган. Кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари: Иброҳим Мўминов, Музаффар Ҳайруллаев, Муъбин Баратов, фалсафа фанлари докторлари, профессорлар Йўлдош Жумабоев, Ҳайдар Алиқулов, Ройик Баҳодиров, Расулжон Носиров, Анвар Шарипов, Муҳаммаджон Қодиров, Абдуқодир Зоҳидий каби олимлар хизмати беқиёс бўлган.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий меросини ўрганишда “Буюк сиймолар, алломалар” (“Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар”) тўплами асосий манба ролини ўйнайди. Тўплам уч мустақил китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб IX-XIII асрларни, иккинчи китоб XIV-XV асрларни, учинчи китоб эса XVI-XX асрнинг бошигача бўлган даврларни ўз ичига олади. Биринчи китобга йигирма нафар: Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Югнакий, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Носир Ҳусрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағминий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, иккинчи китобда эса: Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Тафтазоний, Журжоний, Қозизода Румий, Гиёсиддин ал-Коший, Али Қушчи, Яъқуб Чархий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор, Саккокий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Қосими Анвар, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Бойқаро, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Камолиддин Бехзод, Фасиҳ Ҳавофий, Низомиддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, учинчи китобда эса: Маҳдуми Аъзам, Муҳаммад Шайбонийхон, Подшоҳўжа, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот, Юсуф Қорабоғий, Абдулғозийхон, Муҳаммад Шариф Бухорий, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Маҳтумқули, Увайсий, Нодира, Маҳмур, Гулханий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмад

Дониш, Бердақ, Чўқон Валихонов, Абай, Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз, Сатторхон Абдулғаффаров, Муқимий, Фуркат, Завқий, Баёний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар, Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийлар илмий, бадий мерослари ҳақида умумий маълумотлар берилган.

VII-XII асрларда Мовароуннаҳрдан турли фанлар бўйича кўплаб алломалар етишиб чиққан. Манбаларда Мовароуннаҳрда уч мингдан ортиқ таниқли муҳаддислар фаолият олиб борганлиги келтирилган. Улардан 2000 дан ортиғи - Самарқанд, Бухоро ва Насафда, қолганлари Шош, Фарғона, Кеш, Термиз ва Хоразмда, шунингдек Уструшона, Дабусия, Кушония ва бошқа минтақаларда фаолият кўрсатишган.

IX-XII асрларда Ўрта Осиёда Уйғониш даври бошланди. Чунки бу даврга келиб фалакиёт, математика, кимё, адабиёт, фикҳ, тасаввуф, муסיқа, ҳатотлик каби фанлар бўйича оламшумул янгиликлар, кашфиётлар яратилади. Тарихий манбаларда IX-XII асрларда илм-фан ривожланганлиги, маданият ва санъат ўсганлиги таъкидланади. Ўрта аср олимларидан: Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий (вафоти 957) “ал-Масалак вал-Мамолик”, Зақария ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Қазвиний (вафоти 1203-1283) “Ажойб ал-маҳлуқот”, Муҳаммад ал-Идрисий (вафоти 1275) “Нузҳат ал-муштақ” номли асарларида Ўрта Осиё халқларининг яшаш тарзи, маданияти урф-одатлари, қолдирган илмий мерослари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий

(783-850 йилларда яшаган)

Марказий Осиёнинг жаҳонга машҳур мутафаккирларидан бири. У математика, назарий ва амалий астрономия, география, тарих ва кўплаб фанлар билан шуғулланган. Унинг абадий қолдирган меросларидан бири “Ал-жабр ва ал-муқобала” асаридир. Шунингдек, “Қуёш соати ҳақида рисола”, “Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола” ва бошқа кўплаб нодир асарлар унинг қаламига мансубдир.

Аҳмад ал-Фарғоний

(тахминан 797-865 йилларда яшаган)

Марказий Осиёлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ саналган Аҳмад ал-Фарғоний Қубо (Қува)да туғилган. Фарғонийнинг “Астрономия асослари ҳақидаги китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб”, “Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида” каби асарлари машҳур.

Имом ал-Бухорий

(810-870 йилларда яшаган)

Ҳадис илмининг ривожига олтин давр ҳисобланган IX асрда ҳадисшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий Бухоро шаҳрида таваллуд топган.

Имом ал-Бухорий авлодларга 20 дан ортиқ бой ва қимматли илмий мерос қолдирган.

“Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ат-таърих ас-сағий”, “Ат-таърих ал-авсот”, “Ат-таърих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”, “Барр ул-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” кабилардир.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий

(824-892 йилларда яшаган)

Оламшумул аҳамиятга эга асарлар яратган буюк алломалардан бири – машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир. У 824 йилда Термизда туғилган. Унинг “Тарих”, “Жамловчи”, “Ҳадислардаги оғишлар”, “Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари” каби ўндан ортиқ асарлари бизгача етиб келган.

Абу Абдуллоҳ Рудакий

(860-941 йилларда яшаган)

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий Самарқанд яқинидаги Панжрудак кишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Унинг 2 қасида, 50 рубоий, шеърлар, дostonлари бизгача етиб келган. У форс адабиётига асос солган. “Офтоб даврони”, “Нафис куртаклар”, “Синбаднома”, “Қариликдан шикоят” асарлари жаҳонга машҳур. У шоир, астроном, файласуф олим сифатида шуҳрат қозонган.

Абу Мансур ал-Мотурудий

(870-944 йилларда яшаган)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур Мотуридий Самарқандий Ансорий буюк мутафаккир фикҳ ва калом масалаларида ислом оламининг беқиёс алломаларидан ҳисобланади.

У “Таъвийлоту аҳли сунна” (Аҳли суннанинг тушунтиришлари), “Маъхозуш шароий” (Шарий ҳукмлар манбаси), “Жадал” (Илмий баҳслар) каби бебаҳо асарларни мерос қолдирган.

Абу Наср Форобий

(873-950 йилларда яшаган)

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий – жаҳон илм фани маданиятига катта ҳисса қўшган. “Иккинчи муаллим”

унвонига сазовор бўлган олим. У Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилган.

Унинг “Ёшларнинг ақли ҳақида сўз”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Ақл маънолари ҳақида” каби 160 дан ортиқ асарлари бор.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий

(вафоти – 997 йил)

Марказий Осиёда IX-XII – асрларда илм-фан юксак тараққий этди. Ўша даврнинг кенг билимли, пешқадам олимларидан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бўлган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг асари - “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калитлари”) ўша даврнинг илм тили – араб тилида битилган.

Абу Райҳон Беруний

(973-1048 йилларда яшаган)

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Астрономия, астрология, тиббиёт, филология, физика, математика, геодезия, минерология, тарих каби фанларга оид асарлар ёзиб қолдирган. Унинг “Астрономия калити”, “Масъуд қонуни”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Геодезия”, “Сайдана” каби асарлари машҳур.

Абу Али ибн Сино

(980-1037 йилларда яшаган)

Марказий Осиё халқлари маданияти ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири қомусий билим эгаси Абу Али ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир. “Ибн Синонинг “Китоб ал-қонун фит-тиб”, “Китоб ун-нажот”, “Китоб ун-инсоф”, “Қонун” каби тиббиётга, геометрия, астрономия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантиқ, фалсафа, адабиётшуносликка оид асарлари машҳур.

Умар Ҳайём

(1048-1123 йилларда яшаган)

Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим жаҳон адабиётида файласуф шоир, олим сифатида танилган. У математика билан шуғулланиб тенгламаларни 25 кўринишга ажратди, учинчи даражали тенгламаларни ечиш усуллари ҳал қилди. Умар Ҳайём 1079 йили янги қуёш календарини ислоҳ қилди. Унинг “Наврўзнома” асари машҳурдир.

Бурхониддин ал-Марғилоний

(1123-1197 йилларда яшаган)

Исломда фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлган мутафаккир. Уни бутун дунёга ислом оламида машҳур қилган “Ҳидоя” асаридир.

Низомий Ганжавий

(1141-1209 йилларда яшаган)

Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд 1141 йили Ганжада таваллуд топган. Низомий фалсафа, илоҳиёт, тарих, фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт каби фанлар бўйича кашфиётлар яратган. У лирик шеърлари билан Озарбайжон, Мовароуннаҳр ва Эронда шуҳрат қозонади. У “Ҳамса” асари билан жаҳон адабиётида хамсачиликни бошлаб берди.

Нажмиддин Кубро

(1145-1221 йилларда яшаган)

Тасаввуф таълимотининг йирик сиймоларидан бири, тасаввуфдаги махсус кубровия тариқати унинг томонидан асосланган. Ўз замонасининг йирик олими сифатида “Фавоих ал-Жамол ва Фавоих ал-Жалол”, “Ал-усул ал-атора” (“Ўнта қонун ва қоидалар”) номли рисолалар қолдирган.

Маҳмуд Қошғарий

(XI асрда яшаган)

Марказий Осиёнинг қомусий билим соҳибларидан бири бўлиб, “Девони луғатит турк” (“Туркий сўзлар тўплами”) асари муаллифидир.

“Девони луғатит турк” - XI аср турк маданияти, тили ва тарихининг, бебаҳо, нодир, илмий-маънавий бойлигидир. У жаҳон халқларининг илмий мероси, хазинаси ҳисобланади.

Амир Ҳусрав Деҳлавий

(1253-1325 йилларда яшаган)

Ҳусрав Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистон шимолидаги Патёли шаҳрида, шахрисабзлик Амир Сайфуддин Муҳаммад оиласида дунёга келди. У жаҳон адиблари орасида биринчи бўлиб хамсачиликка асос солган Низомий дostonларига назира яратган адибдир. Деҳлавий “Ҳамса”дан ташқари беш девон, бир қанча дostonлар, тарихий асарлар ҳам ёзган. Шоирнинг ёшлик чоғлари маърифатпарвар шаҳзода Муҳаммад Султон саройида ўтади, яхши тарбия ва илм олишга муяссар бўлади.

Амир Темур

(1336-1405 йилларда яшаган)

Амир Темур ибн Амир Тарағай 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа илғор қишлоғида дунёга келган. У салоҳиятли саркарда, давлат раҳбари Самарқанд шаҳрини жаҳоннинг маънавият ва маданият

марказига айлантирди, илм-фанни ривожлантирди. Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, “Васиятлар” китоблари машхур.

Мирзо Улуғбек

(1394-1449 йилларда яшаган)

Марказий Осиёнинг йирик давлат арбоби ва мутафаккири. Темурийлар сулоласининг йирик вакили.

Қомусий билим эгаси Улуғбек риёзат, фалсафа, мусиқашунослик, фикх, тарих илмлари соҳасида ижод қилган.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси “Зижи Улуғбек”дир. Шунингдек, “Рисолайи Улуғбек”, “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) каби бебаҳо илмий мерос қолдирган.

Маълумки, 1370 йили салтанат тепасига келган Амир Темур ўзининг ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида давлатнинг асосий таянчи Самарқандни ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг гўзал ва обод шаҳрига айлантирди, уни маҳобатли иморатлар, ажойиб боғу-роғлар билан беади. Қиёслаш учун дунёнинг Бағдод, Дамашқ, Париж каби машхур шаҳарлари номларини атрофдаги қишлоқларга берди. Шаҳар маданий ҳаётини ривожлантириш учун эса Соҳибқирон ўзи забт этган мамлакатларнинг олиму уламолари, санъат ва маданият намояндалари, шоирлари, ҳунармандлари, меъморлари, қурувчиларини Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Туркистонда ва бошқа жойларда олиб борилаётган ободончилик ишларига жалб қилди. Темурийлар даврида мамлакат ободончилиги учун барча давлат аъёнлари ўз имкони ва моддий қуввати етганча иморатлар, боғлар, масжидлар, кўприклар қуришга интиланлар. Натижада, XIV аср охирига келиб, Самарқанд ва Ҳирот жаҳоннинг обод ва гўзал шаҳарларига айланган. Бу даврнинг ижодкорлик руҳи ва маҳобатли иморатлардаги етакчи ғоя Шаҳрисабзда қурилган Оқсарой пештоқиға битилган «Агар бизнинг қудратимизга шубҳалансангиз, биз яратган иморатларга қаранг» хитоби мазмунига тўғри келади.

XIV асрда Самарқандга ўша давр тасаввуфининг кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатини ўрганиш учун дунёнинг барча шаҳарларидан олимлар келар эди. XIV аср иккинчи ярмидаги Самарқанднинг сиёсий ва маданий ҳаёти устод Бехзоднинг Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишлаган миниатюраларида ўзининг бадиий аксини топди. XV аср биринчи ярми темурийлар давлати маданиятининг энг ёрқин даври бўлган. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанд янада обод этилиб, илм-фан, айниқса, махсус расадхона қурилгач, илми нужум-астрономия марказига айланиб, натижада, машхур «Зижи жадиди Кўрагоний», яъни 1018 юлдузнинг астрономик жадвали тузилди. Расадхона ичлари буржлар тасвири

билан безатилди. Мирзо Улуғбек «Тарихи арбаъи улуси Чингизий» номли тарихий асарни тарғиб қилишда шахсан иштирок этди. Бу даврда Самарқанд илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлиб, бу шаҳарда таълим олишни ўша давр зиёлилари ўзлари учун зарур ва шарт, деб билишарди. Шунинг учун бўлса керак, ёш Абдурахмон Жомий ҳам таълим олиш учун Ҳиротдан Самарқандга келган эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, осори-антиқа ёдгорликларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқламали ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм-фан арбобларининг фаолияти ва хизматини инкор этишдек нотўғри ғоялар ва усуллардан тозалашга, хурфикрлиликни инкор этишга қарши туради.

Маънавий меросимиз, миллий, умуминсоний қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаларида таъкидланганидек, ўтмиш илмий меросимиз, маънавиятимиз ривожиди, унинг шаклланиш жараёнида, катта аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат куриш учун хизмат қилади.

Мустақиллик ва алломалар мероси. IX-XV асрларда Ўрта Осиё халқларининг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, диний таълимотлари ривожланишида кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар юз берди. Бу маданий жонланиш, уйғониш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳалари, маънавий ҳаётини қамраб олди. IX-XVI асрларда Марказий Осиё халқлари дунё илм-фани, маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олди. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг марказидан бирига айланиши худди шу пайтларга тўғри келади.

IX асрнинг иккинчи ярмидан равнақ топа бошлаган, X-XII асрларга келиб эса юксак натижалар берган, буюк маданий юксалиш ва тараққиётнинг шарт-шароитлари, асосий сабаблари, манбалари, ҳал қилувчи қатор омиллари бор эдики, уларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ва баҳолаш ривожланган ўрта асрларда миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатни кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Маданият ва илм-фаннинг жадал суратлар билан тараққий этиб боришини ҳаётий заруриятга айлантирган асосий сабаблардан бири - Марказий Осиё халқларининг эрк, адолат, ҳақиқат, озодлик, мустақиллик учун араб ва мўғул босқинчиларига қарши олиб борган курашлари натижасидир.

Марказий Осиёда чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг тугатилиши ва миллий мустақил давлатларнинг барпо бўлиши натижасида ички ва ташқи савдо алоқаларининг, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, илм-фан, маданиятнинг, фалсафанинг равнақ топиши, миллий қадриятларнинг тикланиб такомиллашиб боришига кенг шароит яратилди. Бу даврда мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайди. Бухоро, Урганч, Марв, Шош, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик, косибчилик анча таракқий этди. Буларнинг ҳаммаси маданият ва илм-фаннинг ривожланишига олиб келди.

Жамият таракқиёти туфайли IX-XV асрларда Марказий Осиёда, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркираб яшнади, бу давр “Ренессанс” - Уйғониш даври номини олди. “Бугун орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида хайратга тушамиз. Ўрта асрлардаги Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг буюк асарлари ва мероси нафақат бир миллат ва халқнинг, балки бутун инсониятнинг бойлигидир. Бу бебаҳо мерос бизга бир-биримизни тушуниш учун кўмаклашадиган ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб берадиган бойлик экани, ўйлайманки, ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди”⁵, деган эди Ислом Каримов.

Уйғониш даври мутафаккирлари файласуф, мусиқашунос, математик, мантиқшунос, социолог, филолог, диншунос, тарихчи ва табиатшунос, хуллас, фаннинг барча соҳаларида етуклиги билан ажралиб турадилар. Бу мутафаккирларнинг яна бир ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар бир неча тилларни мукамал билганликлари, бир неча тилдаги манбалардан фойдалана олганликлари, таржималар қила олганликларидир.

Буюк мутафаккирлар томонидан чуқур илмий асосланган илғор ғоялар ва таълимотлар фақат улар яшаб ижод этган давр учунгина эмас, балки келажак авлод учун ҳам бебаҳодир. Мутафаккирларнинг илмий-фалсафий қарашлари ғоялари миллий, умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотлардир. Шарқ мутафаккирларининг ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақидаги қарашлари, ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

⁵ И.А. Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжумандаги сўзлаган нутқи.- Т., 2014. 15-б.

Такрорлаш учун саволлар

1. Илмий мерос нима?
2. Илмий ва ноилмий меросга берилган таърифлар?
3. Ўрта Осиёлик буюк алломалар ҳақида гапириб беринг?
4. Ўрта Осиё алломаларининг илмий меросини сўзланг?
5. Илм-фан ва баркамол авлод тарбияси?

2-мавзу. Ўрта Осиё алломаларининг “Байт ал-ҳикма”даги фаолияти.

Бағдод Маъмун академияси тарихи. Ўрта аср Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихида Бағдодда бунёд этилган «Байт ал-ҳикма» дастлабки йирик илмий марказ ҳисобланади. Жаҳонда ташкил этилган илм марказларидан дастлабкиси Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма» (IX аср) бўлган, Бухорода “Сиван ал-ҳикма” (X аср), Қоҳирада “Дар ал-ҳикма” (XI-XIII асрлар), Марағада Носир ад-Дин ат-Тусий ишлаган расадхона (“Дар ал-ҳикма” (XIII аср) деб юритилган. Хоразмда ал-Маъмун (XI аср) ва Самарқандда Мирзо Улуғбек академиялари (XV аср) фаолият кўрсатганлар⁶.

«Байт ал-ҳикма» ўзбек тилида «Ҳикматлар уйи» деган маънони англатади. Бу иборадаги «ҳикматлар» ортида ўша даврдаги фанлар, фалсафа, табобат, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, диний илмлар тушунилади. «Байт ал-ҳикма» турли фан йўналишларида илмий иш олиб борилган илм ва таржималар даргоҳи бўлган. Дастлаб кутубхона сифатида ташкил этилган «Байт ал-ҳикма» кўп вақт ўтмай, у ерда жамланган китобларни араб тилига таржима қилиш марказига айланган. Кейинчалик эса, бу марказда ўз даврининг энг йирик олимлари ва таржимонлари тўпланиб, илм-фан билан шуғулланганлар. «Байт ал-ҳикма» ўзагини Мовароуннаҳрлик ва Хуросонлик олимлар ташкил этган. Бу илм марказида юнон, ҳинд ва форс тилларидаги кўплаб нодир асарларнинг тўпланганлиги ва бу китобларнинг энг ноёблари танлаб олиниб, араб тилига ўгирилгани ҳамда муомалага киритилиши, ноёб асарларни яратган таниқли, машҳур олимларнинг “Байт ал-ҳикма”да тўплангани, уни ўрта асрларнинг энг машҳур илмий даргоҳига айланиши ва илмий адабиётларда «Бағдод илмий мактаби» ва «Бағдод академияси» деган номлар билан танилишига асос бўлган.

«Байт ал-ҳикма» ташкил этилган аниқ сана ҳозиргача маълум эмас. У Бағдоднинг қайси нуқтасида жойлашгани борасида ҳам аниқ бир фикр йўқ.

⁶ Абдуҳалимов. Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларнинг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 4-бет.

Аммо у халифа саройининг бирор-бир қисмида жойлашган бўлиши керак, деб тахминлар бор.

749 йилда Абу-л-Аббос Саффаҳ (749-754) халифа Марвон II ни тахтдан ағдаргач, халифаликни бошқариш аббосийлар сулоласи қўлига ўтади⁷. Тез орада Бағдод Шарқда Марказий Осиёгача, ғарбда Испанияга қадар бўлган йирик давлатнинг маркази бўлади. Босиб олинган мамлакатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлари аста-секин Бағдодга олиб келадилар. Айниқса, ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун каби Аббосий халифалар қадимий қўлёзма асарлар ва йирик олимларни ўз саройларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратган. Натижада Бағдод илмий фаолият юритиш учун шароити мавжуд қулай шаҳарга айланди.

Анъанага кўра халифалар ўқимишли, илм-фанни қадрига етадиган инсонлар бўлганлиги учун ҳам саройда қўлёзма асарларни сақлаш одати умавийлар сулоласи даврида ҳам мавжуд бўлса-да, бу иш аббосий халифалардан ал-Мансур даврида доимий жараёнга айланди, Ал-Мансур нодир қўлёзма асарларни тўплашдан ташқари, ўзга юртлардаги олимларни ҳам ўз саройига жалб эта бошлади. Унинг саройида турли диний эътиқодда бўлган кўпгина олимлар, табиблар, кимёгарлар, географлар ва муҳандислар хизмат қилган. Улар орасида Бағдод шаҳрининг қурилишида иштирок этган астрологлар - эронлик ан-Навбахт (ваф. 777 й.) ва басралик Менассиялар (ваф. тах. 815 й.) ҳам бор эди. Мусулмонлар орасида «Машаллаҳ» номи билан танилган Менассия, ал-Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Амин ва ал-Маъмунлар даврида энг машҳур астрологлардан бири эди⁸.

Ал-Мансур даврида фалсафа, табобат, фалаккиёт, риёзиёт, тарих, адабиётга оид бошқа китоблар ҳам таржима қилинган. Халифа ал-Мансур мазкур китоблар, ёзилган ноёб қўлёзма асарларни сақлаш учун ўз саройидан махсус жой ажратган. Шу тариқа «Байт ал-ҳикма»нинг яратилишига асос бўлган сарой кутубхонаси пайдо бўлди. Аммо бу кутубхонанинг вазифаси китобхонларни зарурий адабиётлар билан таъминлаш эмас, балки тўпланган нодир қўлёзма асарлар, турли мамлакатлардан келтирилиб, араб тилига ўгирилган китобларни сақлашдан иборат бўлган. Ал-Мансур даврида бу маскан ҳали «Байт ал-ҳикма» деб номланмаган эди.

Халифа Ҳорун ар-Рашид (786-809) тахтга ўтирганидан сўнг, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу, албатта, «Байт ал-ҳикма»га ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Ўрта аср манбаларидаги баъзи маълумотлар «Байт ал-ҳикма» Ҳорун ар-Рашид даврида таъсис этилган, деган хулосага келишга асос бўлади.

⁷ Ўша китоб 35-бет.

⁸ Ибн ан-Надим. Китаб ал-Фихрист ли-н Надйм/ Байрут, 1988. 333-б.

Жумладан, Ибн ан-Надим ўзининг «ал-Фихрист» китобида вазир Саҳл ибн Ҳорун, астролог Абу Саҳл ал-Фадл ибн Навбахт ва нусха кўчирувчи Аълон аш-Шуъувбийлар ҳақида сўз юритар экан, уларни Ҳорун ар-Рашиднинг «Байт ал-ҳикма»сида фаолият кўрсатган, деб маълумот беради. Бундан, «Байт ал-ҳикма» Ҳорун ар-Рашид даврида мавжуд эди, деган мантикий хулоса пайдо бўлади. Эҳтимол, Ҳорун ар-Рашид ўз саройида жамланган катта миқдордаги китоблар, таржимонлар ва уламолар учун алоҳида жой ажратиб, унга «Байт ал-ҳикма» номини берган бўлиши мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, «ал-Фихрист» муаллифи бу марказни баъзан «Байт ал-ҳикма», баъзан эса «Ҳизанат ал-ҳикма» ибораси билан атайдиган⁹.

Ҳорун ар-Рашид даврида «Байт ал-ҳикма» турли адабиётлар сақланадиган маскандан таржима ва тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланди. У ерга келган таниқли уламолар, тадқиқотчилар нафақат турли мавзулардаги китоблар билан танишиш, балки уларни мутолаа қилиш имкониятига ҳам эга эдилар. Бу даврда таржима ишларига бўлган аҳамият бағоят ортиб, «Байт ал-ҳикма»даги асарлар сони янада кўпайди.

“Олимларни ҳақимлар ҳақида маълумотлар билан таништириш” асарида Ибн ал-Қифтийнинг бу марказ ҳақидаги фикрлари ҳам ниҳоятда диққатга сазовор. У шундай деб ёзади: «Ҳақиқатан, «Байт ал-ҳикма» турли илмий йўналишлар маркази бўлиб, Ҳорун ар-Рашид бу институт ҳақидаги фикрнинг ибтидоси эди. Унинг ўғли халифа ал-Маъмун бу ишни амалга оширди.

Ҳорун ар-Рашиднинг кичик ўғли ал-Амин (809-813) даврида «Байт ал-ҳикма»нинг фаолияти бирмунча сусайган бўлса, унинг катта ўғли ал-Маъмун даврида ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Халифалик курсисига аввал ал-Амин ўтирган. «Байт ал-ҳикма»нинг ривожига эса ал-Маъмуннинг ўрни бағоят юксак бўлган.

Ал-Маъмун «Байт ал-ҳикма»га алоҳида эътибор билан қарагани сабабли илмий муҳит мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, у ерда юнон, форс ва ҳинд тилларидаги муҳим китобларни араб тилига ўгириш, шарҳлаш билан бир қаторда, мустақил илмий фаолият ҳам олиб борилиб, янги асарлар ёзилди. Ал-Маъмун диний илмлар, фалсафа, аниқ фанлар билан қизиққан ва ўзи ҳам улар билан мунтазам шуғулланган. Ал-Маъмун таржимонлар ва олимларга ҳар бир ёзган ёхуд таржима қилган китоблари учун катта мукофотлар тайинлаган. Ал-Маъмуннинг бевосита ҳомийлиги остида Юнонистон, Ҳиндистон, Рим, Эрон ва Марвдан «Байт ал-ҳикма»га турли мавзудаги китоблар келиб турган. Уларнинг баъзилари эса ҳарбий юришлардаги ўлжа сифатида Бағдодга олиб келинган. Ал-Маъмуннинг

⁹ Ибн ан-Надим. Китаб ал-Фихрист ли-н Надйм/ Байрут, 1988. 139-б.

қўллаб-қувватлаши билан энг сара асарлар танлаб олиниб, араб тилига ўгирилган. Таржималар, одатда, юнон тилидан сурёний тилига, сўнгра араб тилига, баъзан эса юнон тилидан тўғридан-тўғри араб тилига ўгирилган. Айрим ҳолларда, таржималар китоб матнларининг асли билан таққослаб амалга оширилган. Ҳар бир таржимонлар гуруҳи таркибида матн кўчирувчи ва китобларни муқоваловчи мутахассислар бўлган. Ал-Маъмун даврига келиб, «Байт ал-ҳикма» таркибида йирик кутубхона, таржима ва асарлар ёзиш, кўчирувчилар ҳамда муқовалаш учун ажратилган махсус хоналар мавжуд бўлган. Бағдоднинг аш-Шаммосия минтақаси ҳамда Дамашқ атрофидаги Қасиюн тоғларида мавжуд бўлган расадхоналар ҳам «Байт ал-ҳикма» таркибига кирган. Манбаларда ал-Маъмун тасарруфидаги бу икки машҳур расадхонанинг «Байт ал-ҳикма» таркибида бўлганини англатувчи тўғридан-тўғри маълумотлар учрамайди. Тарихдан маълумки, ал-Маъмун ўз саройига тўплаган аксарият астрономлар, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Марвазий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид ал-Марваррудий, ал-Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар мазкур расадхоналарда кузатув ишларини олиб борганлар. Бу икки расадхонани ҳам «Байт ал-ҳикма» таркибига киритиш мумкин, дейишади мутахассис олимлар.

Бағдод халифалари саройининг маълум қисмини эгаллаган «Байт ал-ҳикма»нинг асоси - халифа ал-Мансур даврида яратилди, Ҳорун ар-Рашиднинг ҳомийлиги остида, кенгайтирилди, ривожлантирилди, ўзининг тарихий «Байт ал-ҳикма» номи билан юритила бошланди. Ал-Маъмун эса у ерда машҳур алломаларни тўплаб, уларга ҳар тарафлама кўмак берди, унинг энг юқори тараққиёт даражасига кўтарилишини ва ўша давр учун ўзига хос илмий мактабга айланишини таъминлади.

«Байт ал-ҳикма»нинг таркиби ва вазифалари. Ўрта аср манбаларида «Байт ал-ҳикма»да олиб борилган иш жараёнини ўрганиш, бу марказнинг қандай вазифалар бажарганини аниқлаш имконини беради. «Байт ал-ҳикма» дастлаб кутубхона сифатида вужудга келади. Бу эса, «Байт ал-ҳикма» таъсис этилган илк даврларда унинг асосий вазифаси турли давлатлардан келтирилган қадимги юнон, форс ва ҳинд тилларидаги турли асарларни сақлаш, жамлаш ва уларни кўпайтиришдан иборат бўлганини кўрсатади. Китоблар Бағдодда жамланганидан сўнг, табиийки, уларнинг мазмунини билиш ва тушунишга эҳтиёж туғилади. Бу эса, келтирилган китобларни араб тилига ўгиришни тақозо этарди. Шу тариқа «Байт ал-ҳикма»даги энг долзарб масала - хорижий тиллардаги китобларни араб тилига ўгириш ва уларда кўрсатилган натижаларни тажрибалар орқали қайтадан текшириб чиқиш эди. Табиийки, бунинг учун турли тилларни биладиган, юқори малакали таржимонлар гуруҳи керак бўларди. Шу боис Бағдод ҳокимлари турли

мамлакатлардан араб ва бошқа қадимий тилларни биладиган мутахассисларни «Байт ал-ҳикма»га таклиф эта бошладилар ва уларга таржима ишлари учун катта маош тайинладилар.

«Байт ал-ҳикма»даги дастлабки таржимонларнинг аксари кўшни мамлакатлардан таклиф этилган насроний, мажусий, яҳудий, ҳинд ва мусулмонлар бўлган. Уларнинг кўпчилиги нафақат оддий таржимон, балки ўз соҳасининг етук билимдонлари ва олимлари эди¹⁰. Бу олимлар «Байт ал-ҳикма»да таржима ва шарҳлаш ишларидан ташқари, ўзларининг нодир асарларини ёзиб, илмий изланишлар ҳам олиб борганлар. Шу тариқа «Байт ал-ҳикма» таржимонлар, файласуфлар, математиклар, астрономлар, табиблар, шоирлар каби турли тоифадаги олимларнинг тез-тез учрашиб, илмий мунозаралар олиб борадиган, бир-бирлари билан маслаҳатлашадиган масканига айланган. Илк ташкил этилган вақтдаги кўлёмаларни сақлаш ва таржима қилиш вазифаси кенгайиб, илмий-амалий тажрибалар олиб бориш ҳамда шу тажриба натижаларига асосланган фундаментал асарларни ёзиш масъулияти ҳам кўшилган. Баъзи адабиётларда «Байт ал-ҳикма»да талабаларга дарслар ўтилгани ва унинг қошида шифохоналар ҳам бўлгани ҳақида сўз юритилади. Дарслар ташкил этилганига оид фикрларни тасдиқловчи аниқ далилларга эга бўлинмаса-да, ўша даврда табиблик фаолияти билан шуғулланган энг машҳур табибларнинг Ҳорун ар-Рашид ва ал-Маъмун тасарруфида фаолият юритгани манбаларда қайд этилади. Ал-Маъмун даврида катта муваффақиятларга эришган фанлардан бири бу - фалакиёт эди. «Байт ал-ҳикма»даги астрономлар қадимги юнон олимлари асарларида таърифланган натижалар, қайтадан тажрибалар асосида текшириб чиқилди. Батламйуснинг «Ал-Мажистий» китобида келтирилган кўпгина тажрибалар, мусулмон астрономлари томонидан яна бир карра синовдан ўтказилди ва эришилган натижалар «ал-Маъмуннинг синалган жадвали» номли машҳур асарида баён этилди.

«Байт ал-ҳикма» тез орада турли фанлар бўйича илмий мунозаралар, тадқиқотлар, амалий тажрибалар олиб бориладиган ҳамда нодир асарлар битилган, шунинг баробарида, астрономик тажрибалар ва табиблик билан шуғулланишни кенг кўламда амалга оширган илмий даргоҳга айланди.

«Байт ал-ҳикма»нинг алломалар ва тадқиқотчилар учун яратиб берган қулай шарт-шароитлари, у ердаги илмдан кўпчиликни баҳраманд этиши, айниқса, антик даврга оид ноёб илмий меросни сақлаб қолиб, уни қайтадан

¹⁰Абдуҳалимов. Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларнинг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 119 бет.

тиклаб, дунёнинг турли бурчакларида илм йўлида меҳнат қилаётган алломаларга етказиш - марказнинг асосий вазифаларидан бири эди.

Халифа ал-Маъмун (786-833) ва унинг сиёсий фаолияти. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон худудлари IX асрнинг бошларида халифа ал-Маъмун тарафидан бошқарилган. У Марв шаҳрида ўн йил истиқомат қилган бўлса, шундан тўрт йилини араб халифасининг Марвдаги ноиб сифатида ўтказган. Олти йил Марвдан туриб бутун мусулмон дунёсини идора қилган. Натижада бу даврда, ҳозирги Туркменистоннинг Байрам-Али шаҳри яқинида жойлашган Марв бутун мусулмон дунёсининг пойтахтига айланган, энг муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қарорлар ўша ерда қабул қилинган. Марказий Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрин тутган йирик сиёсий арбоб - халифа ал-Маъмун сиёсати шу жиҳатлари билан аҳамиятли ҳисобланади. Ал-Маъмун ҳақида гапирганда ўша даврда илм ва фаннинг тез ривож топгани ҳамда академия вазифасини бажарган «Байт ал-ҳикма» («Ҳикматлар уйи»)нинг самарали фаолияти тилга олинади. Кўпгина адабиётларда ал-Маъмуннинг исми «Байт ал-ҳикма» билан боғланган ҳолда, оқил, илм-фанга қизиқувчи, олимларнинг ҳомийси, одил ҳукмдор деб эътироф этилади. Мисол учун, рус ёзувчиси Н.В.Гоголь (1809-1852) Санкт-Петербург университетидаги маърузаларининг бирида, ал-Маъмун шахсини юқори баҳолар экан, уни ҳатто «сиёсий давлатни илҳом парилари давлатига айлантиришни кўзлаган» деб таърифлайди.

Абдуллоҳ ал-Маъмун 170/786 йилда таваллуд топган. Маълумотларга кўра, ал-Маъмун дунёга келган куни отаси Ҳорун ар-Рашид халифалик курсисига ўтиради. Орадан олти ой ўтиб, Ҳорун ар-Рашиднинг Зубайда исмли бошқа рафиқаси ҳам ўғил кўради. Иккинчи ўғлига Ҳорун ар-Рашид Муҳаммад ал-Амин деб исм беради.

Ал-Аминнинг онаси катта нуфузга эга бўлган арабларнинг хошимийлар оиласининг вакили эди, Ал-Маъмуннинг онаси ҳам насл-насаби юқори, обрў-эътиборли форс оиласидан эди. Улар орасидаги ягона фарқ - бири келиб чиқиши жиҳатидан форсий, кейингиси эса арабий оилага мансублигидадир. Ал-Аминнинг онаси Ҳорун ар-Рашиднинг расмий рафиқаси бўлса, ал-Маъмуннинг онаси бундай ҳуқуқга эга эмас эди. Ҳорун ар-Рашид фарзандларидан бири араб, иккинчиси форс муҳити таъсирида вояга етгани, кейинчалик ака-ука ўртасида келиб чиққан низоларда яққол кўзга ташланади.

Ҳорун ар-Рашид ал-Маъмуннинг тарбиясини вазири Жаъфар ибн Яҳёга, ал-Аминнинг тарбиясини эса Жаъфарнинг укаси ал Фадл ибн Яҳёга юклайди. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, ал-Маъмун ёшлигиданоқ ақлли, хушёр, қобилиятли, тадбиркор, доимо камолотга интилувчи бўлган, ўзининг ва ўзгаларнинг қадрини билган, дўст-душманни фарқлай олган. Шу сабабдан

бўлса керак, Ҳорун ар-Рашиднинг ал-Аминга қараганда кўпроқ ал-Маъмунга меҳр қўйгани кўпгина манбаларда зикр қилинган.

Ал-Маъмун, кўпчиликни бошқариш, уларга йўлбошчилик қилиш кучига, нотиклик санъатига ҳам эга эди.

Ал-Амин адабиётларда ал-Маъмунга қараганда ҳар жиҳатдан заиф эди, деб тавсифланади: унинг зеҳни ўткир эмаслиги, ўз меъёрини билмаслиги, феълнинг бўшлиги, охир-оқибатни ўйламай иш тутиши ҳақидаги маълумотлар сақланган.

186/802 йилда Ҳорун ар-Рашид ўғиллари, лашкарбошилари, вазирлар ва қозилари билан бирга ҳаж амалини бажаради. Ўша ерда Ҳорун ар-Рашид иккита буйруқ тайёрлайди ва уни тўпланганларга расмий равишда эълон қилади. Буйруқларнинг бирида Ҳорун ар-Рашид ўз бойликларини мерос сифатида ал-Маъмунга ўтишини баён қилса, иккинчисида ал-Аминга ажратилган ҳисса аниқлаб берилади. Мазкур буйруқлар Каъба деворига осиб қўйилади, маросимга ташриф буюрган халифаликдаги энг нуфузли арбоблар, шунингдек, халифанинг ўғиллари ҳам бунга гувоҳ бўладилар. 189/804 йилда эса, Ҳорун ар-Рашид ал-Маъмундан кейинги халифалик вориси этиб, учинчи ўғли ал-Қосимни тайинлайди. Ҳорун ар-Рашид Тус шаҳрида ўлими олдидан ўзининг барча бойликлари, қўшинлари ва қурола-аслаҳаларини ал-Маъмунга ўтади, деган васиятини яна бир бор такрорлайди. Албатта, бу васият ва тақсимотлар билан Ҳорун ар-Рашид ўзидан сўнг ўғиллари орасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш ва ҳаётлигида тўғри тақсимот қилиб, фарзандларини бўлажак низолардан асрамоқчи эди. Афсуски, отасининг бу тадбирлари фойда бермайди, ал-Маъмун ва ал-Амин кейинчалик ўзаро уруш эълон қилиб, бу уруш ал-Аминнинг ўлими билан якун топади. Халифалик ал-Маъмун ихтиёрига 813 йилда ўтган бўлса-да, у Марвдан Бағдодга фақат 204/819 йили кўчиб ўтади. Ал-Маъмун Марвда ўн йил яшади. Демак, 198/813 йилда ал-Амин қатл қилинганидан сўнг, ал-Маъмуннинг халифалик даври бошланади ва у 218/833 йилга қадар давом этади. Ал-Маъмун халифаликни роса йигирма йил бошқарган. Ал-Маъмуннинг Хуросондаги даври сиёсий жараёнларга бой бўлди. Ал-Маъмуннинг халифа деб эълон қилиниши сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлди. Шиа мазҳаби тарафдорлари ал-Маъмун ва ал-Амин курашидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ҳокимият тепасига халифа Али ибн Абу Толиб тарафдорлари, яъни шиаларнинг келишини ният қилган эдилар. Ал-Маъмуннинг халифалик курсисига ўтириши яна Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги давом этишини аниқлатарди.

Ал-Маъмуннинг халифаликни Бағдодда эмас, Марвдан туриб бошқариши уларга эмас, кўпроқ хуросонликларга мойил экан, деган фикр пайдо бўлади. Ана шу каби сабаблар, тез орада Ироқда ал-Маъмундан норози шиаларнинг Абу-с-Сарайа бошчилигидаги кўзғолонига туртки бўлади. Кўзғолон 200/815 йилда Ҳасан ибн Саҳл тарафидан бостирилган бўлса-да, Маъмун шиаларга нисбатан ўз сиёсатини ўзгартиришни лозим топди. Маъмун вақтни бой бермай 201/816 йилда халифа Алининг авлодларидан, шиалар орасида катта ҳурмат ва эътиборга эга бўлган Али ибн Мусо ар-Ридони Мадинадан Марвга таклиф этади ҳамда 202/817 йилнинг март ойида уни халифаликка ворис, деб эълон қилади. Бундан ташқари, у қизини Али ибн Мусо ар-Ридонинг ўғлига никоҳлаб беради. Шундан сўнг, яна вазир ал-Фадл ибн Саҳлнинг таъсири остида байроқ ва тантанали кийимлардаги суннийлар рамзи - қора рангни шиаларга хос яшил рангга ўзгартиришга буйруқ беради. Ўтказилган тадбирлар ал-Маъмуннинг Хуросондаги мавқеини мустаҳкамлаган бўлса, Бағдодда халифанинг обрўйига жиддий путур етказди. Халифаликнинг шиа мазҳабига мансуб бўлмаган аҳолиси ал-Маъмунга қарши норозилик билдира бошлайди. Бағдодда катта обрўга эга бўлган Ҳарсама ибн Аъённинг ўлдирилиши, ал-Маъмунга нисбатан қаршилик кайфиятини янада кучайтириб юборди. Натижада 817 йил Бағдоддаги сунний мазҳабидаги кучлар ҳамда ал-Маъмуннинг халифаликни бошқаришига қарши бўлган бошқа душманлари кўзғолон кўтариб, Иброҳим ибн ал-Маҳдийни халифа деб эълон қиладилар.

Ал-Маҳдий мусиқа, кўшиқ ва шеърят соҳасида катта қобилият соҳиби эди. Лекин, турли фитна ва сиёсий ўйинлардан мустасно бўлмаган халифаликни бошқаришга унинг кучи ва тажрибаси етишмасди.

Ал-Маъмун кўшинлари ва янги халифа Иброҳим ибн ал-Маҳдий орасида Бағдодда жанглар бошланган бир вақтда Марвда ал-Маъмун сиёсатида кескин ўзгаришлар юз берди. У вазиятнинг жиддийлигини англаб етгани ҳолда, ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган халифалик курсисининг хавф остига тушиб қолишига, Али Ридони сабабчи деб билади. Бундан ташқари, ал-Маъмуннинг бир гуруҳ лашкарбошилари унга вазир ал-Фадлнинг халифаликдаги ҳақиқий аҳволини халифадан яшираётгани умуман, мамлакат бошқарув ишларини вазирга ишониб топширилиши салбий оқибатларга олиб келганини таъкидлаб, ал-Маъмунга Марвдан Бағдодга кўчиши зарур эканини уқтирадилар. Натижада 203/818 йилда ал-Маъмун халифаликни Марвдан Бағдодга кўчиришга буйруқ беради. Улар йўл юриб Сарахс шаҳрига етганларида, вазир ал-Фадл ўлдирилади. Ал-Маъмун қотилни топган кишига мукофот ваъда қилади. Қўлга олинган қотиллар, вазир халифанинг буйруғига биноан қатл қилинганини айтадилар. Бироқ, ал-Маъмун қотилларнинг

калласини олдириб, қатл этилган вазирнинг Бағдодни бошқараётган укаси - Ҳасан ибн Саҳлга таъзия хати билан бирга жўнатади. Хатда ал-Маъмун Ҳасан ибн Саҳлни акасининг ўрнига вазир этиб тайинлашни ҳам ваъда қилади.

Карвон Тус шаҳрига етиб келганида, шиаларнинг йўлбошчиси Али ибн Мусо ар-Ридо заҳарланишдан вафот этади. Унинг заҳарланишида халифанинг қўли борлиги, Бағдоднинг сунний мазҳабидаги аҳолисида ал-Маъмуннинг сиёсатига нисбатан ижобий фикр уйғотади. Шуниси эътиборлики, юқоридаги ҳар икки шахснинг, яъни вазир ал-Фадл ибн Саҳл ва Али ибн Мусо ар-Ридоларнинг қатл қилиниши ал-Маъмун томонидан Бағдод аҳолисига қарата қўлланган сиёсий ҳийла эди. Яна ал-Маъмун Бағдод аҳолисига мактуб ҳам жўнатади. Мактубда улар қарши бўлган ва халифага ворис, деб эълон қилинган шахснинг вафот этгани ва энди аҳолининг шаръий халифа - ал-Маъмун тасарруфига қайтиб, таслим бўлиши сўралади. Албатта, бу мактубнинг Бағдод аҳолисига таъсири катта бўлди, деб бўлмайди. Бироқ, Бағдодда халифа деб эълон қилинган Иброҳим ибн ал-Маҳдийнинг ҳокимиятни бошқаришда заифлиги ва нўноқлиги, аскарларининг ал-Маъмун кўшинларига тезда таслим бўлишини таъминлайди. Шу тариқа Бағдод ва унинг лашкарбошилари шаҳарга кириб келган ал-Маъмун кўшинини кутиб оладилар ва унга итоатда бўлишларини билдирадилар.

Ал-Маъмуннинг Хуросондаги фаолияти давомида ўша давр анъаналарига биноан, Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларини ўз саройига тўплай бошлади. Кейинчалик бу олимлар ал-Маъмун билан Бағдодга кўчиб ўтдилар ва «Байт ал-ҳикма»да ўз илмий изланишларини муваффақиятли давом эттириб, улкан ютуқларга эришдилар.

Абу Саид Гардизийнинг (XI аср) «Зайн ал-аҳбар» асарида астрономия ва астрология илмига қизиқиши катта бўлган ал-Маъмун Марвда турганида, унинг девонида мунажжимлар ишлагани қайд этилган. Умуман, ал-Маъмун Хуросонда ҳукмронлик қилган йилларида у ерда ҳақиқат ва адолат ҳукм сурган. Халифа ҳар куни масжидга келиб, у ердаги одамлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг шикоятларини тинглаган, кишиларнинг муаммоларини одилона тарзда бартараф этишга кўмак берган.

Шаҳар аҳолисининг ал-Маъмунга итоат этиши маълум бўлганидан кейин, ал-Маъмун 819 йилнинг август ойида Бағдодга хотиржам кириб келади ва у йигирма тўрт ой тўққиз кун мобайнида Марвда алмаштирган яшил байроқни сақлаб туради. Сўнгра яшил рангли байроқни йиртиб ташлаб, унинг ўрнига қора байроқ, яъни суннийлар байроғини қайта тиклайди. Унинг лашкарбошию, вазирлари ва бошқа давлат арбоблари ҳам шиаларга хос бўлган яшил рангни суннийларга хос қора рангга алмаштирадилар. Халифа

байроқ рангларини алмаштириш тадбиридан ўз сиёсий манфаатлари йўлида моҳирона фойдалана билган. Ал-Маъмуннинг сиёсатдаги фаолиятида кадамларини кузатар эканмиз, у Бағдодга кириб келганида ўзига қарши кўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари саналган шахслар, ал-Фадл ибн ар-Рабиъа ва ал-Махдийнинг яна бир вазирини нафақат авф этгани, балки улар билан дўстона муносабатларда бўлгани ажабланарли ҳолдир.

Халифа ал-Маъмуннинг Бағдоддаги халифалик даври 819 йилдан то вафотига қадар, яъни 833 йилгача давом этди. Ал-Маъмун содир бўлаётган исён ва тартибсизликларни бостириш мақсадида Мисрга ҳам бир неча маротаба сафар қилади. Хусусан, унинг 217/832 йилда Мисрда бир неча ой бўлгани ҳақида маълумотлар сақланган. Шуниси кизиқки, бу маълумотларнинг баъзиларида халифанинг Фустот (қадимги Қоҳира)даги нилометрни ислоҳ қилиш ишларида иштирок этгани таъкидланади. Илмий адабиётларда бу ислоҳ ишларини Аҳмад ал-Фарғоний бажаргани айтиб ўтилган. Демак, Аҳмад ал-Фарғоний Мисрга ал-Маъмун билан бирга келган бўлиши мумкин. Аммо бу тахминнинг муаммоли жиҳати шундаки, ал-Фарғонийнинг нилометрни 247/861 йилда ислоҳ этгани маълум бўлса, халифа 218/833 йили вафот этган. Бундан Аҳмад ал-Фарғоний нилометрни бир неча марта ислоҳ қилган ёки адабиётларда келтириляётган саналарда ноаниқлик мавжуд, деган хулосага келиш мумкин.

Келтирган маълумотлар кўп жиҳатдан ал-Маъмуннинг халифаликдаги ички фаолияти, бошқача айтганда, ички сиёсатига тааллуқлидир. Аммо унинг халифалик таркибига кирмаган хорижий давлатлар билан алоқаларда бўлгани, аниқроқ айтганда, ташки сиёсат билан шуғуллангани табиий бир ҳол. Албатта, у ўша даврдаги Рим, Юнонистон, Ҳиндистон, Африка, Европа мамлакатлари билан ташқи алоқаларда бўлган. Ал-Маъмуннинг уларнинг баъзилари билан низолашгани, бошқалари билан яқин муносабатларда бўлиб, китоблар алмашгани, у ердаги алломаларни ўз саройига таклиф этгани ҳақида маълумотлар сақланган.

Хулоса қилиб айтганда, ал-Маъмун фақат мураккаб, фаолияти зиддиятларга тўла тарихий шахс, машҳур халифа, дин арбоби, илм-фан ҳомийси бўлибгина қолмай, балки жасур, кези келганда қаттиққўл, тадбиркор ва маълум маънода сиёсий мақсадларига эришишда ҳеч нарсадан қайтмайдиган, омилкорлик билан иш юритувчи сиёсатчи эди.

Аббосийлар давлати тарихида халифа ал-Маъмун (813-833) даври илм-фаннинг ниҳоятда ривожлангани билан ажралиб туради. Бу эса кўп жиҳатдан ал-Маъмуннинг илм ва илм аҳлига кўрсатган эътибори, саҳовати билан белгиланади. Илм тараққиётнинг негизи эканлигини яхши англаб етган ал-Маъмун, ўзи бошқарган давлатда илм-фанга катта умид билан қаради ва уни

ривожлантириш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилди. Ўз табиатига кўра тадбиркор, билимдон, зукко, донишманд бўлган халифа доимо камолотга, билимларини чуқурлаштиришга интилган. У ҳар бир илмий масалани ўрганишга, унинг туб моҳиятига етишга завқу шавқ билан киришар эди. Ибн Ан-Надимнинг таъкидлашича, ал-Маъмуннинг ўзи ислом дини, тавҳид, пайғамбарлар ва халифаларга бағишланган уч асар муаллифи бўлган. Айни пайтда у ал-Маъмунни фикҳ ва калом илмларини тушунадиган энг билимдон халифа, деб номлайди.

Ал-Маъмун алломалар улар билан турли илмий мавзуларда мунозаралар олиб борган. Алломалар дунёнинг турли бурчакларидан таклиф этилган бўлиб, улар орасида мусулмонлар билан бирга насронийлар, яҳудийлар ва бошқа диний эътиқод вакиллари ҳам бор эди. Тақдир тақазоси билан халифа саройида тўпланган турли миллат ва маданият вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар, бир-бирларидан илм ўргандилар. Натижада ўша давр фани ва маданиятида йирик кашфиётлар дунё юзини кўрди ва келажакдаги юксалиш учун замин ҳозирланди.

Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Анмотийнинг хабар беришича, Марвдан Бағдодга кўчиб келган халифа ўз саройига Бағдоддаги олимлар, фикҳшунослар ва мутакаллимларнинг катта гуруҳини таклиф этади. Бу ердаги илмий мунозаралардан кейин аввалига юзга яқин, кейинроқ эса, яна бир қанча фикҳшунос ва донишмандларни танлаб олади. Манбаларда кўрсатилишича, Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги таржима ишлари уч даврга бўлинган¹¹:

Биринчиси - халифа Абу Жаъфар ал-Мансур давридан бошланиб, Ҳорун ар-Рашиднинг вафотигача бўлган 754-809 йиллар. Бу даврнинг энг машҳур таржимонлари қаторига Батламйуснинг «Ал-мажистий» асарини ал-Мансур учун таржима қилган Юҳанна ибн ал-Батриқ, санскрит тилидаги «Синдҳинд»нинг таржимони Муҳаммад ал-Фазарий, «Калила ва Димна» ҳамда Арастуниг мантиққа оид асарларини араб тилига ўгирган Абдуллоҳ ибн ал-Мукаффаъ, насроний табиблар ва тиббий асарларнинг моҳир таржимонлари Журжис ибн Жибрил ва Юқанна ибн Мосавайх, ҳиндистонлик табиб ва астроном Манка, Бармакийлар тасарруфидаги шифохона мудирини Ибн Дихна, Саллом ал-Аъраш ва Босил ал-Митранларни киритиш мумкин.

Иккинчиси - 813 йилдан бошлаб то 913 йилгача давом этади. Бу йиллар нафақат таржима фаолиятининг, балки илм-фан ривожининг «олтин даври» деб юритилади. Бу даврдаги таржима соҳасининг асосий намоёндалари ал-Ҳажжож ибн Матар, Қуста ибн Луқа ал-Баъалбаккий, Абд ал-Масих ибн

¹¹ Абдухалимов. Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларнинг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон 2010. 75-76 бет.

Наъима ал-Ҳимисий, Ҳунайн ибн Исҳоқ ва унинг ўғли Исҳоқ ибн Ҳунайн, Собит ибн Қурра, Ҳунайн ибн Исҳоқнинг жияни Ҳабаш ал-Аъсам номи билан танилган Ҳубайш ибн ал-Ҳасанлар бўлган. Улар ўша даврдаги бошқа олимлар каби Букрот, Жолиюнус, Арастуларнинг асарларини таржима қилганлар, уларга шарҳ ва изоҳлар ёзганлар.

Учинчиси – 915 -1050 йиллар. Абу Бишр Матта ибн Юнус, Собит ибн Қурранинг ўғли Синон ибн Собит, Яхё ибн Адий, Абу Али ибн Зуръа, Ҳилал ибн Ҳилал ал-Ҳимсий каби таржимонлар Арастунинг мантиқ ва табиий фанларга оид асарларини таржима қилгани билан баҳоланади. Таржима фаолиятининг бу уч даври Аҳмад Фарид Рифаъийнинг «ал-Маъмун асри» номли китобида келтирилган. Бунинг натижасида юнон, форс, ҳинд ва бошқа халқларнинг ноёб илмий мероси араб тилига ўгирилди ва мусулмон маданиятининг ажралмас бўлагига айланди.

Маъмун академиясида жаҳонга машҳур таржимонлар Мосаржавайх, Муҳаммад ал-Фазарий, Абу Саҳл-ал Фадл ибн Навбахт, Журжис ибн Бахтйашу, Жибрил ибн Бахтйашу ибн Журжис, Яхё ибн ал-Батрик, Умар ибн ал-Фарруҳан ал-Табарий, Ал-Ҳажжож ибн Юсуф ибн Матар, Бону Мусо Ҳунайн ибн Исҳоқ, Ёқуб ал-Киндий, Яхё ибн-Адий кабилар ҳам самарали фаолият кўрсатганлар.

Маъмун академиясида ал-Хоразмий фаолияти (783-850). Мусо ал-Хоразмийнинг кўп қиррали илмий мероси жаҳон миқёсида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам кенг ўрганилган. У «Байт ал-ҳикма»даги Марказий Осиё олимларининг энг машҳури бўлган.

“Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астраномия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожига хизматлари умумэтироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди” - деган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бўлиб, у 783 йилда таваллуд топган ва 850 йилда вафот этган. Европада «Алгоритмус» ва «Алгоритмус» номлари билан машҳур бўлган буюк математик, астроном ва географ. У ўз илмий фаолиятининг катта қисмини Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма»да ўтказгани тарихдан маълум. Мазкур даргоҳ халифа ал-Маъмуннинг шахсий эътибори остида бўлиб, маълум муддат ал-Хоразмий томонидан бошқарилган. Ал-Маъмун билан ал-Хоразмий орасида ниҳоятда яқин муносабатлар бўлган. Халифа ал-Хоразмийни олим сифатида кадрлаган, «Байт ал-ҳикма» каби марказни бошқариш ишларини унга

ишониб топширган ва у ерда олиб борилаётган илмий тадқиқотларга ҳар жихатдан кўмак берган.

Хоразмий юнон, хинд ва эрон астрономиясини ва математикасини яхши билган. Византия, Ҳиндистондан кўплаб китоблар келтирилиб “Байт ал-ҳикма”нинг қошида 2 та йирик расадхона: биринчиси 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида, иккинчиси Дамашқ яқинидаги Касиюн тоғида 831 йилда барпо этилади.

Ибн ан-Надимнинг «ал-Фихрист» китобида ал-Хоразмий ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Ал-Хоразмий. Унинг исми Муҳаммад ибн Мусо, асли Хоразмдан. У ўзини ал-Маъмуннинг «Байт ал-ҳикма»сига бағишлаган фалакиёт илмининг билимдонларидан эди. Одамлар астрономик тадқиқотлар бошлашдан аввал ва ундан сўнг ҳам ал-Хоразмийнинг «ас-Синдҳинд» номи билан маълум бўлган биринчи ва иккинчи зижига (икки астрономик жадвалларига) таянганлар. У қуйидаги асарларнинг муаллифидир: “Зиж” китобининг икки, яъни биринчи ва иккинчи тахрирлари, «Қуёш соати китоби», «Астурлоб билан қилинадиган амаллар», «Астурлоб ясаш амали китоби» ва «Тарих китоби».

Мусо ал-Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби” ҳақида қисқача китоби, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Кўшиш ва айриш ҳақида китоб” – арифметик асар. “Китоб сурат-ул-арз” – географияга оид асар. “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ясаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ат-тарих”, “Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”. Бу асарларнинг учтаси араб тилида, биттаси Фарғонийнинг асари таркибида, 2 таси лотинча таржимада сақланган, қолган 3 таси ҳалигача топилган эмас.

Мусо ал-Хоразмийнинг арифметик рисоласи хинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг Оврўпада, қолаверса бутун дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди.

Хоразмийнинг алгебрик рисоласининг 3 та қўлёзмаси Қобулда, Мадинада ва Оксфорд университетининг Бодлен кутубхонасида сақланади. Рисола 1145 йили Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Унинг энг йирик астрономик асари унинг “Зиж” идир. У 830 йилда ёзилган. Бу китоб 37 боб, 116 жадвалдан иборат.

Илмий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, ал-Хоразмий халифа Маъмун ва ундан кейинги халифалар даврида бир қанча илмий экспедицияларда иштирок этган. Жумладан, у 830 йили китоб йиғиш мақсадида Фарбий Ҳиндистонга, сўнгра эса Румга (Рим) ва, ниҳоят, Волга дарёсининг қуйи оқимидаги ўлка - Хазаристонга ҳам ташриф буюрган.

Бундан ташқари, баъзи тадқиқотларда ал-Хоразмий Тадмир ва Раққа оралиғида ер меридианининг бир даражасини ўлчашда иштирок этган, деб қайд қилинади. Ҳофиз Тўқан эса, бу фикрни тасдиқлаш учун етарли асос йўқ, деб ҳисоблайди. Бизнинг наздимизда ал-Хоразмий бу тадбирда иштирок этган, чунки бу ўлчашларда «Байт ал-ҳикма»даги атоқли олимларнинг кўпчилиги қатнашган.

Ал-Хоразмий ўзидан аввалги ҳинд ва юнон илмларини пухта ўзлаштирган, уларга ижобий ёндашган ва ривожлантирган. У ҳозирги замон риёзиёт фанининг бир қанча тармоқ ва концепцияларининг асосчисидир. Жумладан, у замонавий алгебра фанининг биринчи таъсис этувчиси ҳисобланади. Ал-Хоразмий мазкур фанни муайян бир тизимга солибгина қолмай, балки бу фандаги оддий, мураккаб чизиқли ва квадрат тенгламаларнинг таҳлилий ечимини ишлаб чиқди.

Ҳозирда бутун дунёда қўлланиладиган алгебра сўзининг ўзи олимнинг машҳур «Ал-жабр вал-муқобала» сидаги «ал-жабр»дан олинган бўлиб, Европада «алгебра» шаклида ёзилган ва талаффуз қилинган. Кейинчалик бу сўз фанда ана шу тарзда ўрнашиб қолди. Ал-Хоразмий синус функцияли тригонометрик жадвалларнинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган бўлиб, кейинчалик бу амалиёт тангенс функциясининг экстрополяциясини вужудга келтирди. У такомиллаштирган икки хато орқали ҳисоблаш усули, муаллифни дифференция концепциясига бошлаб келди. Олим конуссимон кесмаларнинг геометрик ҳолатини такомиллаштирди.

Ал-Хоразмий 0 (ноль)ни расмий равишда муомалага олиб кирди ва шу туфайли ҳозир фойдаланилаётган сонларнинг ўнлик позицион ҳисоблаш тизими бутун дунёга тарқалди. Муаллифнинг сонлар тизими ҳақидаги асарларидан бири Европада «Алгоритм» ёки «Алгоризм» номи билан танилган ва бундан замонавий алгоритм, алгоризм сўзи келиб чиққан. У ҳисоб фанидаги қатор масалаларни, жумладан, касрлар билан бажариладиган амалларни ҳисоблашни янги поғонага кўтарди.

Ал-Хоразмий риёзиётдан ташқари, фалакиёт илмида ҳам сўнмас из қолдирди. Унинг математика, астрономия ва география фанларидаги илмий мероси қатор тадқиқотчилар, жумладан, А.Аҳмедов тарафидан ўрганилган. Аллома бир қанча рисоалар ёзган бўлиб, уларнинг энг машҳури «Астрономик жадваллар» деб аталади. Хоразмийнинг «Зиж»и муқаддима, 37 боб ва 116 жадвалдан иборат бўлиб, унинг аввалги 5 боби хронологияга, 7-22 боблари Батламйуснинг геоцентрик системаси бўйича Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатларига, 23-боб тригонометрияга, 25-27 боблар математик географияга бағишланган, 28-бобда Хоразмий тангенс, котангенс тушунчаларини ва уларга мос жадваллар келтирган, 29-бобда сайёралар

тезлигини аниқлаш, 31-32, 36-37 боблар мунажжимлик масалалари, 33-35 бобларда Қуёш ва Ой тутилиши ва параллакс ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «ал-Хоразмийнинг фалакиёт соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у эҳтиёж туғилган пайтда шундай асар яратдики, бу билан у астрономияни Улуғбек давригача, яъни бир неча асрга «стандартлаштирди». Хоразмийдан кейинги барча астрономлар ўз зижлари учун унинг «Зиж»ини намуна қилиб олдилар».

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг «Ернинг тасвири» китоби ўрта аср араб халифалигида яратилган илк ва муҳим географик асарлардан бири бўлди. Китобда муаллиф Батламйуснинг географияга оид қарашларини шарҳлаб, таҳлил қилиш билан бирга бу қарашларга қатор ўзгаришлар киритиб, уларни ривожлантиради.

Ал-Хоразмийнинг «Ернинг тасвири» асари муаллиф тарафидан махсус бобларга бўлинмаган, А.Аҳмедов уни шартли равишда олти бобга тақсимлаб шарҳлайди. Биринчи бобда ернинг одамлар яшайдиган обод қисмидаги шаҳарларнинг номлари етти иқлимга бўлинади, ҳар бирининг географик координатлари жадвал бўйлаб келтирилади. Иккинчи бобда иқлимдаги тоғлар баён этилади. Асарнинг учинчи бобида Ер қуррасида мавжуд бўлган денгизлар санаб ўтилади, тўртинчи бобда - ороллар, бешинчи бобда - мамлакатлар, давлат ва ўлкалар, олтинчи бобда эса дарё ва булоқлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Умуман олганда, ал-Хоразмийнинг ушбу асарида 2402 та жойнинг географик координатлари берилган.

«Ернинг тасвири» асари 1983 йили илк мартаба ўзбек тилига таржима қилинди. Баъзи маълумотларга қараганда, «Байт ал-ҳикма»да етмишга яқин географлар ал-Хоразмий раҳбарлигида тадқиқотлар олиб борганлар ва тахминан 830 йилда дунёнинг илк харитасини яратганлар.

Дунёнинг қатор қўлёзма фондларида Хоразмий қаламига мансуб ўндан ортиқ асарлари сақланмоқда¹²:

1.«Арифметикага доир асар». Китобнинг арабча матни сақланмаганлиги учун у лотинча («ал-Хоразмий ҳинд ҳисоби ҳақида») номи билан маълум. Асар XII асрда кремоналик Герардо ёки Адлард Бат томонидан лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик бу таржима Б.Бонкомпаньи ва К.Фогель томонидан нашр этилади. Рисоланинг русча наشري ҳам мавжуд.

Рисолада 0 (нольдан) 9 гача рақамларни ишлатган ҳолда бошқа сонларни кўшиш, айриш, бўлиш, кўпайтириш, касрлар, касрларни кўпайтириш, илдиз чиқариш каби амаллар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Баъзи маълумотларга қараганда, рисоланинг асл номи «Қўшиш ва айириш китоби» ҳам бўлиши

¹² Абдухалимов. Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларнинг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон 2010. 75-76 бет.

мумкин. Ал-Хоразмийнинг бу рисоласи олимнинг юбилейи муносабати билан 1983 йили Тошкентда нашрдан чиққан.

2.«Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб». Ал-Хоразмий рисоласининг асосан икки қўлёзмаси, яъни Оксфорд университетининг Бодлен ва Қобулдаги кутубхоналарида мавжудлиги фихристларда эътироф этилади. Аммо турк тадқиқотчиси Ойдин Сайили ал-Хоразмий рисоласининг яна икки нусхаси Қоҳира ва Германияда мавжудлигини қайд этган. О.Сайилининг таъкидлашича, бу нусхаларнинг бирини араб тадқиқотчиси Одил Анбуба Германияда учратган, иккинчиси эса Қоҳирадаги арабий қўлёзмалар институтининг журналида (ноябр, 1956) қайд этилади. Рисола инглиз, рус, лотин, форс, ўзбек тилларида нашр, таржима ва тадқиқ қилинган. Рисола шартли равишда кичик бир муқаддима ва 27 бобдан иборат. Муқаддима ўша давр учун анъанавий бўлган Аллоҳ ва пайғамбарга ҳамду сано айтиш билан бошланади. «Аллоҳ имом ал-Маъмунга, унга мерос бўлиб ўтган халифалик лавозимини инъом қилиб, мурувват этганлиги, бу лавозим либосини кийдириб, уни беаганлиги ва шу билан бирга унда фанларга муҳаббат ва олимларни ўзига яқин тутишга интилиш уйғотганлиги менга жасорат ато қилди, уларнинг устига ўз ҳомийлик қанотини ёзиб, уларга ноаниқ бўлган нарсаларни ёритишга ва улар учун мушкул бўлган нарсаларни осонлаштиришга ёрдамлашарди. Шунинг учун мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни тарғиб қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, ҳандасада ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир».

3.«Хоразмий зижи». Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, халифа ал-Маъмун ал-Хоразмийга Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фазарийнинг «Катта Синдҳинд» номли ҳинд тилидан таржима қилинган асарининг қисқартирилган шаклини ёзишни топширган ва шу тариқа ал-Хоразмийнинг «Зиж» асари яратилган. Аввалига бу асар «Кичик Синдҳинд» номи билан маълум бўлган, сўнгра эса, у ал-Хоразмийнинг “Зижи” номи билан танилган; асарнинг асл нусхаси сақланмаган. Унинг ўрта аср астрономи Маслама ал-Мажритий (X-XI) қайта ишлаган ва Аделард Бат томонидан лотин тилига ўгирилган нусхаси дунёнинг қатор кутубхоналарида мавжуд.

Ал-Хоразмийнинг “Зиж” асари муқаддима, 37 боб ва 116 та жадвалдан иборат. Муаллиф муқаддимада «Зиж»нинг ёзилиш сабабларини айтиб ўтганидан сўнг, 1-5 бобларни календарларга бағишлайди: Араб йилининг тавсифи (1), Рим йилининг тавсифи (2), Тўфон эраси, Исқандар Зулқарнайн эраси, Испан эраси, Христиан эраси, Ҳижрий эралар; Қуёш, Ой ва бешта

сайёралар эфемеридалари жадвалларини тузиш (3), Араб ойларининг бошлари (4), Кабиса йилини аниқлаш ҳақида (5), Айланаларнинг бўлиниши ҳақида (6). Кейинги 7-22 бобларда Батламйуснинг геоцентрик тизими бўйича Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилади. 23-боб синусни ёй бўйича аниқлаш ва аксинча деб аталиб, тригонометрияга оиддир. 24-27 бобларда географик жойларнинг узунлик ва кенглигини аниқлаш (24), буржларнинг тўғри сферада чиқишлари (25), хоҳлаган бурж ёки даражанинг ихтиёрий жойда кўтарилиши (26), ихтиёрий жойдаги ихтиёрий кундуз соатининг узунлиги каби масалалар муҳокама қилинади. 28-бобда ихтиёрий жисмнинг текис сояси Қуёш баландлигига кўра қандай аниқланиши баён этилади. 29-37 бобларда ёритгичларнинг тезлиги, Қуёш ва Ойнинг бирлашиш ва рўпара туриши, уларнинг тутилиши ҳамда параллакс масалалари таърифланади¹³.

4.«Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоб». Рисоланинг матни Берлиндаги Пруссия кутубхонасининг № 5093 рақамли қўлёзма таркибига кирган. Асар У Франк, Э.Видеман, К.Шой, Б.Розенфельд ва Н.Сергеевалар томонидан ўрганилган. А.Аҳмедовнинг кўрсатишича, ал-Хоразмийнинг мазкур асари 48 бўлимдан иборат. Бўлимларда астурлоб ёрдамида ёритгичлар баландликларини топиш (1), толе ва кеча ё кундузда вақтни аниқлаш (2-3), астурлоб ёрдамида топилган натижани жадвал ёрдамида ҳисоблаб, топилган натижа билан солиштириб, астурлобни қанчалик аниқ эканлигини текшириш (4), кеча ва кундуз ёйларини аниқлаш (5-7), буржларнинг ер экватори ва турли ерлардаги чиқишлари (8-9), ёритгичларнинг эклиптик координатларини аниқлаш (10-12 ва 14-15), ёритгич оғишини аниқлаш усули (13 ва 19), ёритгичларнинг кўтарилиши (чиқиши), ботиши ва кульминация даражасини аниқлаш (16-18), кундуз ва кеча ёйларини ёритгичларга кўра аниқлаш (20), Қуёш баландлигига кўра гномон соясини, яъни Қуёш баландлигининг котангенси ёки тангенсини астурлоб зуҳридаги «соялар квадрати»га кўра аниқлаш усули (21), жойнинг кенгламасини аниқлаш усули (22), ёритгич баландлиги ва вақни толега кўра аниқлаш усули (23-24 ва 26), ёритгич баландлигини вақт бўйича аниқлаш (25, 27-28), «тўғри соатларни» «эгри соатларга алмаштириш» ва аксинча (29-30), уйларни эквализациялаш ва бошқа астрологик амаллар (31-33), икки жойнинг географик координатларини таққослаш (34-40), бомдод, пешин, аср ва шом вақтларини аниқлаш (35-36), ёритгич азимутини аниқлаш (37), Ой чиқиш вақтини аниқлаш (38), Ойга кўра толени аниқлаш (39), намоз вақтини аниқлаш учун циркуль тавсифланади (41-42), айрим астрологик масалалар

¹³ Аҳмедов А. Хоразмий Зижи // Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. –Тошкент: 2002. 24-бет.

(43-45), астурлобларнинг турлари ҳақида (44), Ернинг бешта зона (қисм)га бўлиниши, квадрат яшаш усули (47-48). Ал-Хоразмий рисоласидаги бу боблар, муаллифнинг ўрта аср астрономиясида астурлоб қўлланилган барча масалаларни қамраб олганини кўрсатади.

5. «Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш» рисоласининг ягона арабча нусхаси Истанбулдаги Аё Суфиё кутубхонасидаги 4830/13 рақамли қўлёзманинг 198 6-200 а варақларида жойлашган. Қўлёзма 622/1225 йили кўчирилган. Рисола рус тилига таржима қилинган.

6.«Қуёш (мармар) соат юзасида соатлар яшаш». Г.Матвиевская ва Б.Розенфельд қўлёзмати Аё Суфиё кутубхонасида № 4830/15 рақами остида сақланмоқда деб маълумот берадилар. Мармар соатлар дейилганда, ўрта асрларда қуёш соатлар тушуниланган. Чунки қуёш соатларининг юза қисми мармардан ясалган. Рисола ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан 1983 йили илк мартаба рус тилида таржима ва изоҳлар билан нашрдан чиқди.

7.«Ернинг тасвири китоби». Ал-Хоразмийнинг «географик асари» ёки қисқача ал-Хоразмийнинг «География»си номи билан юритилади. Ал-Хоразмий «География»сини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, муаллиф «Ер тасвири» ибораси ортида географик харитани назарда тутган ва шу билан бир қаторда, улар бу асарни ал-Маъмун харитасининг тавсифидан иборат бўлганини таъкидлайдилар.

9.«Тарих китоби». Ал-Хоразмийнинг бу асари ҳам бизга тўлиқ ҳолда етиб келмаган¹⁴. Муҳаммад Мусо ал Хоразмий нафақат машҳур математик, табиатшунос аллома, балки машҳур файласуф сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Маъмун академиясида Аҳмад Фарғоний ва Форобий фаолияти. Аҳмад ал-Фарғоний Европада Алфарангус номи билан танилган Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ўрта асрларнинг энг кўзга кўринган алломаларидан эди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг исми фан тарихида машҳур, лекин, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда оз, ноаниқ бўлиб, кўпроқ тахминларга асосланган. Олимнинг туғилган йили мантиқий ҳисоблар билан 797 ёки 798 йиллар, деб қабул қилинган. Ўрта аср манбаларида Аҳмад ал-Фарғоний ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланган. “Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа

¹⁴ Абдухалимов. Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 182-188 бет.

университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Ахмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрдаги асосий астрономик асбоб-устурлаб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек Нил дарёсида “Нилометр” деган йўл даврлар давомида сув сатҳида ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машхур иншоотни яратгани бўлди”, - деган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Ибн ан-Надим (ваф. 993 й.) «ал-Фихрист» асарида олимнинг исми Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлиб, у фозил астроном ва бу соҳадаги етук олимлардан эканини айтиб унинг қаламига мансуб «Ал-мажистий»нинг қисмлари (боблари)» ва «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» рисолаларини келтиради.

Ибн ал-Кифтий (1173-1248) Ахмад ал-Фарғонийнинг халифа ал-Маъмун тасарруфидаги астрономлардан бири эканини таъкидлаш билан бирга олимнинг «Фалакиёт илмига кириш ва юлдузларнинг ҳаракати» рисоласини ёзганини айтиб ўтади. Муаллифнинг кўрсатишича, ал-Фарғонийнинг ўттиз бобдан иборат бу асари, «Ал-мажистий» китобининг моҳирона услуб ва тушунарли шарҳлар билан яратилган қисқартмасидан иборат.

Ибн Абу Усайбиъа ва Ибн Тоғриберди (1411-1470)лар Ахмад ал-Фарғонийнинг Равда оролига (Миср) ўрнатилган нилометрни ислоҳ қилиш ва канал қазिश соҳасидаги гидромухандислик фаолияти ҳақида маълумот берадилар. Нилометр Нил дарёсидаги сувнинг баландлик даражасини ўлчаш учун мўлжалланган жиҳоз бўлиб, у 861 йили Ахмад ал-Фарғоний тарафидан ислоҳ қилинган. Нилометр аслида 750 йили қурилган бўлиб, у биринчи марта 814-815 йили халифа ал-Маъмун, иккинчи марта эса 861 йили ал-Мутаваккил даврларида ислоҳ этилади. Шарқшунос Гастон Виет нилометрни тузатиш масаласини батафсил ўрганиб чиққан. Равда оролида жойлашган бу жиҳоз Нил дарёси суви билан махсус қувурлар орқали боғланган тош қудуқ кўринишидаги иншоотдир. Қудуқ марказида тош устун жойлаштирилган бўлиб, унга сув сатҳини аниқловчи махсус белгилар ишланган. Нилнинг суви юқоридаги қувурлар орқали уч қисмдан иборат қудуққа оқиб тушади ва унинг марказидаги устун воситасида ўлчанади. Нил дарёси бўйида қурилган бу қадимги гидротехника иншооти Миср кишлок хўжалиги учун ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, уни Ахмад ал-Фарғоний тарафидан ислоҳ этилиши, олимнинг иқтидорли муҳандис ҳам эканлигига ёрқин далилдир.

Абул-Фараж Бар Эбрей (1226-1286) ҳам ал-Фарғонийнинг халифа ал-Маъмун давридаги машхур астрономлардан бири эканини эътироф этади ва

«Астрономия илми асослари» номли рисола унинг қаламига мансублигини қайд этади.

П.Г.Булгаковнинг фикрига кўра, Аҳмад ал-Фарғоний 865 йили вафот этган.

Дунёнинг турли қўлёзма фондларида Аҳмад ал-Фарғонийнинг қуйидаги асарлари сақланиб қолган¹⁵:

1.«Фалакиёт илми асослари ва самовий ҳаракатларнинг усуллари».

2.«Ҳандаса ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурубни яшаш учун комил китоб». Рисоланинг нусхалари Туркия, Берлин, Лондон, Париж, Техрон, Машҳад ва Қоҳирада сақланади.

3.«Етти иқлимнинг ҳисоби» Қоҳира ва Готада сақланади.

4.«Астурубни қўллаш ҳақида китоб» Рампурда сақланади.

5.«Ал-Фарғоний жадваллари» Патнада сақланади.

6.«Жадий диаметри учун ал-Фарғоний жадваллари» Маниса (Туркия)да сақланади.

7.«Ой ернинг устида ёки остида жойлашган вақтни аниқлаш ҳақидаги рисола» Қоҳирада сақланади.

8.«Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» Қоҳира ва Ҳалабда сақланади.

9.«Ал-Хоразмий зижини тушунтириш». Ушбу рисола бизгача етиб келмаган.

Ал-Фарғоний асарларининг энг машҳури «Астрономия илми асослари» бўлиб, у 30 бобдан иборат. Уларда фалаккиёт фанининг асосий масалалари - араб, юнон, суриялик ва форсларнинг Ой ва Қуёш тақвими (1-боб), самонинг сфера шаклида экани (2-боб), Ернинг шар шаклида экани (3-боб), Ер осмон сферасининг маркази экани (4-боб), осмон жисмларининг икки кўринма ҳаракати (Қуёш, Ой ва сайёраларнинг суткалик ҳаракати (5-боб), Ернинг аҳоли яшайдиган қисмининг тартиби ва унинг осмон сферасининг барча айланишида рўй берадиган тун ва кундаги ўзгаришлар (6-боб), Ернинг аҳоли яшайдиган чорагининг хоссалари (7-боб), Ерни ўлчаш ва унинг обод қисмини етти иқлимга бўлиниши (8-боб), Ердаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари, уларнинг қайси иқлимга тегишли экани (9-боб), буржларнинг тўғри чиқиши ва унинг тўғри ҳамда оғма сфералардаги ҳаракати (10-боб), кеча ва кундуз вақтларининг миқдори, текис соатлар билан замонли соатларнинг фарқлари (11-боб), ёритгичлар сферасининг шакли, таркиби ва уларнинг Ердан узоқлик даражалари (12-боб), Қуёш, Ой ва кўзғалмас ёритгичларнинг сфералар бўйича айланма ҳаракати (13-боб), ҳаракатланувчи бешта ёритгич (сайёралар)нинг узунлик бўйича ҳаракати (14-

¹⁵ Абдухалимов. Б.Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 201-202 бет.

боб), бешта ҳаракатланувчи ёритгичнинг эклиптика бўйича қайтма ҳаракати (15-боб), сайёраларнинг эпицикллари, уларнинг деферентлари ўлчамлари (16-боб), ёритгичларнинг ўз сфераларидаги ва эклиптикадаги даврлари (17-боб), кўзгалмас ёритгичлар ва сайёраларнинг кенглик бўйича ҳаракати (18-боб), кўзгалмас юлдузларнинг сони, уларни катталиклар бўйича таснифлаш (19-боб), Ой манзиллари (20-боб), ҳаракатланувчи ва турғун юлдузларнинг Ердан масофаларини ўлчаш (21-боб), ёритгичларни ўлчаш ва ҳар бир ёритгичнинг Ер ўлчовига нисбатан микдори ҳақида (22-боб), ёритгичлар ва уларнинг эклиптикадаги даражаларининг меридиандаги, чиқишдаги, ботишдаги бўладиган ихтилофлари ҳақида (23-боб), ёритгичларнинг чиқишлари ва ботишлари ҳамда уларнинг Қуёш нурида бекинишлари (24-боб), Ҳилол (янги Ой)нинг чиқиши ва Ой нурининг ортиши ва камайиши (25-боб), бешта ёритгичнинг Қуёш шуълалари (ости)дан чиқиши (26-боб), Ой ва сайёраларнинг параллакси (27-боб), Ой тутилиши (28-боб), Қуёш тутилиши (29-боб), Ой ва Қуёш тутилиши вақтлари орасидаги микдорлар.

Олимнинг «Астрономия илми асослари» китоби Европага тарқалиб, бир неча асрлар давомида Европа университетларида фалакиёт фани бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг яна бир муҳим «Ҳандаса ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурилобни ясаш учун комил китоб» рисоласининг нусхалари Берлин, Қоҳира, Қастамону, Лондон, Машҳад, Париж ва Техронда сақланади. Ҳозирда унинг рус тилидаги тўлиқ таржимаси Тошкентда нашрдан чиққан.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоб”и XII асрда Оврўпада лотин тилига 2 марта ва XIII асрда бошқа Оврўпа тилларига таржима қилинган. Унинг номи “Алфрагнус” номи билан Фарбда машҳур бўлган. Китоби Оврўпа университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини бажарган. Ал-Фарғоний асарининг лотинча таржимаси биринчи марта 1493 йилда нашр этилган. Унинг асарлари Австрия ва Италия университетларида астрономиядан дарслик вазифасини бажарган. Ал-Фарғоний номини Данте (XV) машҳур ёзувчи, шоир Шиллер (XVIII) ҳам эслаган. Европа олимлари Даламбёр, Брокельман, Х.Зутер, И.Ю.Крачковский, А.П.Юшкевич, Б.А.Розенфельдлар ҳам Ал-Фарғонийга юксак баҳо берганлар.

Ал-Фарғонийнинг саккиз асари мавжуд бўлиб барчаси астрономияга оиддир. “Астрономия асослари ҳақида китоб”, “Астурилоб ясаш ҳақида китоб” қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида сақланади. “Астурилоб билан амал қилиш ҳақида китоб” қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистонда), “Ал-Фарғоний жадваллари” - қўлёзмаси

Патнада (Ҳиндистон), “Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола” - қўлёзмаси Қоҳирада, “Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида” китоби – Готада ва Қоҳирада, “Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб” – қўлёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланади. “Ал-Хоразмий “Зиж” нинг назарий қарашларини асослаш асари Беруний томонидан эслатилади.

Юқоридаги маълумотлар, Фарғонийнинг «Байт ал-ҳикма»да фаолият кўрсатиб, фалаккиёт, риёзиёт, география фанларининг ривожига улкан ҳисса қўшган олим, шунингдек, астрономик жиҳозлар ва гидроиншоотлар қуриш ишларида ёрқин истеъдод соҳиби эканини кўрсатади.

Форобий (873-950). Абу Наср Форобий нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилиб, бениҳоя катта ҳурматга сазовар бўлиб келаётган буюк мутафаккири, қомусий олими, машҳур файласуфидир.

Форобий юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танилганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастузи” деб юритилган¹⁶.

Форобий ўзининг сермаҳсул илмий ижодида ўз давридаги маълум фанларнинг деярли барчасига оид асарлар яратиб, уларда фундаментал тадқиқотлар ва натижаларга эришди, фалсафанинг барча соҳалари билан шуғулланди. Форобий дунёқарашининг яқунловчи қисми, сўнгги мақсади - инсон жамоаси, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг кутган орзу-умидлари, исоний муносабатлар, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришилган фуқаролар жамиятини қуриш масалаларидир, деб кўрсатади М.Хайруллаев¹⁷.

Форобий табиий-илмий ва ижтимоий соҳаларда 160 дан ортиқ асарлар яратган. Форобий асарларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини ўрганиш, шарҳлашга бағишланган асарлар; 2) фаннинг турли соҳаларига оид асарлари. Форобий Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган.

Форобий “Субстанция ҳақида сўз” (“Калом фи-л жавҳар”), “Масалалар манбай” (“Уюнул масоил”), “Қонунлар ҳақида китоб” (“Китоб фи-л навоис”), “Фалак ҳаракатининг давомийлиги ҳақида”, “Катталарнинг ақли ҳақида сўз”, “Ёшларнинг ақли ҳақида китоб”, “Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб”, “Мантиққа кириш китоби”, “Исбот китоби”, “Жон”, “Илмларнинг келиб

¹⁶ Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Т.: 1966. 61-6.

¹⁷ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: 1971. 246-6.

чиқиши ва таснифи”, “Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида”, “Фалсафага изоҳлар”, “Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз”, “Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари тўғрисида сўз”, “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”, “Риторика ҳақида китоб”, “Луғатлар ҳақида китоб”, “Хаттотлик ҳақида китоб”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Шаҳарни бошқариш”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб”, “Фазилатли хулқлар”.

Фаробий “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” китобида 30 дан ортиқ фанларни беш гуруҳга ажратиб кўрсатган. 1. Тил. 2. Мантиқ. 3. Математика. 4. Табиатшунослик, метафизика. 5. Шаҳар ҳақидаги фанлар. Бу таснифни ўзидан Фаробий ўрта асрларда мавжуд бўлган кўпгина фанларни мукамал билганидан далолат беради.

Фаробий асарларининг кўп қисми таълим, фалсафа, билимларни ўзлаштиришнинг физиологик ва психологик асосларини назарий ўрганишга қаратилган. Унинг фикрича, сезги органлари юрак, миёна инсон туғилган вақтда мавжуд бўлади, бошқа ҳамма нарсалар ақлий ва ахлоқий хусусиятлар, характер хислатлари, билим инсоннинг ўз фаолияти мобайнида ҳосил бўлади. Фаробийнинг яна бир буюк хизмати шундаки, у инсонларга бахтли, тўғри яшашни уқтиради, билимларни эгаллашга ундайди.

Фаробий ижтимоий ҳаёт, жамият ва унинг тараққиёти масалаларида ҳам, жамият тараққиётида қадриятларнинг ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилди, чуқур фалсафий масалаларни ўртага ташлади. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У мазкур нарсаларни бир ўзи қўлга кирита олмайди, балки бу жараёнда ўзига ўхшаган кишиларнинг, яъни жамиятнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Бу ишда етук жамият, идеал давлат ҳақидаги фикрларни ривожлантириб, аллома инсон ва инсоният тараққиётида жамият аъзоларининг биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Идеал жамият аъзолари эса нафақат миллий, балки умумбашарий қадриятларнинг ҳам ўрнини тўғри тушуниши, ёшларга таълим ва тарбия бериш, жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар муштарақлигига эришиш кераклигини кўрсатади.

Фаробий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чакиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоаси тузиш ҳақида орзу қилади. Албатта, бу жамоада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришилган, уларнинг интеграциялашуви интенсивлашган бўлади, - дейди аллома. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида Фаробий давлатни ҳар томонлама етук, ўзида

энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илм ва маърифатга олиб борувчи идеал жамият ҳақида фикрни олға суради. «Фозил одамлар шаҳри» асарида у давлатни бошқараётган шахс, ҳоким Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги кераклигини уқтириб, давлат бошлиғи эга бўлиши керак бўлган ўн икки фазилат ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Аллома таъкидлаганидек, давлатни бошқараётган киши аввало, соғлом бўлиши, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор нуқсон халал бермаслиги лозим. Иккинчидан, шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиши зарур. У англаган, кўрган, эшитган, идрок қилган нарсаларини хотирасида тўлиқ сақлаб қолиши керак, яъни хотираси ўта кучли кишигина шаҳарга ҳоким бўлиши мумкин. Юқоридагилардан ташқари, билим, маърифатга ҳавасли, ўқиш-ўрганишдан асло чарчамайдиган, таом ейишда, ичкиликда ўзини тия биладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёмонликлардан жирканадиган бўлиши лозим. У ўз қадрини билувчи, номус ва ориятли, улуғ ишларга интиладиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатан адолатпарвар, жабрланганларга мадад берадиган бўлиб, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъият, сабот, журъат ва жасоратлик кўрсатиши, кўрқоқликка йўл қўймаслиги зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларнинг буюк мутафаккири, улуғ ватандошимиз Абу Наср Форобий ўзининг сермуҳсул ижодида барча соҳаларда қилган ижодида алоҳида эътибор билан жамиятни ўрганди. У инсон ва инсоният бахтли яшаши учун юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаши лозимлигини асослаб берди, инсон, унинг ҳаёти энг олий қадрият эканлигини, унинг манфаатларини ёклаш ҳар қандай жамиятнинг энг биринчи вазифаси эканлигини кўрсатди. И.Каримов ҳақли таъкидлаганидек, «Миллий тараққиётимизнинг тақдири олий қадрият саналган инсон, унинг эркинликлари, ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари таъминланганлигига, мустақил фикрлаши, ақлий заковат билан руҳий-маънавий салоҳиятни ўзида уйғунлаштира олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир».

Такрорлаш учун саволлар

1. Маъмун Академиясининг мақсад ва вазифалари қандай ва унинг аҳамияти нимада?
2. Маъмун Академияси фаолиятини баҳоланг?
3. Мусо ал Хоразмий илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
4. Фарғоний ва Форобий илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?

Академиялар тарихидан:

№	Академиялар номи	Раҳбари	Ҳомийси	Ташкил этилгани вақти	Олимлар сони	Шиори
1	“Платон академияси” Афина	Платон		Эрамиздан олдинги 385 йил	90-100 тагача	“Геометрияни билмаган-бу жойга кирмасин”
2	“Байт ал-ҳикма” Бағдод	Мусо Хоразмий	Халифа Абдуллоҳ ал-Маъмун	819 йил	300-500 тагача	“Илм-фан кишилар ҳожатини чиқармоқдир”
3	“Мажлиси уламо” Урганч	Абу Райҳон Беруний	Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун	1004 йил	100-300 тагача	
4	Улуғбек академияси Самарқанд	Мажиддин Ҳавофий	Мирзо Улуғбек	1420 йил	90-200 тагача	
5	“Бойсунғур академияси” Ҳирот	Жафар Табризий	Бойсунғур Мирзо	1420 йил	40-50 тагача	

3-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг муҳаддислик илмига қўшган хиссаси.

Муҳаддислик илми ва унинг тарихи. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, миллий, маънавий, умуминсоний қадриятларни тиклаш ва ёш авлодни тарбиялашда фойдаланишга ҳаракат бошланди. Миллий, умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилиш, ёшлар онги ва қалбига сингдириш юрт тараққиёти учун муҳимлигига эътибор қаратилди.

Ҳадис сўзи арабча – “аҳадис” сўзидан олинган бўлиб – “хабар”, “ҳикоя”, “билдириш”, тор маънода “парча” маъноларини билдиради. Ҳадис – Муҳаммад пайғамбаримиз сўzlари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир. Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини тўпловчиларга муҳаддис, бошқа тарих, қисса кабиларни нақл қилувчиларга ахборий дейилган. Айни кунларда ҳадис дейилганда пайғамбарнинг сўzlари, феъл-атвори, амалга оширган ишлари тушунилган.

Ҳадис - исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба саналади. Ҳадисда Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолияти, унинг диний, ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган. Ҳадисларда ислом аҳкомлари, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби амал турларидан бошқа яна ахлоқ-одобга доир панд-насихатлар, қимматли мақол, матал, ҳикматли гаплар ҳам мавжуд бўлган.

Ҳадислар асосан Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин ёзила бошланган. XIII аср бошларида ҳадис илмида уч: Мадина (Урва ибн Зубайр ва аз-Зухрий), Ироқ (Куфада аш-Шаъби) ва Сурия (Дамашқда) мактаблари мавжуд. Ҳадис икки қисмдан иборат: 1. Иснод (арабча – “таянч”) яъни ҳадисни етказган кишиларни санаб ўтиш. 2. Матн яъни ҳадиснинг мазмунини билдиради.

Ўзбек халқи қадимдан дин ва диёнатга эътибор берган халқлардандир. Юртимиздан етишиб чиққан улуғ заковат эгалари нафақат дунёвий, балки диний илмларни эгаллаш, уларни қадрият даражасига кўтаришда чексиз хизмат қилдилар. Ислом дини, тасаввуф таълимоти араб мамлакатларида пайдо бўлган бўлса ҳам, уларнинг камолотга етишишига Марказий Осиё худудидан етишиб чиққан мутафаккирлар беқиёс ҳисса қўшганликларини жаҳон илмий жамоатчилиги тан олган.

Ислом таълимотининг маърифий, инсонпарварлик ғоялари билан ёшларимизни баркамол, мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш, дунёвий билимлар билан бирга диний таълимотнинг ижобий томонларини ўргатиш асосида уларни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидандир. «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»¹⁸, - деган эди Биринчи Президентимиз И.Каримов.

Бугунги ёшлар тарбиясида миллий қадриятлар билан бир қаторда диний қадриятларнинг имкониятлари, айниқса, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини англаш орқали шахснинг ўзида ижобий сифатларни шакллантириш борасидаги бой ва кучли таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳим. Ҳақ йўлига ундаган умумбашарий қадриятларни ардоқлаб ўрганишимиз, ҳалоллик, бунёдкорликка ундаган покиза, ростгўй, меҳр-шафқат одамийлик, ватанпарварлик, халқпарварлик руҳидаги таълимотдан ёшларни тарбиялашда фойдаланиш мумкин. Масалан, Қуръон ва Ҳадисларда баён қилинган қатор инсоний фазилатлар: сабр-тоқат, эҳсон, саҳоват, ўзгаларга, ота-онага, қўшниларга меҳр-оқибат, фарзанднинг ота-она, Ватан

¹⁸ И.А.Каримов. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 12-бет.

олдидаги бурчи ва уни бажаришда фидоийлик қилиш, иродали бўлиш ва ўзини тийиш, ўз-ўзини тарбия учун ҳам зарур воситалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ҳадис мактаби, Ислом цивилизацияси маркази, Ислом олий мактаби вужудга келди. Бу мактаблар ва марказларда маънавиятга, маърифатга, таълим-тарбияга оид кўплаб илмий китоблар ўрганилмоқда, шарҳланмоқда. IX асрдан бошлаб мусулмон ўлкаларида ҳадисшунослик, ҳадисларни тўплаш ва таснифлаш, уларни тартибга солиш диншунослик, исломшуносликнинг энг муҳим йўналишларига айланди. Тўпланган ҳадисларнинг ҳажми, чинлиги, тартиби, аҳамияти билан мусулмон оламида олти муҳаддис мушхур бўлдилар. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин у зотнинг айтган сўзлари (ҳадисларни) ва суннатлари (ҳаёт тарзлари, қилган ишлари)ни тўплаш, китоб шаклига келтириш VIII аср охиридан бошланиб, X асрга келиб бутун ислом олами тан олган олти ҳадисшунос вужудга келди. Булар асосан Марказий Осиёлик муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Абу Довуд ва Имом Можжалар эди. Булар қаторига еттинчи қилиб Имом Доримий Самарқандийни ҳам қўшадилар. Ҳадис олимларининг раҳнамоси, аллома, имомлар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Бухорийдир.

Муҳаддислар султони-Имом Бухорий мероси. Имом ал-Бухорий (810-879). Муҳаддислар ичида энг машҳури Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. У ҳадисшуносликда етуклик даражасига етганлигида «Ҳадис илмида амир ал-мўъминийн» деган номга сазовар бўлган¹⁹. Имом Бухорий 810 милодий йилнинг 20 июлида Бухорода туғилган. Илм олиш мақсадида у жуда кўп олимлардан таҳсил олган.

Имом ал Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, инсонпарварлиги, мурувватлилиги, ҳимматли ва беқиёс саҳоватлилиги билан бошқалардан ажралиб турган. У зехни ўткирлиги ва қобилиятининг ўта кучлилиги билан ҳам халқ ва илмий жамоатчилик орасида шуҳрат қозонган, Манбаларда Имом ал Бухорийнинг 600 000 га яқин ҳадисни ёд билганлиги қайд этилган²⁰.

Имом ал Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, унинг қаламига мансуб асарларнинг сони йигирматадан ортиқдир. «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағий», «Ат-таърих ас-авсот», «Ат-таърих ал-кабийр», «Китоб ал-илал», «Барр ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқа асарлари

¹⁹ Маънавият юлдузлари. –Т.: 1999. 54-б.

²⁰ Уватов У. Донолардан сабоқлар. -Т.: 1994. 9-б.

машҳурдир. Аллома бу асарларида қадриятларнинг инсон камолоти, жамият таракқиётида тутган ўрнига юқори баҳо берган. Бундан ташқари, мутафаккир ёш авлодни тарбиялаш, тарбия жараёнининг муаммолари ҳақида ҳам бугунги кун учун аҳамиятини йўқотмаган кўплаб фикр-мулоҳазалар, амалий тавсиялар берган.

Олимнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан машҳур бўлган асарига киритилган ишончли ҳадислар сони такрорланадиганлари билан 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳадислар (4000) тадир. Асар ёзилганлигига 1200 йилдан кўп вақт ўтган бўлса ҳам, шу вақтгача у ислом оламида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба ҳисобланади. Бу асарнинг 1325 йили кўчирилган нодир нусхаси Истанбулда сақланмоқда. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»га кўплаб шарҳлар битилган. У қайта-қайта нашр этилган.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда фақат ислом дини таълимотига оид қоидалар акс эттирилибгина қолмай, улар меҳр-муҳаббат, ҳалоллик-поклик, саҳийлик, ота-она, катталарга ҳурмат, етим-есир, бева-бечораларга мурувват, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат каби олийжаноб инсоний фазилатлар мужассамдир. Ҳадисларда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимани қилмаслик лозимлиги ҳақидаги замонамиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўл-йўриқлар, панду-насиҳатлар ва ўғитлар ўз аксини топган.

Мутафаккирнинг «Ал-адаб ал муфрат» (Адаб ҳақида ягона китоб) китобига тўплаган ҳадисларида ахлоқ-одоб масаласи асосий ўринда туради. Инсон аввало, яхши хулқли, одобли, инсофли, пок ва ҳалол бўлиши шарт. Бу борада пайғамбар алайҳиссалом ўзлари: «Мен яхши ва олий ахлоқлиларни камолотга етказиш учун пайғамбар қилиб юборилдим» деганлар. Шунинг учун ҳам Имом Бухорий ўзининг шоҳ асари «Жоме ас-саҳиҳ»даги ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадисларни битта китобга жамлаган. Лекин, бундан қониқмаган олим бутун ислом оламини яхши хулқ ва одобда тарбиялашни кўзда тутган ҳолда ахлоқ ва одобга оид ҳадисларни тўплаб, «Ал-адаб ал-муфрад» номли асарини ёзган. Китоб 644 бобдан иборат бўлиб, уларда 1322 ҳадис жамланган. Бу асарда бошқа муҳаддислар китобларида учрамайдиган бир қанча ҳадислар ҳам берилган. Асарнинг яна бир қимматли томони шуки, ундаги ҳадисларни ёзиб олган ҳадис ривоятчилари (иснодлар) - бошқа муҳаддислар иснодларига нисбатан анча ишончли кишилар бўлган.

«Ал-адаб ал-муфрад» қўлёзмалари Шарқ ва Ғарбнинг жуда кўп кутубхоналарида мавжуд. У 1898 йили Ҳиндистонда, 1930 йили Қоҳирада, 1970 ва 1980 йиллари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси билан икки марта араб тилида нашр этилди. Унинг

600 ҳадисдан иборат 267 боби таниқли исломшунос олим Шамсуддин Бобохонов томонидан ўзбек тилига ағдарилиб, 1990 йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди. Таржимада баъзи ҳадисларга изоҳлар ҳам берилган.

«Ал-адаб ал-муфрад»нинг 1-24 боблари ота-онага хизмат қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, айниқса, қариган чоғида уларни эъзозлаб парвариш қилиш, дилига озор бермаслик, уларнинг ҳаққини адо этиш масалаларига бағишланган. «Адаб дурдонаси» адаб ахлоқнинг дурдонасидир. 1200 йилдан буён ислом оламида инсонларда яхши олийжаноб хислатларни тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиш, хизмат қилиб, одамларни пок иймонли, эътиқодли, инсофли бўлишга йўллаб, ёмон иллатлардан сақлаб келаётган бебаҳо асар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмай келаётган нодир қўлланма вазифасини бажаради. Алломанинг «Ат-Тарих ас-сағир» (Кичик тарих). «Ат-Тарих ал-авсат» (Ўртача тарих). «Ат-Тарих ал-кабир» (Катта тарих). «Ат-Тафсир ал-кабир» (Катта тафсир) асарлари ҳам машҳурдир. Афсуски бу асарлар ҳозирча ўрганилмаган.

Мустақиллик туфайли динимиз, иймон эътиқодимиз қайта тикланди. Имом Бухорийнинг тўрт қисмдан иборат «Жомеъ ас-саҳиҳ» асари ўзбек тилига тўла таржима қилиниб нашр этилди. Олимнинг Ҳартангдаги шўро даврида ташландиқ ҳолга айлантирилиб, жамоа хўжалиги омбори, атрофи қаровсиз чакалакзор бўлган табаррук мақбара ва масжиди ўта замонавий даражада таъмирланиб, ёнига ўша давр услубида янги масжид, минора ва арklar барпо этилди.

1974 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси билан Республикамизда бутун ислом дунёси вакиллари иштирокида Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланган эди. 1998 йилда Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори билан буюк аллома Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги жуда кенг миқёсда нишонланди. Имом ал-Бухорий жамғармаси ташкил этилди. «Имом ал-Бухорий собоқлари» журнали таъсис қилинди. Тошкентдаги, Бухородаги олий диний мактабга унинг номи берилди. Фақат мустақиллик туфайлигина ўзбек халқининг буюк фарзанди, ифтихори, шон-шарафи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорий бутун дунёда қайтадан ном таратмоқда.

Имом Термизий мероси. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ат-Термизий машҳур муҳаддислардан бири, бир неча асарлар муаллифи. Ёшлигидан илм ва ҳадисга қизиқиб, Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа мамлакатларда ўқиган, ислом обидалари билан танишган. Жуда кўп билимдонларидан ҳадис тинглаган, ёзиб олган. Умрининг охирида касалга йўлиқиб, бир неча вақт кўзи кўрмай қолган. Ҳижрий ҳисоб билан 279 йили

70 ёшида милодий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва дафн этилган.

Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Исҳоқ ибн Мусо ва бошқа устозларидан турли билимларни ўрганган, кейинчалик ўзи ҳам буюк муҳаддис «Саҳиҳи Ситта»ларнинг бири бўлиб етишиб бир қанча асарлар ёзган ва шогирдлар қолдирган. Ат-Термизий шогирдларидан Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Махмуд, Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад ан-Насафюн, ал-Маҳбубийларни санаб ўтиш мумкин. «Ал-Жомиъ», «Ал-илал фи-л ҳадийс», «Ат-тарих», «Китоб ул-асмо ва куна», «Китоб аз-зуҳд» каби асарлари машҳур. «Ал-Жомеъ» манбаларда бир неча номлар билан аталган. Энг машҳур асари «Сунан ат-Термизий»дир. Имом ат-Термизий инсонлар камолотида ҳадисларнинг ўрни бекиёс эканлигини кўрсатиб берди. Айниқса, «Аш-шамоил ан-набавийа» - «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари» асарида у Муҳаммад (с.а.в.)ни идеал тарзида кўрсатади. Жамият тараққиётида комил инсон-идеал шохнинг ўрни мислсиз эканлигини таъкидлайди. Инсон ва жамият тараққиётида умуминсоний қадриятлар - ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик билан бир қаторда Термизий миллий қадриятларнинг ўрнини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатган. Бу асар «Китоб шамойил» номи билан ҳам юритилади. Бу асарнинг 1510 ва 1533 йиллари кўчирилган иккита қадимий кулёзмаси ва XVII асрда кўчирилган битта қулёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (СВР, IV № 2976, 2979). Булар ичида энг машҳури «Ал-Жомиъ» асаридир. Бу олтига машҳур ҳадис тўпламларидан биридир. Бу китоб «Жоме Термизий», «Сунан ат-Термизий» номлари билан ҳам юритилади. Унга жуда кўп олимлар шарҳ ёзганлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муҳаддислик илми ҳақида нималарни биласиз?
2. Исмоил Бухорий илмий мероси.
3. Исо Термизий илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
4. Буюк муҳаддислар ҳақида маълумот беринг?

Илм ҳақида ҳадислар

Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди.

Илм инсонларни жаҳолат қоронғулигидан қутқаради.

Маданият инсонга маърифат дунёсини танитади. Инсонларни ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтаради.

Илм талаб қилишлик ҳар бир мусулмон учун фарздир.

Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир, бир кунлик дарс олиш эса уч ой тугилган нафл рўзадан афзалдир.

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар.

Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир.

Илм эгалланг! – Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида – зебу-зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир.

Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим, муслима учун қарзу фарздир.

Кимки илм истаб қадам қўйса Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилғайдур.

Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг!

Уялган киши илм ололмайдур.

Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун фойдали нарсаларга эга бўлишдир.

4-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Хоразмшоҳ Маъмун академиясидаги фаолияти

Хоразм Маъмун академияси тарихи. Шарқда вужудга келган илк академиялардан бири хоразмшоҳлар даврида ташкил топган Маъмун академиясидир. 995 йили Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ африғийлар сулоласига барҳам бериб пойтахтни Гурганч деб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади²¹. 998 йили тахтга ўтирган Али ибн Маъмун даврида мамлакатда сиёсий аҳвол барқарорлашади, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ривожлана бошлайди. Али ибн Маъмун илмпарвар шоҳ бўлганлиги сабабли ўз саройига шарқнинг машҳур олиму фозилларини чорлайди. 1009 йили Алининг акаси Абул Аббос Маъмун II тахтга ўтиргач, фан ва маданият янада гуркираб ривожланади. Маъмун II саройда «Мажлиси уламо» ни («Олимлар Кенгаши») таъсис этади ва илмий-ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиш мақсадида махсус «Олимлар уйи» («Байтул ҳукамо») қурдиради. Бу бино ҳаробалари ҳозирги кунда маҳаллий халқ тилида "Қирқ мулла" ёдгорлиги номи билан машҳур. Маъмун ибн Маъмун Абу Райҳон Берунийни ҳам давлат маслаҳатчиси, ҳам «Мажлиси уламо»га раис қилиб тайинлайди. Шоҳ ва олим ўртасидаги самимий муносабат шу даврда фан ва маданиятнинг гуллаб яшнашига, сабабчи бўлди. Турли мамлакатлардан Гурганчга келган

²¹ Сафаров М. Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани таракқиётидаги ўрни. –Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2006. 13-бет.

турли эътиқоддаги олимларнинг ижодий уюшмаси Маъмун академияси номи билан тарихга кирди.

712 йилда Хоразм араблар томонидан босиб олинган, халифага бўйсундирилди. Араблар ўзлари билан янги дин исломни олиб келдилар, босиб олинган халқлар орасида турли йўллар билан бу динни тарқата бошладилар. Албатта, бу жараён осон кечмади. Чунки, бадавий араблар босиб олган ўлкаларда ўзларига нисбатан бир неча баробар юксак маданиятга, илм-фан ва илмий меросга дуч келган эдилар. Хоразмни “исломлаштириш” зиддиятли ва мураккаб тарзда юз берди. Ислом орқали бу ерларда араб тили ва араб ёзуви ҳам тарқатилди. Қадимги ёзувлар: хоразм, суғд, турк ёзувлари йўқотилиб, уларнинг химоячилари жазоланди. VIII асрнинг 2-ярмидан бошлаб ислом ичида шиалар, хорижийлар, мутаъзийлар, жабарийлар каби турли оқимлар вужудга келиб, назарий масалаларда баҳслар авжига чиқди. Ислом замирида бошқа таълимотлар таъсирида тасаввуф шаклланди ва мусулмон Шарқига тарқалди.

IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришди ва бу ерда араблар таъсиридан қутулган биринчи давлат - сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди. Сўнг бу ҳудудда хоразмшоҳлар, ғазнавийлар, салжуқийлар давлатлари фаоллик кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Гурганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида шуғулланди натижада савдо-сотик, хунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда маданий алоқалар, илмий марказлар ривож топди.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда камол топиб, фан ва маданиятнинг ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар, математик Абул Ҳасан Азархурий ибн Устоз Жашназ ва қомусий илм эгаси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларнинг хизмати беқиёсдир. Аллома ўрта асрда илмларни таъсиф қилиб, “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калити”) асарида фалсафа фани ҳақида шундай ёзади: “Фалсафанинг маъноси - нарсаларнинг ҳақиқийлиги илми ва энг салоҳиятли иш учун амалий ҳаракат демакдир”.

X аср охири ва XI аср бошларида Хоразмда илм-фан, адабиёт ва маданиятда юксалиш даврини бошдан кечирганининг гувоҳи бўламиз. Бу юксалишнинг устувор йўналишлари асосан, табиий ва дунёвий фанлар ривожига яққол акс этади. Шу даврда етишиб чиққан дунёвий илмларнинг йирик намояндалари бўлмиш Абу Наср Ироқ, Абул Хайр ибн Хаммор, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солиҳ ал-Хоразмий ал-Қосий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ мутафаккирларнинг илм-фан соҳасида қўлга киритган улкан ютуқлари жаҳон илм аҳли томонидан тан олинган. Айниқса, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ўрта асрлар фанининг икки буюк даҳосидир. Ибн Сино тиббиёт илмида машҳур бўлса,

Беруний “тажрибавий илмнинг отасидир” - (Г.Сартон). Аллома Кўхна Урганчда “Мажлиси уламо” (“Олимлар кенгаши”)га раҳбарлик қилди, фаннинг ташкилотчиси ва тарғиботчиси сифатида танилди (1004-1017 йиллар). Бу илмий жамоа “Маъмун академияси” номи билан тарихга кирди. Шарқнинг илмий-маданий юксалишига хизмат қилди. Шарқда илк академиялардан бири бўлган Маъмун академияси ўз даврида (1004-1017 йй.) минтақада фан ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бу илм маскани – “Мажлиси уламо”да замонасининг уч юздан ортиқ машхур олимлари тўпланиб Абу Райҳон Беруний раҳбарлигида фаолият олиб бордилар. Шулардан 32 алломанинг номи бизга маълум.

Маъмун академиясининг илмий ва маданий юксалишдаги роли шундан иборатки, биринчидан, шоҳ Маъмун ибн Маъмун фармони билан академияга хос бўлган фундаментал тадқиқотлар чуқур ва атрофлича олиб борилди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилди, давлат томонидан маблағ билан таъминланди. Иккинчидан, дунёвий илмлар, хусусан математика, астрономия, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик каби фанлар юксак босқичга кўтарилди. Табиий фанларда эришилган ютуқлар ҳозирги замон фани кўрсаткичларига яқинлиги ҳайратланарлидир. Учинчидан, инсон зотининг фазога парвози тўғрисидаги ғоя ва унинг илк амалиёти ҳам шу академия туфайли амалга оширилди. Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзмада Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Форобий ал-Жавҳарий (940-1008) деган астроном олимнинг Хоразмда илк бор қанот ясаб фазога учганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақида илк бор атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода хабар берган эдилар. Тўртинчидан, Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантириб қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлади, турли халқларни, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб тарих саҳифасига ёзилди. Толерантлик онги тараққиёт талаби эканлигини амалда кўрсатиб берди. Бешинчидан, бу илмий жамоада гипотеза тарзида олға сурилган ғоялар фаннинг беш юз йилдан кўпроқ ривожланиши учун омил бўлди. Олтинчидан, барча насларга ва асрларга татигулик уч буюк даҳо Абу Наср ибн Ироқ, Беруний ва Ибн Синони етказиб берди. Ибн Ироқ “Математикларнинг математиги”, Беруний “Тажрибавий илмнинг отаси”, Ибн Сино «Табобат отаси» сифатида дунёда эътироф этилди. “Мажлиси уламо”даги қизгин баҳс-у мунозаралар уларнинг кейинга ижодига ҳам самарали таъсир қилди.

Маъмун академияси 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши билан ўз фаолиятини тўхтатса-да, бу илм масканида муаммо қилиб қўйилган илмий ғоялар атрофида мунозаралар

давом этди ва ривожлантирилди. Кейинчалик Хоразмдан етишиб чиққан Маҳмуд аз-Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Чағминий, Нажмиддин Кубро, Фахриддин Розий, Паҳлавон Маҳмуд каби пиру устозлар ҳам шу академиянинг бевосита давомчиларидир.

Оврупода биринчи академия 1662 йили Англияда ташкил топганини, у «Лондон кироллик жамияти» деб аталганини эслаш лозим. Бу илмий жамият Кембриж университети талабаларининг илмий тўғарақлари асосида вужудга келган. Унинг ташаббускори Роберт Войль (1627-91) ҳисобланади. Бу академияга ўз вақтида Р.Гук (1635-1703), Х.Рен (1632-1723) ва Исаак Ньютон (1643-1727) лар раҳбарлик қилишган.

Россияда биринчи академияга 1724 йили Пётр I асос солган. У 1747 йилги низомга кўра «Император Фанлар ва Санъат академияси» деб аталган. 1803 йилдан бошлаб «Император Фанлар Академияси» деб аталадиган бўлган.

Ёкут ал-Ҳаммавийнинг “Мўъжам ал-удабо” асарида ўрта асрда яшаб ижод қилган мингдан ортиқ алломаларнинг таржимаи ҳоли ва ижодидан намуналар келтирилган, шундан олтмиш нафари ватандошларимиздир. Тадқиқотчи Исроил Элмуродов "Мўъжам ал-удабо"даги йигирма бир нафар Хоразлик алломалар ва адиблар тўғрисидаги маълумотларни илмий таҳлил қилгани шу давр маданий юксалишидан далолат беради.

Хоразмшоҳ ануштегинийлар даврида, яъни 1097-1231-йилларда Хоразм яна бир бор илмий-маданий юксалишни ўз бошидан кечирди. Хоразмлик алломалар бу даврда Маъмун академиясида дунёвий илмлар билан бир қаторда, илоҳий илмларда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, тилшунослик, тафсир илмида ҳатто арабларни ҳам ортда қолдириб кетди. Маҳмуд аз-Замахшарий араб ва турк тили луғатини тузиб, ўзбек тили луғатшунослигига асос солди. Бу даврда Умар ан-Насафий, Синнорий, Баққолий, Фахриддин ар-Розий, Абу-л Фатҳ ал-Мутарризий, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағминий, Нажмиддин Кубро каби алломалар мушхур бўлдилар.

Марказий Осиёда шаклланган энг йирик тасаввуф тариқатларидан бири кубровия кенг ёйилди. Бу тариқатга шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солди, у кейинчалик Ўрта ва Яқин Шарқнинг бошқа ўлкаларига ҳам кенг тарқалди. Кубро тасаввуфнинг фалсафийлашувида катта хизмат қилди. У қатор рисоаларида тасаввуфнинг онтология, гнесеология, комил инсонни тарбиялаш масалаларини баён этди. Нажмиддин Кубро мўғуллар ҳужуми даврида ўз муридлари билан Кўҳна Урганч ҳимоясида фаоллик кўрсатди. “Она Ватан учун, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш, Аллоҳ васлига етишмоқ ила баробардир”, - дея ватанпарварлик ва

инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, халқнинг миллий қаҳрамони сифатида гавдаланди. Кубровия тариқатидаги жавонмардийлик ғоялари кейинчалик Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Таробий каби саркардаларнинг жасоратига ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

Таниқли олим Зиё Бунёдов "Ануштегин хоразмшоҳлар давлати" номли монографиясида қирқдан ортиқ алломанинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида маълумот бериши Хоразмда илм-фан ва маданият юксак даражада ривожланганини кўрсатади. Демак, IX-XII асрларда фанда араб тили, бадий ижодда форс тили, ҳарбий соҳада турк тили устуворликка эга бўлиб, илмий-маданий юксалиш изчиллик билан ривожланиб борди.

Ўрта асрларда Хоразмдаги илмий-маданий юксалишнинг омиллари сифатида:

биринчидан, Хоразм ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйган, қадимий цивилизация ўчоғи бўлган маданий ҳудудлардан бири эканлиги, зардўштилик таълимотининг илк ватани бўлганлиги;

иккинчидан, Мағрибу машриқни боғлаб турувчи, "Буюк ипак йўли"нинг бир тармоғи Хоразм ҳудудидан ўтганлиги;

учинчидан, ягона империя доирасида ўзаро таъсирга киришган қадимги Юнон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳинд ва Хитой илму-фан ютуқлари. Қадимги маданият дурдоналари араб, форс, турк тилларига таржима қилинди ва шарҳлар ёзилди.

тўртинчидан, ислом байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарқ маданиятининг уйғунлашуви асосида ислом маданиятининг вужудга келганлиги ва бу жараёнда Марказий Осиёлик алломаларнинг фаоллигига;

бешинчидан, маҳаллий илмий муҳит вакиллариининг ютуқларидан кенг фойдаланганлиги;

олтинчидан, назария билан амалиётнинг боғлаб олиб борилганлигига. Хоразмда илм-фаннинг ривожини амалиёт талабларидан келиб чиққанлиги. "Илм-фан кишилар ҳожатини чиқармоқдир" ғоясининг устуворлиги;

еттинчидан, ўрта асрларда дунёвийлик ва динийликнинг уйғунлиги, турли диний эътиқодлар вакиллари орасида ўзаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликнинг умуман, толерант онгнинг мавжудлиги.

саккизинчидан, умуман Хоразм менталитетининг мавжудлиги. IX-XII асрларда Хоразмда санъат, адабиёт, астрономия, математика, минерология, тиббиёт, ирригация каби гуманитар ва табиий фанлар тарққиётига қўшилган улкан ютуқлар жаҳон цивилизацияси хазинасида бебаҳо қадрият сифатида баҳоланди, ҳамда бутун башарият манфаатларига хизмат қила бошлади.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун академияси («Мажлиси уламо»)да Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ,

Абу Сайд ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Сахрий, Зайнуддин Журжоний, Абулкарим Зиргалий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Муҳаммад Хоразмий, Абдуаввал ибн Абдусамадий, Абу Азоқ ибн Баҳром, ал-Косий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абу Абдулла ан-Найсабурий ал-Хоразмий, ал-Хамдакий, Аҳмад Масъурий, Абу Муҳаммад Раккоший, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абубакр Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайл ал-Хоразмий ва бошқа олимлар математика, астрономия, астрология, руҳият, мантик, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, кимё, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, бу илмларнинг келажакдаги тараққиётига замин ҳозирладилар.

Маъмун академиясида Беруний фаолияти. Беруний (973-1048). Буюк комусий тафаккур эгаси Абу Райҳон Беруний маданиятни юксалтиришда жонбозлик кўрсатган ватандошларимиздандир. Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурини илм ва фан асосларини ўрганишга сарфлади. У ўзини қизиқтирадиган масалаларни синчиклаб ўрганиб, моҳиятини билиб олишга эринмаган, хотираси ниҳоятда кучли бўлган. Шарқда Беруний ҳақида осойишталикни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, куни қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан ҳеч қачон чарчамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларидан унумли фойдаланган деган гап тарқалган. Беруний билим ва тафаккур тимсоли бўлган. Илмнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Илмлар кўпдир. Улар замоннинг иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга кўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса, ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар учун бўшатиб қўяди. Демак, олимларнинг қалби буни севиш учун яратилгандир”²².

Олим дунёқарашининг кенглиги, илмий қизиқишлари абадийлик бағишлайди. Берунийнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида бир қанча асарларида фикрлар билдирилган. Айниқса, унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар, уларнинг урф-одат ва анъаналари, тили, дини, тафаккури, хуллас, миллий қадриятлари ҳақида

²² Отахўжаев А. Абу Райҳон Беруний. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2011. 5-7 б.

бебаҳо маълумотлар келтирилган. «Ҳиндистон» асарида у ҳинд халқининг анъаналари, дини, урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотлар берибгина қолмасдан, бу қадриятларни ўз халқи, шунингдек, ислом мамлакатлари халқлари қадриятлари билан таққослаган, тегишли умумлашмалар ва хулосаларга келган.

Абу Райҳон Беруний барча фанларнинг келиб чиқишини ҳам инсон ҳаётининг эҳтиёжи билан боғлайди, қадриятларнинг инсонга хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. У илмни диндан ажратиб ўрганиш тарафдори бўлиб, илмий ва диний қадриятларни қориштириб юборишга қарши туради. Илмий қадриятларнинг асосини тажрибага боғлиқ эканлигини таъкидлаши билан бирга, назарий билимларни ҳам рад этмайди²³.

Абу Райҳон Беруний тарихий ҳодиса ва жараёнларни билишда инсон ёлғон-яшиқларга, нотўғри маълумотларга, юзаки хабарларга асосланмаслигини, масалаларни ҳар тарафлама, мукамал билиш, уларни қиёсий ўрганиш зарурлигини айтган. Мутафаккирнинг жамият, унинг истиқболи келажак сари ривожланиб боришида меҳнатнинг, илм-фан, маданият ва илмий мероснинг, инсон омилининг роли ва аҳамияти борасидаги билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам бебаҳодир; олим ақл, меҳнат, эркин танлаш, инсон ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди, - деган. Инсон ўзидан бошқаларнинг ҳам бахт-саодатини ўйлаши зарурлиги ҳақида гапириб, «Жавоҳирот» асарида ёзади: «Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат. Шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади²⁴. Олим жамият тараққиётини фан тараққиёти билан боғлайди. Илмий қадриятлар диний ва миллий қадриятларнинг даражасини белгилайди, улар инсониятни фақат эзгуликка етаклайди, - дейди аллома. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний - 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилган У ёшлигидан Африғий хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг амакиси Али ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг оиласида ўсади ва тарбия олади. 1004 йил бошидан то 1017 йил охиригача Гурганчда туриб, Маъмун академиясида хизмат қилади. 1007 йил охирида Маҳмуд Ғазнавий Берунийни ўз пойтахти Ғазнага олиб кетади ва вафотигача, яъни 1048 йилгача ўша шаҳарда яшайди. Лекин орада бир марта - 1025 йилда Хоразмга келиб кетади. Беруний кўп тилларни билган қомусий олим бўлиб 152 та илмий асар ёзган, улар асосан аниқ фанларга, баъзилари тарих, минералогия ва табобатга бағишланган. «Қадимги

²³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: 1997. -240-6.

²⁴ Усмонов Б., Боқиев Ф. Фалсафа фанидан ўқув-услубий мажмуа. -Гулистон: 2005. -35-б.

халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Масъуд Қонуни», «Геодезия», «Сайдана», «Минералогия» ва бошқа асарларида тарих, фалсафа, таълим-тарбиядан ташқари геология, астрономия фанларининг долзарб муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борган.

«Масъуд қонуни» асарида Беруний ўзидан аввалги олимлар ва замондошлари томонидан астрономия ва математика соҳасида эришилган барча ютуқларни тўплаган ҳамда уларга танқидий ёндашиб, ўз кузатишлари ва тадқиқотлари натижалари билан тўлдирган. Асарда Беруний астрономия ва математиканинг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтган. «Тафҳим» - «Юлдузшунослик санъати асосларини тушунтириш китоби» («Китоб ат-тафҳим ли аввайл синаат ат-танжим»), олим ҳаётлиги даврида арабчадан форсчага таржима қилинган. XX асрда тўла ёки қисман инглиз, немис, рус, тожик тилларига таржима қилинган.

Китоб савол-жавоб тарзида баён қилинган ва 530 савол-жавобдан иборат, саккиз бобга бўлинган: 1) Геометрия, 2) Арифметика, 3) Астрономия, 4) География, 5) Астрологик астрономия, 6) Хронология, 7) Астурлоблар, 8) Астрология. «Астурлоблар» асари турли кўринишдаги астурлобларни яшаш ҳақида 70 та бўлимдан иборат. «Солиштирма оғирликлар» асари табиий фанлар тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди, чунки олим фан тарихида биринчи бўлиб моддаларнинг солиштирма оғирликларини, яъни улар вазнининг ҳажмига нисбатини аниқлади ва шу билан табиий фанларни моддаларни тадқиқ қилишнинг энг ишончли усули билан таъминлади.

Ўзи ясаган махсус асбоб ёрдамида Беруний 50 та модданинг, шу жумладан, 9 металл, 18 суюқлик, 3 та маъдан ва бошқа моддаларнинг солиштирма оғирликларини катта аниқлик билан ўлчади. Бу билан аллома минералогиядаги асосий масала - маъданларнинг замонавий таснифига асос солди ва биринчи бўлиб, қимматбаҳо тошларни тасниф этишда шу усулни қўллади ва бу борада фикрларини ўзининг «Минералогия» асарида баён қилди.²⁵ «Минералогия»да қимматбаҳо тошларга ишлов бериш усуллари, уларни баҳолаш ва тозалигини текшириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Қимматбаҳо тошларнинг нарх жадваллари ҳам келтирилиб, тошларни тўғри баҳолаш бўйича бир қанча кўрсатмалар ҳам берилган. «Минералогия» ўз даври учун бундай маълумотлар берган ягона манба ҳисобланади. Айниқса, Марказий Осиёдаги конлар тўғрисидаги маълумотлар амалий жиҳатидан муҳимдир. Масалан, асарда Ангрен водийсидаги феруза, Зарафшондаги зок, нушодир, симоб, темир, мис, қўрғошин, кумуш ва олтин, Фарғонадаги тошқўмир, нефть, Бухородаги магнетит, Тожикистондаги

²⁵ Жумабоев. Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар тараккиёти тарихидан. -Т.: 1997. 85-87 б.

олтин, лаъл, биллур конлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Африка, араб мамлакатларидаги конлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Беруний сунъий равишда олтин ҳосил қилиш, кимёвий ўзгаришлар ёрдамида бир металлни иккинчисига айлантириш, мўъжизакор эликсир яратиш кимёгарларнинг ушалмас орзуси эканлигини яхши тушунгани ҳолда, уларнинг тажриба ва асарларининг рационал негизини топа олган ва ўз асарларида ривожлантирган.

Берунийни Хоразм Маъмун академиясида табобат билан шуғулланган алломалар қаторига ҳам қўшиш мумкин. Тиб амалиёти билан шуғулланмаган бўлса ҳам, аллома Хоразмда яшаган даврида ўлка табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини чуқур ўрганиб, ўз фикрларини, кузатув натижаларини қайд этиб борган. У доривор моддалар, шу жумладан, ўсимликларни, айниқса, диққат ва эътибор билан кузатиб, уларнинг маҳаллий номларини араб, форс, сурён, юнон, кейинчалик эса ҳинд тилларидаги номлари билан таққослаб, бўлғуси китоби учун маълумотлар тўплаган²⁶.

Берунийнинг моддалар хоссаларига, номларига бўлган қизиқишлари унинг «Хронология», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана» асрларида ўз аксини топган. «Сайдана» («Фармакогнозия») олим илмий фаолиятининг сўнги маҳсули бўлиб, афсуски Беруний уни тугата олмаган ва китоб қораламада, таҳрирсиз қолган. Бу китоб Берунийнинг бутун умри давомида йиққан маълумотлари асосида ёзилган бўлиб, унда ҳаётининг Хоразмда ўтган давридаги илмий кузатишлари натижалари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

«Сайдана»да йиғилган 1116 та дори модданинг 107 тасини маъданий моддалар, 880 тасини ўсимликлар, 101 тасини ҳайвоний моддалар, 30 га яқинини мураккаб дорилар ташкил этади. Бу дориларнинг турли тил ва лаҳжалардаги номига Беруний алоҳида аҳамият беради, чунки ўша даврдаги тиббий адабиётда бу борада жуда кўп хато ва чалкашликлар мавжуд эди. Беруний келтирган араб, юноний, сурёний, ҳинд, форс, хоразмий, туркий, сўғд ва бошқа тил ва лаҳжалардаги атамаларнинг сони 4500 га яқин бўлиб, бу иши билан олим ўша даврдаги доришунослик атамаларини тартибга солишга катта ҳисса қўшди. «Сайдана»да келтирилган бой фактик маълумотлар XI асрдаги доришунсолик ва ботаника илми ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Берунийнинг ижодида табиий фанлар, жумладан географик билимлар салмоқли ўрин эгаллайди. У 16 ёшидаёқ ер юзида жойларнинг географик кенглигини аниқлаш билан шуғулланган ва Кат шаҳрининг географик кенглигини ўлчаган. Ер шарини глобусда акс эттириш Берунийнинг география соҳасидаги машҳур хизматларидан бири саналади ва бу муҳим

²⁶ Ўша асар. 97-б.

ишни у 995 йили Кат шаҳрида яшаб турганида амалга оширади. Беруний ўзи ясаган глобусга географик объектларни белгилаб, аҳоли масканлари оралиғидаги масофаларга асосланиб, уларнинг географик координаталарини аниқлаган; яъни глобус яшадан маълум илмий мақсад қўйган эди. Беруний Кат шаҳрида ясаган глобус Шарқда тайёрланган биринчи ва шу билан бирга рельефли глобус ҳисобланади. Ҳозирги тадқиқотларда унинг картография тарихида математик география принциплари асосида ясалган дастлабки глобус ҳам дейишади.

Берунийнинг Гургонда ёзган йирик асарларидан бири «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Хронология») асари бўлиб, унда тарих билан бир қаторда математик картография тушунчалари ҳам берилган²⁷.

Алломанинг «ат-Тафҳим» асаридаги картада Ўрта денгиз, Болтик денгизи, Каспий денгизи, Қизил денгиз, Форс қўлтиги анча аниқ кўрсатилган. Арабистон, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ярим ороллари ҳам ажралиб турибди; Миср, Шом, Макка, Ироқ, Форс, Хуросон, Ҳиндистон, Хитой каби жойларнинг географик ўрни тўғри белгиланган.

Беруний глобусида Яқин ва Ўрта Шарқ худуди бўйича жой номлари, асосан, шаҳарлар кўпроқ кўрсатилган. Зеро глобусни тайёрлашдан мақсад, биринчи ўринда шаҳарлар орасидаги масофаларни белгилаш ва улар воситасида географик координаталарни аниқлаш эди.

Абу Райҳон Берунийнинг Гурганчда олиб борган илмий фаолиятида географиянинг бир қанча соҳалари - табиий география, гидрология, минералогия, астрономик география каби соҳаларга оид тадқиқотлар ўрин олган. Жумладан, аллома Гурганчнинг географик кенглигини аниқлагани маълум. Жойларнинг географик кенглигини ҳисоблаб топишда эса, уларни Қуёш ёки бошқа ёриткичлар баландлигига қараб белгилаган.

Беруний «Геодезия» асарида ер шарида океанлар ва материклар нисбатига, қадимги юнон ва Шарқ географик тушунчасида мавжуд анъанага ҳам маълум ўзгартириш киритади, яъни Клавдий Птолемей дунё картасида акс этган континентал концепция - Африка материгининг Осиё материги билан жануб томондан уланганлиги ва Ҳинд ҳамда Тинч океанларининг ёпиқ денгиз шаклида акс эттирилганлигига қарши чиқиб, бундай назариянинг асосизлигини исботлайди. Беруний тушунчасида дунё океани бир-бири билан қўшилган яхлит сув ҳавзасини ташкил қилади. Америка қитъаси мавжудлиги тўғрисидаги фаразни Беруний «Ҳиндистон» асарида баён қилди. Беруний ўзининг илғор дунёқараши орқали Маъмун академиясида ҳукм сурган бағрикенгликдан келиб чиққан ҳолда ўша замондаги дин ниқоби

²⁷ Маънавият юлдузлари. –Т.: 2001. 105-6.

остидаги айрим илм - фаннинг мутаассиб душманларига қарши қаттиқ ғазабини «Геодезия» асарида қуйидагича ифода қилади: «Уларнинг ашаддийлари жаҳолатда ўзига ўхшаганларнинг (илмга) нисбатан нафратини кучайтириш учун уни адашишдан (иборат) деб ҳисоблайдилар, улар ўзларига илм эгаларини йўқотиш эшигини очиш учун, ҳамда олимларнинг ҳалокати ва илмнинг инқироzi билан ўз ҳолатларини сир сақлаш (мақсадида) илмга бидъат тамғасини босадилар». Берунийнинг бу фикри ҳозирги замон баъзи бир диний мутаассибликка берилган экстремистларга ҳам қарши қаратилганини кўпчилик берунийшунослар таъкидлаганлар.

“Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди. Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари орасида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас”, - деган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов.

Берунийнинг «Хоразмнинг машҳур кишилари» асари «Хоразм тарихи» деб ҳам аталади. Асар тўлиқ ҳолда сақланмаган, фақат унинг йирик бир парчаси Абул-Фазл Байҳақийнинг Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган «Тарихий Масъудий» асарида етиб келган. Байҳақий Маъмун хонадонининг ҳалок бўлиши сабаби, вилоятнинг қандай қилиб Маҳмуд Ғазнавий салтанатига қўшиб олингани, Олтинтошнинг қандай қилиб хоразмшоҳ қилиб қўйилгани билан боғлиқ воқеалар Берунийнинг китобидан олинганини қайд этади. Берунийнинг мадҳия, раддия, ишқий ва фалсафий мавзуларда шеърлар битгани ҳам маълум. Бугун Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, Қўлёмалар институтида 400 мингдан зиёд қимматбаҳо қўлёмалар ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Шарқ мутафаккирларининг бу асарлари жаҳон илм-фани тараққиётига катта кашфиётлар бериши мумкин.

Маъмун академиясида Ибн Сино фаолияти. Хусайн Абдуллоҳ - Абу Али ибн Сино Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида туғилган. Олти ёшлигида Афшонадан Бухорога кўчиб келишган. Бухоро ўша пайтларда ҳам илм-фан марказларидан бири бўлган. Абу Али ибн Сино ўн ёшида Қуръонни ёд олган, бошланғич математика, жаҳон фалсафасини ўрганади. Айниқса, у Аристотель, Евклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийлар меросини пухта ўрганади. Ўз даврининг машҳур файласуфи Абу Абдулла

Нотилийдан фалсафани, Ҳасан ибн Нух ал-Кушрийдан тиббиёт илмини ўрганиб 16-17 ёшидаёқ табиб бўлиб танилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 4 ноябрда Бухоро вилояти Гиждувон туманида бўлиб ўтган учрашувда: “Бу кутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой маънавий мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир”²⁸ - деган эдилар. Бухоро жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс катта ҳисса қўшган буюк алломалар етиштириб берган юртлиги билан ҳам машҳур. Бухоро “Ислом динининг қуввати бўлганлигина эмас балки миллий маънавиятимиз, илм-фанимиз, маданиятимиз тараққиётида ўзига хос катта ҳиссалари борлиги билан ҳам диққатга сазовор.

“Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади”²⁹, -деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Ҳақиқатан ҳам фарзандларимизни замон талабига жавоб берадиган етук мутахассислар қилиб тарбиялашимизда ўтмиш мутафаккирлар маънавий меросларининг аҳамияти катта. Чунки, бутун дунё халқлари Марказий Осиё халқлари яратган илм-фан, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кашфиётларини ўрганишлари ҳисобига ривож топганликларини эътироф этганлар.

Уйғониш даври мутафаккирлари орасида Абу Али ибн Синонинг алоҳида ўрни бор. Бутун Европада Авецина номи билан машҳур бўлган жаҳон тиббиёти илмига асос солган олимлардан бири бизнинг юртдошимиз бўлганидан фахрланамиз. Бугунги ёшларга Абу Али ибн Сино билан ғурурланишни, фахрланишни ўргатишимиз зарур.

Қирқ саккиз йиллик меҳнат фаолиятим давомида кўплаб ёшлардан Уйғониш даври мутафаккирларининг илмий мерослари ҳақида сўрадим. Ўрта Осиёдан юзлаб буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Бу мутафаккирларни буюклиги нимада деб сўрасангиз жавоб етарли эмас. Ҳолбуки, жаҳон тан олган мутафаккирларнинг буюк хизматлари нималардан иборат эканлигини, илмий мерослари нималардан эканлигини, айниқса, ёшларга тушунтириш,

²⁸ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 145-б.

²⁹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.:Ўзбекистон, 2017. 157-158-б.

ўргатиш, асарларини қўлига тутқазиш вақти келди. Бизнингча, “Шайх-ур раис-олимлар бошлиғи” унвонига эга бўлган, Абу Али ибн Синонинг илмий мероси биз учун бебаҳо маънавий меросдир. Абу Али ибн Синодан 450 дан ортиқ асарлари мерос қолди. Биргина, “Тиб қонунлар” асари, мана саккиз юз йилдирки бутун дунёда дарслик-қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. Ибн Сино нафақат тиббиёт соҳасида балки, математика, физика, астрономия, филология, фалсафа, кимё, биология, фармакология, минерология, адабиёт, мусиқа каби ўндан ортиқ фанлар билан шуғулланиб баракали ижод қилган улуғ алломадир.

Абу Али ибн Сино инсон маънавиятини ўстиришда донолик ролига алоҳида эътибор беради. “Яхшилик доноликда, донолик эса ҳодисаларни билиш орқали қўлга киритилади”,- деб насиҳат қилади. Ибн Сино маърифатпарвар, файласуф олим бўлиш билан бирга у шоир ҳамдир.

Ҳеч гап қолмади маълум бўлмаган,
Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган.
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,
Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Ёки:

Эй нафс, орзу-ҳавас кишанидан кет,
Бир дам ҳимояси учун шитоб эт.
Дунё, мансаб дема, учма ишвага,
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.

Манбалардан маълум бўлишича Абу Али ибн Сино 17-20 ёшлари орасида 24 жилддан иборат китоблар ёзган, ниҳоята иқтидорли олим эди. У 24 ёшида ўз даврининг буюк олими Абу Райҳон Беруний билан дунё ходислари, фалсафа бўйича баҳс олиб борган. Олимнинг 20 жилдл “Яқун ва натижа”, 2 жилдли “Саҳоват ва жиноят”, 5 жилдлик “Тиб қонунлари”, “Китоб аш-шифо”, “Ишоралар ва танбеҳлар”, “Шарқликлар фалсафаси”, “Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари”, “Донишнома”, “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Юсуф ҳақида қисса” каби 200дан ортиқ китоблари халқимиз маънавиятини ўстиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Абу Али ибн Синонинг ўлмас мероси бугунги ёш авлодни адолатли, билимли, доно, иболи, ҳаёли, маърифатли, маънавиятли бўлиб етишишларида катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, мутафаккирнинг ўнлаб асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб ўқиб ўрганилмоқда. Абу Али ибн Сино ҳақида Бельгиялик олим Юлс Янсеннинг “Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири”, франциялик олим Марк Боннелнинг

“Абу Али ибн Сино ҳақида”ги китоблари машҳур. ЮНЕСКО эксперти Анхелкс Лопес Агуеранинг олим ҳақидаги фикри ёшларни ғурурлантиради: “Бугун дунёда Сизларнинг алломаларингизни билмай туриб илм билан шуғулланиб бўлмайди”. “Биз илмий фаолиятимиз давомида ибн Сино қарашларига жуда кўплаб суянамиз”, - деган фикрлари мамлакатимиз ёшларида илм-фанга меҳр-муҳаббатини ошириш билан биргаликда ғурурланиш туйғусини ҳам ҳосил қилади.

“Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”³⁰, - деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси, хусусан Абу Али ибн Синони жаҳон илм-фани, маърифати, маънавиятига кўшган ҳиссасини ўқиб ўрганиш энг долзарб вазифалардан биридир.

Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) – бутун дунёда тиббиёт илми юксалишига хизмат қилди. Унинг «Тиб қонунлари», «Нажот китоби» асарлари асрлар давомида Шарқ, Ғарб мамлакатларида тиббиёт қомуси сифатида тан олинди, ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаб келган. Ибн Сино асарлари бизнинг давримизда ҳам қайта нашр қилиб борилиши уларнинг бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни отасидан, кейинги илмларни эса Нотилийдан олган. 17 ёшидаёқ моҳир табиб сифатида танилган Ибн Сино 996-йили Бухорога, амир Нух ибн Мансур Сомоний (976-997) саройига таклиф қилинади. Бухорода сомонийлар сулоласининг ҳукмдорлиги тугатилгач, 1002 йилдан кейин Гурганчга, хоразмшоҳ Абу Ҳасан Али ибн Маъмун (997-1009) саройига келади. Кейинчалик у ерда Маъмун академиясининг энг фаол олимларидан бирига айланди. 1011 йили султон Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Гурганчни тарк этишга мажбур бўлади. У аввал шимолий Хуросондаги Обивард шаҳрига, у ердан Нишопурга, сўнг Гургонга, султон Қобус ибн Вушмагир Зиёрий саройига боради. 1014 йили у ерни ҳам тарк этиб, Райга, шоҳ Маждуддавла Рустам Бувайҳий (997-1029) саройига келиб, 1019 йили унинг вазири лавозимигача кўтарилишга муяссар бўлади. 1021 йили Шамсуддавла вафот этганидан сўнг Ибн Сино айбланиб, ҳибсга олинади. 1023 йили ҳибсдан қутулиб, Исфаҳонга, Алоуддавла Кақуйа (1008 - 1041)

³⁰ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.14-б.

хузурига келади ва умрининг охиригача унинг хизматида бўлади. У 1037 йилда Ҳамадонда вафот этиб, ўша ерда дафн этилади.

Абу Али ибн Сино табиб ва файласуф сифатида машҳур бўлган. Унинг бу соҳадаги асарлари ўрта асрларда лотинчага таржима қилинган ва Ғарбий Европада лотинлаштирилган “Авеценна” номи билан шуҳрат қозонган. Булардан ташқари, Ибн Сино математика, астрономия, кимё, маъданшунослик, психология, илоҳиёт, фалсафа, мусиқа ва адабиёт билан ҳам шуғулланган ва бу соҳаларга бағишлаб асарлар ҳам ёзган.

Ибн Синонинг «Китоб уш-шифо» - фалсафий энциклопедия; “Китоб ун-нажот”- фалсафий асар; «Донишнома» - форс тилида ёзилган фалсафий асар; «Геометрия ҳақида рисола»; «Арифметикадан қисқартма»; «Кузатиш асбоблари»; «Самовий жисмлар ҳақида рисола»; «Икхир ҳақида рисола»; «Тиб қонунлари» - тиббий энциклопедия; «Юрак дорилари» - тибга оид; «Тиббий уржуза» - тибга оид шеърӣй достон; «Зарарларни йўқотиш...» - соғлиқни сақлашга оид; «Саломон ва Ибсол» - фалсафий қисса; «Ҳайт ибн Яқзон» фалсафий қисса; «Мантиқ бўйича уржуза» - мантиқ бўйича шеърӣй асар; «Мусиқа илми»; Ибн Сино билан Беруний ёзишмалари - физика ва фалсафага оид; «Намознинг моҳияти ҳақида рисола» - фикҳга оид ва бошқалар асарлари машҳур.

Ибн Сино қаламига мансуб турли мавзулардаги 50 та асарнинг 60 та кўлёмаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Уларнинг орасида энг машҳур «Тиб қонунлари», «Юрак дорилари», «Китоб уш - шифо»нинг айрим қисмлари, Беруний билан ёзишмалар ва бошқа илмий аҳамиятга молик асарлар бор³¹. Ибн Сино асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқди. Уни «Шайх ур-раис» яъни «Олимлар бошлиғи» деб атаганлар. Унинг асосий асарлари “Шифо китоби”, “Донишнома”, “Тиб қонунлари”, “Нажот китоби” кабиларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ибн Сино ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ахлоқий иллатларни, ёмонликларни кескин қоралади. Хусусан, у инсоннинг кундалик амалий ишларидаги энг зарурий ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-хурмат, жасурлик, тўғрилик, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор берди. Инсоннинг жамоада ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамиятдаги турли табақаларнинг ўзаро муносабатлари, инсоннинг камолотида, унинг жамиятда тутган ўрнида миллий

³¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971. 272-275-б.

кадриятларнинг ўрни унинг асарларида алоҳида ёритилди³². Ибн Сино сермахсул илмий ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта ўрин тутди. У Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги маданий уйғонишнинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятининг буюк алломалари, қомусий билим эгалари инсон, жамият, уларнинг ўзаро муносабатларида кадриятларнинг беқиёс ўрнини кўрсата олдилар. Бундан ташқари, мутафаккирлар ижодида миллий кадриятларнинг умуминсоний кадриятлар билан уйғунлиги, ёшларни миллий кадриятлар асосида тарбиялашнинг фойдалари кўрсатиб берилди. Ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш жараёнида, уларни миллий истиқлол ғоялари ва миллий кадриятлар асосида тарбиялашда қомусий олимлар меросидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хоразмшоҳ Маъмун Академияси тарихини тушунтиринг?
2. Хоразмшоҳ Маъмун Академияси вазифалари нималардан иборат бўлган?
3. Хоразмшоҳ Маъмун Академияси фаолиятига берилган баҳоларни изоҳланг?
4. Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
5. Абу Райҳон Берунийни қомусий олим деганда нимани тушунасиз?
6. Абу Али ибн Сино илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
7. Абу Али ибн Сино қомусий олим деганда нимани тушунасиз?

5-Мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг тафсирунослик ва фикҳшунослик илмий мероси

Тафсирунослик ва калом илми. Тафсир – арабча сўздан олинган бўлиб – баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш маъноларини билдиради. “Ислом энциклопедия”сида кўрсатилишича – “инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (с.а.в.) нинг даврида юзага келган. У киши одамларга Қуръоннинг маъноларини баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эди. Абу Бакр Сиддик, Умар ибн

32 Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971. 284-6.

Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос кабилар тафсир илмида машҳур бўлганлар. Тафсирдан биринчи китоб ёзган шахс VIII асрда Абдумалик ибн Журайждир. Тафсир илми келиб чиқиши ва ривожланиши бир неча қисмга бўлинади:

Биринчи қисм – “Тафсир бил маъсур”. Бу қисмда муфассир Қуръон оятларини ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари билан тафсир қилади. Иккинчи қисм – “Тафсир бир-рай” . Бу қисмда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди ила тафсир қилади ва у иккига, жоиз ва ғайрижоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай билан тафсир қилишда муфассир ишонган масдарларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб тафсир қилади. Учинчи қисми - “Тафсири ишорий”. Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси билан тафсир қилади. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир.

Ўзбекистон ҳудудидан чиққан машҳур тафсирчилардан Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотурудийдир. Имом Мотурудий “Таъвилот аҳлис сунна” номли тафсирларида илми калом уламолари йўлидан борганлар ва Қуръони карим оятларини ақидада аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб тафсир қилганлар. Шунингдек, Имом Абу Лайс Самарқандий, Имом Замахшарий, Имом Фаҳриддин Розий, Маҳмуд Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий кабилар ҳам тафсир ёзганлар. Қуръон тафсири билан шуғулланадиган кишиларда бўлиши зарур бўлган шартлар: Биринчи шарт: Соф эътиқодли бўлиш. Эътиқод масаласида нуқсонли бор киши тафсир қилса, тафсир ҳам нуқсонли чиқиши турган гап. Иккинчи шарт: Ҳавои нафсга эргашишдан ҳоли бўлиш. Тафсирчи бўлиш ниятидаги шахс тарафкашлик дардига чалинган бўлмаслиги керак. Учинчи шарт: Араб тилини ўта яхши билмоқ. Қуръон араб тилида нозил бўлган, араб тилини яхши билмай туриб Қуръонни яхши биламан дейиш мутлақо ноўриндир. Араб тили наҳв, сарв, маоний, баён, бадийъ, фасоҳат каби бир қатор илмларни ўз ичига олади. Тўртинчи шарт: Қуръонга боғлиқ илмларни яхши билмоқ. Қироатлар илми, илми тавҳид, илми сабаби нузул, илми носих ва мансух, илми ом ва хос, илми муташобих ва бошқа бир қанча илмлар. Бешинчи шарт: Қуръонни Қуръон билан тафсир қилмоғи шарт. Чунки, бир маъно Қуръони каримнинг бир жойда умумийроқ зикр қилинган бўлса, бошқа бир жойда батафсилроқ баён қилинган бўлади. Бир оятда қисқа ишора қилиб кетилган нарса, иккинчи оятда кенгайтириб тушунтирилади Қуръони каримни яхши ва чуқур англашда унинг оятларини бир-бирига солиштириб ўрганиш аҳамиятлидир. Олтинчи шарт: Қуръонни суннат билан тафсир қилмоқ. Қуръонни тафсир қилмоқчи бўлган шахс Пайғамбар (с.а.в.) нинг суннатларини ҳам яхши билмоқлари шартдир. Еттинчи шарт: Тафсирни Қуръоннинг ўзидан ёки

Пайғамбар (с.а.в.) нинг суннатларидан топмаса саҳобаларнинг гапларига қайтмоқ. Саккизинчи шарт: Агар тафсири юқорида зикр қилинган масдарлардан бирортасида ҳам топа олмаса тобеъинларнинг тафсирига қайтиш. Тобеъинлар саҳобалардан дарс олган авлоддирлар. Тўққизинчи шарт: Ўткир фаҳмли бўлмоқ. Бу сифат бир маънони иккинчисидан устун қўя билиш ва шарият мақсадларида мос маъноларни истинбод қилиш учун керак бўлади.

Муфассир одоблари қуйидагилардан иборат:

Яхши ниятли ва соғлом мақсадли бўлмоқ,
Хусни хулқли бўлмоқ,
Илмига амал қилмоқ,
Маъноларни нақл қилишда содиқ ва аниқ бўлиш,
Иззатини билмоқ,
Ҳақгўй бўлмоқ,
Виқорли бўлмоқ,
Тавозуъли ва ҳалим бўлмоқ,
Оғир босиқ ва салмоқли бўлмоқ,
Пешқадам олимларни ўзидан устун қўймоқ.

Фикҳ - арабча чуқур тушуниш, билиш маъноларини билдиради. Фикҳ мусулмонларнинг хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги ислом ҳуқуқшунослик, ислом ижтимоий меъёрлар мажмуасидир. VIII-IX асрнинг биринчи ярмида фикҳ - ҳуқуқшуносликда ўз тушунчалари вужудга келди. Фикҳ - ҳуқуқшунослик фани меъёрларининг икки тоифасини: 1) мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабати (ибодат). 2) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, мусулмон ҳокимиятининг ўз фуқаролари бошқа динлар ва давлатлар билан муносабатини белгиловчи, тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига олади. Фикҳ ҳуқуқшунослик шаклланишининг илк босқичидаёқ икки мактаб вужудга келган: Ироқ мактаби (мустақил фикрлаш тарафдорлари). Иккинчиси – Мадина мактаби – нақл тарафдорлари деб аталган. Фикҳ – ҳуқуқнинг энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. У оила-никоҳ, мерос муносабатларини ва уларга яқин бўлган бошқа баъзи муносабатларини тартибга солувчи меъёрий йиғиндидан иборат.

Абу Мансур Мотуридий (870-945). Ислом оламининг буюк назариётчиси Абу Мансур Ал-Мотуридий сунний икки йирик эътиқодий оқимлардан бири бўлган мотуридийанинг асосчисидир.

Ал-Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, ҳанафия мазҳаблари олимларидан дарс олиб ўз билимларини оширади. Шу вақтда кўплаб машҳур муҳаддислар ва фикҳчилар билан мулоқотда бўлиб, илмий мунозараларда қатнашади. Олган билимлари натижасида кўплаб асарлар

ёзган, аммо уларнинг кўп қисми бизгача етиб келмаган, борлари ҳам чет эл кутубхоналарида сақланмоқда. Мотурудийнинг «Тавҳид», «Китаб Мақомат», «Каъбий залолатларнинг бошланишини рад этувчи китоб», «Муътазила ғавғолари ва ундан кўркмаслик ҳақида китоб», «Китоб Таъвилот ал-Қуръон», «Шариат асослари», «Китаб ал-жадал» (Диалектика китоби), «Китаб ал-усул»³³ каби китоблари машхур Ал-Мотуридийнинг ислом оламида муҳим саналган «Тавҳид китоби». 1970 йилда Байрутда нашр этилган. Мотуридий суннийликнинг тўртта асосий мазҳаблари асосчиларининг асарларини ўрганиб чиқди, уларни таҳлил қилди, фикҳ ва каломга оид асарлар ёзди: «Таъвилот аҳл ас-сунна» ёки бошқача номи «Таъвилот ал-Қуръон» асари билан ўз даврида бўлаётган кўплаб диний ихтилофларга барҳам бера олди. Ал-Мотуридийнинг шогирдлари устозларининг таълимотларини давом эттирганлиги туфайли ҳанафий мазҳаби ичида ишончли бўлган, кўплаб тарафдорларга эга бўлган Мотуридия оқими вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрдаги қарорига биноан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. «Ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши шубҳасиздир», - деган эди Ислом Каримов.

аз-Замахшарий ҳаёти ва мероси. Хоразм воҳаси азалдан жаҳон илм-фани ва маданияти равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк алломалар юрти сифатида машхур. Айниқса, ўрта асрларда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали фаолият кўрсатган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавайх, Абу Наср ал-Ироқ, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Хайр ибн ал-Хаммор, Абул-Фатҳ ал-Мутарризий каби хоразмлик алломаларнинг доврўғи бутун Мағрибу Машрикқа тарқалган. Хоразм заминида таваллуд топиб фаолият кўрсатган ана шундай буюк алломалардан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий бўлиб, ҳижрий 467 йил, ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (1075 йилнинг 19 март)да Хоразмнинг йирик қишлоқларидан бири - Замахшарда таваллуд топган ва шу боисдан ҳам аз-Замахшарий тахаллусини олган. У Маккаи муқаррамада яшаган пайтида исқандариялик шогирди Шаҳобуддин Аҳмад ибн ал-Хусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида: «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг катта бир қишлоғи - Замахшарга мансубман. Замахшар - туғилган юртимдир», - деб ёзган. Аз-Замахшарийдек буюк зотнинг киндик қони тўкилган Замахшар қишлоғи, алломанинг юрти

³³ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. 87-88 бб.

бўлганлиги туфайли ҳам, кейинчалик жумлаи жаҳонга донғи кетган кишлоққа айланди³⁴. У табиатшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Аз-Замахшарий араб тили ва адабиётини чуқур таҳлил ва илмий мазмунга эга асарлари билан бойитди. Унинг асарлари илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олган бўлиб, мазмунига кўра асосан куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: а) диний илмлар ва уламолар ҳақида; б) луғатшунослик; в) грамматика (наҳв); г) аруз; д) адабиёт; е) мантик.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли жиҳатларига оид асарлар аз Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал» (1121 йил) номли асари араб тили наҳву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида Машриқу Марғибада шуҳрат топган. Олимнинг «Асос ал-балоға» асари луғатшунослик соҳасига, «Эзгулик баҳори ва яхшилар» асари эса панду-насихат, ҳикматларга бағишланган бўлиб, инсоннинг комиллигига хизмат қилади.

Олимнинг «Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида»ги асари ўзининг умр буйи илм излаб, сайёҳлик қилиб юрган пайтларидаги таассуротларидан иборат. Аз-Замахшарий чуқур билими ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлар яратганлиги сабабли, ҳали ҳаёт вақтидаёқ бутун мусулмон Шарқида уни ҳурмат ва меҳр билан «Устоз ут дунё («Бутун дунёнинг устози») «Устоз ул араб ва ал - ажам», яъни «Араблар ва ғайри араблар устози», «Фахру Хваразм», «Хоразм фаҳри» каби номлар билан атаганлар³⁵.

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, асосан, ўрта аср араб манбаларида, қисман олимнинг асарларида келтирилган. Бу тарздаги маълумотларни Ибн Халликон, Ибн ал-Анбарий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн ал-Жавзий, Жалолиддин ас-Суютий, Ибн ал-Қифтий ва бошқа араб муаллифларининг асарларида мавжуд. Келтирган далилларга таяниб айтиш мумкинки, аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, ўз даврининг саводли, тақводор, диёнатли кишиси бўлган. Аксарият вақтини Қуръони карим тиловати, тоат-ибодати билан ўтказган ва Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. У хулқ-атвори яхши, ширинсухан ва ғоят меҳр-мурувватли киши сифатида эл орасида катта обрўга эга бўлган. Онаси ҳам тақводор ва фозила, маърифатли аёллардан ҳисобланган. Аз-Замахшарий дастлабки билимни қишлоғи Замахшарда ўз ота-онасидан олган. Ёшлик чоғларидан илм-ирфонга интилган аз-Замахшарий билим-тажрибасини

³⁴ Уватов. У. Хоразмлик буюк аллома. –Т.: 2006. 12-бет.

³⁵ Ўша асар. 23-27 бетлар.

ошириш мақсадида ислом дунёсининг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухорои шарифга йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногиронлик унинг билим олишига тўсқинлик қила олмайди. У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукамал эгаллайди. Илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштирган. Жисмоний ногиронлигига қарамасдан, аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ ва собитқадамлик билан билим олиш йўлида кўрсатган бу жасорати ва фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Аз-Замахшарий илм толиби сифатида хорижий мамлакатларга сафар қилган. Хуросон, Шом, Ироқ, Ҳижозда бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Алломанинг Шарқнинг турли шаҳарларида жуда кўплаб шогирдлари бўлган. Маккада яшаган пайтлари мусулмон оламининг турли бурчакларидан келган зиёратчилар учун нафақат муқаддас бир саждагоҳ, балки етук олимлар, илм толиблари тўпланадиган катта илмий марказ, ижодий маскан вазифасини ҳам ўтаган. Илм толиблари, муқаддас шаҳарда яшаган аз-Замахшарийдек алломалардан ҳар қадамда фойдаланардилар. Маълумки, бирон-бир алломага насиб этмаган юксак мақом - Жоруллоҳ («Аллоҳнинг кўшниси») деган номга фақат буюк ватандошимиз аз-Замахшарий мушарраф бўлган. Араб олими аш-Шайх Муҳаммад Абу Заҳро Маккада яшаган даврида аз-Замахшарий аксар вақтини Байтуллоҳ ал-ҳарамда ўтказиб, ҳар доим унинг атрофини адаб илмининг толиблари, шеърят ихлосмандлари, ҳикматли иборалар шайдолари ўраб олиб, ундан сабоқ олганликларини алоҳида таъкидлаган.

Аз-Замахшарий араб тилини ёшлигидан ҳавас ва иштиёқ билан ўрганди, арабларнинг ҳаёти ва уларнинг урф-одатларини, турли лаҳжаларини узоқ давр тадқиқ этди. Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча муҳим асарларни яратган. Унинг «Муқаддимат ул-адаб», «Ал-Муфассал», «Асос ал-балоға» каби йирик асарлари тилшуносликка оиддир.

Араб тилини, унинг беҳад катта имкониятларини теран англаган аллома барча асарларини араб тилида яратган. Бу тилни мукамал ўзлаштириб олиши, албатта, катта меҳнат ва тинимсиз изланишлар самарасидир. Дарҳақиқат, илм олишдек олижаноб мақсад донишмандни узоқ ўлкаларга чорлаганди. «Менинг сочларимни оқартирган нарса бу муттасил китоб мутолаа қилиш ва тинимсиз саёҳатлардир», - деб ёзган эди. Машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю.Крачковскийнинг: «Ёғоч оёқда юрганлигига

карамасдан, Маҳмуд аз-Замахшарий ҳазратлари ўта ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган», - деб ёзиши ҳам бежиз эмас.

Аллома аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини хорижий юртларда, мусофирчиликда ўтказган бўлса-да, ўз она қишлоғи Замахшар, она Ватани Хоразмни севган, ҳақиқий ватанпарварлик ҳиссиётларини намоён қилган ҳолда юртига бағишлаб мадҳиялар яратган. «Хоразм заминида шунчалик кўп неъмату фазилатлар мавжудки, дунёнинг бошқа бирор мамлакатида ҳам буларга ўхшашларини асло кўрмадим», - дея, Хоразмни алоҳида ифтихор ва ғурур билан таърифлайди.

Уч йил Маккада яшагандан кейин аз-Замахшарий ўз Ватани Хоразмни кўмсайди ва Маккадан чиқиб Боғдодга келади. Ўша даврда илм-фан, маданиятнинг маркази бўлган Боғдодда у кўп олимлар билан мулоқотда бўлади ва улар билан илмнинг турли соҳалари бўйича баҳс-мунозараларда қатнашади. Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 538/1144 йили арафа кечаси Журжония (ҳозирги Кўхна Урганч)да вафот этади.

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий бизга бой ва улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, одоб-ахлоқ, мантик, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид 60 га яқин асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Аз-Замахшарий ижодининг кенг кўламлилиги ва унинг илм-фан оламида тутган юксак мақомини билиш мақсадида алломанинг замондошлари ва кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар у ҳақда айтган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтирамиз. Машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Кифтий у ҳақда бундай деган: «Аллоҳ раҳмат қилғур аз-Замахшарий илмул-адаб, наҳв-сарф ва луғатшунослик бобида бошқаларга намуна бўладиган беназир аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, наҳв-сарф ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бор. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамлилар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир». Атоқли олим Ибн Халликон: «Аз-Замахшарий ҳазратлари тафсир, ҳадис, наҳв-сарф, луғат ва илмул-баён бўйича буюк алломадир. Ҳеч бир муболағасиз, мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди», - деб ёзади. Аз-Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган таниқли Миср тарихчиси Ибн Тағриберди аллома тўғрисида; «Шайх, буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», - деб қайд қилган.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли масалаларига оид асарлар аз-Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал фи-н-наҳв» номли асарини у Маккада яшаган пайтида бир ярим йил давомида ёзган. «Ал-Муфассал» араб тили

наҳву сарфини мукамал ўрганишда энг муҳим манбалардан бири сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган ва ғоятда қадрланган. Ўша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида аз-Замахшарийнинг бу асари катта эътибор қозонган ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалган. аз-Замахшарийнинг Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга (1127-1156) бағишлаб ёзилган «Муқаддамат ал-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб, отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида батафсил фикр юритади. Бу муҳим асарнинг йиғма илмий-танқидий матни филология фанлари доктори Зоҳиржон Исломов томонидан 2002 йилда «Тошкент ислом университети» нашриётида чоп этилган. Муҳим манба сифатида бу асар 1706 йилда усмонли турк тилига, сўнграқ француз-немис тилларига таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча маротаба нашр қилинган. Асарнинг чиғатой тилига қилинган таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим манба ҳисобланади. Бу ҳақда машҳур ёзувчи Садриддин Айний ҳам 1921 йили «Меҳнаткашлар товуши» газетасидаги мақоласида: «аз-Замахшарийнинг «Муқаддамат ал-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир», - деб таъкидлаган эди.

аз-Замахшарийнинг араб луғатшунослигига бағишланган асарларидан, энг аввало, «Асос ал-балогат» («Балогат (фасоҳати) асослари») асарини айтиш зарур. Араб тилининг фасоҳати, фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, луғат бойлигидан ўринли ва ғоятда мохирлик билан фойдаланиш ва буларнинг ҳаммасини амалда татбиқ этиш каби масалалар ўз ифодасини топган. Бу асар ҳам араб мамлакатларида бир неча бор нашр этилган ва қўлёзма нусхалари Шарқнинг кўп шаҳарларидаги қўлёзма хазиналарида сақланади. Алломанинг «Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») номли мақолалар ва ҳикоятлардан ташкил топган қимматли китобдир. Асар биринчи марта 1835 йили немис олими Фон Хомер томонидан немис тилига таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган. Француз тилига таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп этилган. 1873 йили эса усмонли турк тилига ағдарилган таржимаси Истанбулда нашрдан чиқарилган.

аз-Замахшарийнинг «Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахйор» («Эзгулар баҳори ва яхшилар изҳори») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир қўлёзма нусхаси Тошкентда, ЎзР ФА Абу Райҳон Бегуний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам асарнинг қўлёзмалари мавжуд. аз-

Замахшарий жуғрофияга оид асар яратган бўлиб, у «Китоб ал-жибол за-ламкина ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номи билан аталади. Олим бу асарини Маккада бўлган пайтида ўз дўсти, Макка амири Ибн Ваҳҳосдан олган аниқ ва муфассал маълумотларга таяниб ёзган. Арабистон ярим оролиниг жуғрофиясига оид қимматли маълумотларни қамраган бу асар Европада биринчи марта 1856 йилда Лейденда таниқли олим Жойнболлнинг шогирди шарқшунос Сальвер де Граве томонидан лотинча таржимаси билан нашр қилинган. Бу манбада келтирилган қимматли маълумотлардан машҳур араб олими Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») номли асарида кўп ўринларида фойдаланган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларига бағишланган асарини аз-Замахшарий «Ат-Фоиқфи ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар») деб атаган. Машҳур тарихчи Ибн ҳажар ал-Асқалоний: «Аз-Замахшарийнинг «Аз-фоик фи ғариб ал-ҳадис» китоби ғоятда ихчам бўлгани билан мазмунан кенг қамровлилиги ва нақллари тўғрилиги билан ажралиб турадиган яхлит бир асардир», - деб ёзади. Бу асар бир неча марта нашр ҳам этилган (Ҳайдаробод, Боғдод, Қоҳира).

Аз-Замахшарий ижодида муҳим ўрин эгаллаб, илм-фан оламида кенг танилган «Ал-Кашшоф» асари Қуръони Каримга бағишланган машҳур тафсирдир. Бу тафсир аз-Замахшарий Маккада турган пайтида уч йил (1132-1134) давомида ёзилган. Аз-Замахшарий бу тафсирини ёзишдан олдин Қуръони каримга бағишлаб яратилган кўплаб тафсирларни кунт билан ўрганган ва улардан унумли фойдаланган. Гарчанд бу тафсир муайян даражада муътазилия оқими нуқтаи назаридан ёзилган бўлса-да, лекин илоҳий китобга бағишланган тафсирлар ўртасида ўз ўрнига эга. Айниқса, унда Қуръони каримнинг филологик нуқтаи назардан таҳлилига катта эътибор берилган. Қимматли манба сифатида «Ал-Кашшоф»нинг кўплаб кўлёзма нусхалари дунёнинг турли шаҳарларида мавжудлиги, асарга ёзилган шарҳ ва ҳошияларнинг кўплиги билан ҳам белгиланади.

Аз-Замахшарийнинг чуқур билими ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид қимматли, ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга бетакрор шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва алоҳида меҳр билан «Устоз ад-дуния» («Бутун дунёнинг устози»), «Устоз ал-араб ва ал-ажам» («Араблар ва ғайри арабларнинг устози»), «Жоруллоҳ» («Аллоҳнинг қўшниси»). «Фахру Хваразм» («Хоразм фаҳри») каби бирорта ҳам алломага насиб этмаган ўта шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўлган, қизғин илмий баҳс ва мунозараларда унинг фикр-мулоҳазаси, албатта,

инобатга олинган. Мана шу зайлдаги беқиёс улкан обрў-эътибор ва буюк даҳога хос фазилатлар эҳтимол унга ўз асарларидан бирида: «Инний фи Хваразм Каъбат ат-адаб» («Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир Каъбадекдурман»), - деб ёзишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Мустақиллик йилларида аз-Замахшарийнинг илмий меросини ўрганиш соҳасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 1995 йилда аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Аз-Замахшарий асарларини мукаммал, ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш, улуғ мутафаккир қаламига мансуб бой илмий-маънавий меросни кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий бойлигига айлантиришдек шарафли ва хайрли иш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бурҳониддин ал-Марғинович ҳаёти ва мероси³⁶. “Ўзининг беқиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратиб, Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом ҳуқуқшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурҳониддин Марғиновичнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Алломанинг Шарқ оламида «Бурҳон уд дин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди. Марғиновичнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат «Ҳидоя» - «Тўғри йўл» деб аталган асари, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас»³⁷.

Бурҳониддин Марғинович (1123-1197) ислом оламининг буюк алломаларидан бири ҳисобланади. Имом Бурҳониддин Абул-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинович 1123 йилда Марғилон шаҳрининг Риштон туманида туғилиб, 1197 йилда Самарқандда оламдан ўтган. У Қуръоннинг, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ, ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги билан «Бурҳон уд дин вал милла» номини олган. Дастлабки таҳсилни Марғилонда олган, олим кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача шу ерда яшаган³⁸. У ёшлигиданок Қуръонни тўлиқ ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганган. «Китоб ул машойих» асарида ўзи таълим олган 40 дан ортиқ устозлари номини

³⁶ Бурҳониддин Марғинович. “Ҳидоя”. А.Саидов сўзбошиси. –Т.: 1994. 5-6 бетлар.

³⁷ Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгимас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 3-б.

³⁸ Хайруллаев М. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т.: 1994. 49-50 б.

тилган олган. Кейинчалик, у фикҳга кизиқиб, даврининг етук фикҳшуносларидан таълим олган.

Бурҳониддин Марғинович ислом динидаги суннийларнинг асосий тўртта мазҳаби асосчиларининг асарларини чуқур ўрганади, уларни таҳлил қилиб, фикҳга оид асар ёзган. Унинг бизгача етиб келган асарларидан «Бидоят ал-мунтаҳий» - «Бошловчилар учун дастлабки дарслик», «Кифоят ал-мунтаҳий» - «Яқунловчилар учун тугал таълим», «Нашр ул-мазҳаб» - «Мазҳабнинг ёйилиши», «Китоб ул-мазид» - «Илмни зиёди қилувчи китоб», «Маносик ул-ҳаж» - «Ҳаж маросимлари», «Мажма ул-навозил» - «Нозил бўлган нарсалар тўплами», «Китоб ул-фароиз» - «Фарзлар китоби» ва бошқалари маълум. Бурҳониддин Марғиновичнинг бутун ислом оламига маълум ва машҳур бўлишига сабаб бўлган шоҳ асари - «Ҳидоя» 1178 йилда Самарқандда ёзиб тугатилган. Мазкур асарнинг ёзилиши ҳақида мутафаккир ўз олдида қўйган мақсади сифатида фикҳга оид, унчалик ҳажми катта бўлмаган, аммо, мавжуд масалаларни тўлиқ қамраб оладиган асар яратиш эканлигини айтиб ўтган. Кейинчалик бу асарнинг ўзи мусулмон ҳуқуқи - фикҳ бўйича энг аниқ, изчил мукамал асар сифатида тан олинди ва янги давргача мусулмон мамлакатларида фикҳдан дарслик сифатида фойдаланилди.

«Ҳидоя»да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини баён этиш йўли билан берилган. Бу ҳолат ҳам Марғиновичнинг илм йўлида қарама - қаршиликларни тўғри кўрсатиш, улар орасидан тўғри йўлни топа олиш зарурлигини уқтирганлигини кўрсатади. Ана шу турли муаллифларнинг фикрларини ўрганиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукамал шарҳи ҳам асослаб келтирилган.

«Ҳидоя» кўп асрлар давомида Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инқилобидан кейин ҳам, то 1930 йилларгача, яъни шариат қозиликлари бекор қилиниб, собиқ совет суд тизими жорий қилингунича амалда бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлари ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади³⁹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач кадрятлар, диний мавзудаги меросимизга эътибор кучайди. Шариат, фикҳга оид асарларни ўрганиш, бу соҳадаги бой меросимизни нашр эттириш имконияти яратилди. Бурҳониддин

³⁹ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. -146-147 б.

ал-Марғиновичнинг «Ҳидоя» асари ҳам ислом юриспруденциясида машҳурлигини назарга олиб, унинг 1-китоби Тошкентда 1994 йилда академик Акмал Саидов сўзбошиси билан нашр қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилда Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги нишонланди. Ўрта Осиёлик фикҳшуносларининг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуқи, айниқса, ҳанафий мазҳаби ривожини йўлида унутилмас хизматлар қилиб, авлодларга бебаҳо асарлар қолдирганлар. Улар орасида имом Марғиновичнинг «Ал-Ҳидоя» асари мукамаллиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб, ҳар томонлама чуқур ёритгани билан катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. «Ал-Ҳидоя» VIII асрдан буён ҳанафий мазҳаби бўйича энг муҳим қўлланма сифатида мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртиларида ўқитиб келинмоқда. «Ал-Ҳидоя» форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилиниб, ғарб олимлари учун ҳам мазҳабимизни ўрганиш учун аҳамиятли манба сифатида қўлланилади. Марғинович машҳур ва иқтидорли олимлардан дарс олиб, юксак истеъдоди туфайли ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ ва мужтаҳид даражасига кўтарилди ва «Шайхул-ислом» унвонига сазовор бўлган. Котиб Чалабий, Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий, «Ҳидоя»нинг айрим шарҳловчилари, шунингдек, «Ислом энциклопедияси» маълумотларига кўра, қуйидаги асарлар Бурҳониддин Марғинович қаламига мансуб эканлиги аниқланган:

1. «Нашру-л-мазҳаб».
2. «Китобу таносуки-л-хос» («Маносику-л-ҳаж»),
3. «Китоб фи-л-фароиз» (мерос бўйича).
4. «Ат-Тажнийсу ва-л-мазийд» (Иккита фатво мажмуаси).
5. «Мухтароту-н-навозил» («Мажмуу-н-навозил»),
6. «Мазийдун фи фуруъи-л-ҳанифияйа».
7. Имом аш-Шайбонийнинг муҳим асари бўлмиш «Ал-Жомиул-кабийр»нинг шарҳи.
8. «Бидоят ал-мунтаҳий».
9. «Кифоят ал-мунтаҳий» («Бидоят»учун ёзилган катта шарҳ).
10. Имом Марғиновичнинг шоҳ асари бўлмиш «Ҳидоя» («Бидоят ал-мунтаҳий» учун ўзи ёзган ўртача шарҳ)⁴⁰.

Бурҳониддин Марғинович «Бидоят ал-мунтаҳий»ни Абул-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурийнинг «Ал-Мухтасар» (илм аҳли орасида «Ал-Кударий» деб шуҳрат қозонган) китоби ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Ал-Жомиу-с-сағийр» асарига асосланиб, қисқартирилган фикҳ китоби сифатида ёзиб, ундаги масалаларни тартибга солишга интиланган, У «Бидоят ал-мунтаҳий» муқаддимасида бундай деб ёзган эди: «Ёшлик чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган ҳажми

⁴⁰ Ислом энциклопедияси. –Т.: 2012. 145-бет.

кичик, режаси кенг бир китоб бўлса, деб ўйлаб юрар эдим. Иттифоқан, йўлларни босиб ўтиш (сафар) жараёнида, ал-Кудурий қаламига мансуб «Ал-Мухтасар»ни энг гўзал, мўъжаз (қисқа) ажойиб китоб деб топдим. Яна, замоннинг барча буюк олимлари, катта-кичикни «Ал-жомиъу-с-сағийр» китобини ўрганишга чорлаганликларининг гувоҳи бўлдим. Ҳар иккала асарни бирлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйиб, зарурат сезилмаган чоғда улар чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим ва уни «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчининг бошланғич китоби») деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам, уни «Кифоят ал-мунтаҳий» деб атагумдир». Бурҳониддин Марғиноний «Бидоят ал-мунтаҳий» асарини ёзишича 13 йиллик ҳаёти сарф бўлган. Муаллиф янги асарни яратиш учун бутун куч ва истеъдодини ишга солди. 4 жилддан иборат иккинчи шарҳни ёзиш учун 13 йил сарфлади. Унинг сабаблари қуйидагалардан иборат эди. **Биринчидан**, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва ал-Кудурий асарларидан қисқартириб олиниб, «Бидоят ал-мунтаҳий»га киритилган асосий ҳуқуқий масалаларга тегишли минглаб фаръий (жузъий) масалалар мавжуд эди. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ, давлат ва жамият олдида қўндаланг туриб, ўз ечимини топмаган жуда кўп муаммолар бор эди. Шу нуқтаи назардан, ўша даврнинг ўзгарувчан шароитини синчиклаб ўрганиш, биринчи ўринда турадиган муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларни ечиш йўлларини белгилаб бериш муаллифдан катта диққат-эътибор, оғир меҳнат, ҳар томонлама текшириш ва чуқур кузатишларни талаб қиларди. **Иккинчидан**, Бурҳонуддин Марғиноний фикр илмида босиб ўтган олти даврнинг (Пайғамбар, саҳобалар, тобиъийлар, мужтаҳидлар, мухаррижлар ва муқаллид (тақлид этувчи)лар даврларининг бешинчи босқичи бўлмиш мухаррижлар (улардан илгари ўтган мужтаҳидлар ва буюк ҳуқуқшунос олимлар асарларига мурожаат қилиш орқали, янги топилган мураккаб ҳуқуқий муаммоларни ечиш йўлларини топувчилар) даврида яшагани учун, тўғридан-тўғри мустақил фикр юритиб, эркин ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас эди. Чунки IX-X аср бошларида ислом ҳуқуқи бўйича мустақил ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас, деган фикр шаклланган эди. Ҳуқуқшунослик бўйича келгуси барча фаолиятлар, буюк олимлар томонидан белгилаб берилган асосий қонун-қоидаларни изоҳлаш, тафсир этиш соҳасида бўлиши керак, деган қараш мавжуд эди. Лекин Муҳаммад Абдулхай Лакнавий машҳур асари «Ал-Фавоид ал-баҳия»да ҳанифия мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, «Ҳидоя» муаллифи ва ал-Кудурийни «Ас-хабу-т-таржийх», яъни баъзи ривоятларни баъзиларига таржийх бериш (устун қўйиш) салоҳиятига эга бўлган олимлар қаторида зикр этган.

Бурҳониддин Марғиноний муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлиб саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк фикҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номларини зикр этади. Абдулҳай Лакнавий ўз муқаддимасида «Ҳидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобиъин исмлари 50 дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У Марғиноний асарида келтирилган 90 дан ортиқ буюк фикҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмларини ва уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шунга кўра, «Ҳидоя» муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли бўлганини тушуниш қийин эмас.

«Ҳидоя» муаллифининг ўғли Шайхулислам Имом Имомуддин отаси ҳақида қуйидаги мазмундаги шеърни ёзган.

Мазмуни: «Ҳидоя» китоби уни ўзлаштирган кишини ҳидоят йўлига бошлаб, кўзи ожизларнинг кўзини ёритади. Эй, ақл эгаси, уни ўқиб ўзлаштиргин, негаки, уни ўзлаштирган киши энг олий мақсадларга эришган бўлади».

Аллома Ҳадод «Ҳидояга» ёзган хошиясида: «Қуръон китоби қандай қилиб ўзидан илгариги динларни мансух (эътиборсиз) этган бўлса, «Ҳидоя» китоби ҳам ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирган»-деб ёзади. «Ҳидоя» асари устида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб бориб, унинг учун муқаддима ва хошиялар ёзган Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий «Ҳидоя» муаллифини қуйидаги иборалар билан танитади: «Имом ал-Марғиноний фикҳ, Қуръон ҳофизи, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб, ўзлаштирган иқтидорли устод, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, усулий (фикҳ усуллари илмини чуқур билувчи), илму адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илмул-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот эди». Шогирди аз-Зарнужий ёзишича Марғиноний: “Ҳеч қачон, илм ўрганиш ишида, узилиш юз бермаслиги керак, негаки бу катта йўқотишларга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида, ҳеч қачон узилишга ўрин қўймаганим сабабли, барча сафдошларимдан ўзиб ўтдим” - деб айтганлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
2. Тафсиршуносликнинг аҳамиятини нимада?
3. Бурҳонуддин Марғиноний ҳуқуқшунос олим деганда нимани тушунаси?
4. Бурҳонуддин Марғиноний илмий меросининг тарихий аҳамияти қандай?

6-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Мирзо Улуғбек академиясидаги фаолияти

Самарқанддаги Мирзо Улуғбек академияси тарихи. Шарқда вужудга келган илк академиялардан яна бири Мирзо Улуғбекнинг астрономик мактабидир. Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда ниҳоясига етказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги астрономик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Ахмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек Хуросоннинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртиради. Самарқандга Мовароуннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони, 1417 йилга келиб 100 нафардан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин астрономия ва математика соҳасидаги олимлар машхурлар эди. Айниқса, Қозизода Румий ва Жамшид Коший энг машхури эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Зайниддин Восифий «Бадоиъ ул-вақоиъ» китобида айтишича илмий мактабга, биринчи мударрис этиб мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий тайинланади. Улуғбекнинг астрономик мактабида асосий маърузаларни Қозизода Румий, Шамсуддин Ҳавофий, Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Низомиддин ал-Биржандий ва кейинроқ Али Қушчи ўқийдилар. «Улуғбек академияси» номини олган бу илмий мактаб Шарқ маданияти ва фани тарихида улкан аҳамият касб этади, мамлакат равнақиға, шунингдек, қўшни халқларнинг маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Абдурахмон Жомий, Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Саккокий, Лутфий, Қосими Анвар, ҳатто, Алишер Навоий каби олиму шоирларнинг ижоди шу мактаб анъаналари асосида камолга етди.

Академиялар тарихиға назар ташлар эканмиз, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрамиз. Маъмун академияси ҳақида гап кетар экан, антик даврдаги Платон академияси ва Боғдод, Маъмун академиясининг Улуғбек академиясиға катта таъсирини кўрамиз. Абу Наср ибн Ироқ, Беруний, Чағминийнинг астрономияға оид асарлари Улуғбек академиясида дарслик сифатида ўқитилгани маълум⁴¹.

⁴¹ Ўзбекистон Фанлар Академияси. –Т.: 2013. 8-бет.

Яқин, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда илмий ишларни академия шаклида ташкил этиш анъанага айланди. Ўрта Осиёда бу жараён кейин ҳам давом этди. XV-асрда Самарқандда Улуғбек ўзининг академиясини ташкил қилди. Фан тарихига бу илмий марказ «Улуғбекнинг Самарқанд академияси» ва «Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби» номлари билан кирди. Биринчи номни француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер (1694-1778) берган бўлса, иккинчи номни академик Қори Ниёзий бердилар.

«Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби» деб юритилган илмий даргоҳ, ҳақиқий академия эди, чунки унинг қошида яхши жиҳозланган расадхона, бой кутубхона ва ўз даврининг олий ўқув юрти - мадраса бор эди. Расадхонада ерли зиёлилар билан бир қаторда турли юрт ва элатлардан таклиф этилган машҳур астрономлар ҳамда математиклар хизмат қилишар эди. Астрономлар сайёралар ва юлдузларнинг осмон куррасидаги ҳолатини кузатишар, олинган маълумотларга эса илмий даргоҳ, қошидаги математиклардан иборат ҳисобдонлар математик ишлов беришар эди. Ана шу тариқа астрономик ва тригонометрик жадваллар вужудга келар эди.

Улуғбек ҳам, мадрасада дарс берар эди. Мадрасада диний - Куръони карим, ҳадис ва тафсирдан ташқари, табиий фанлар - риёзиёт, хандаса, илми ҳайъат, яъни астрономия, тиббиёт, яъни медицина, сурат ал-арз, яъни география каби соҳаларда илмий ишлар олиб борилган.

Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўғараги Шарқ маданияти ва фани тарихида мамлакат равнақиға, шунингдек, кўп халқларнинг маданий ривожланишиға катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Хуросонинг Жом шаҳрида 1414 йили туғилган шоир Жомий Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрди. Бу ерда у Қозизода, Улуғбек ва Али Қушчи каби олимларнинг маърузаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди.

Самарқанд академиясида Мирзо Улуғбек фаолияти. Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган олимлардан бири Муҳаммад Тарағай-Мирзо Улуғбек(1394-1449)⁴²дир.

Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Амир Темур наслидан чиққан Улуғбекдек султонни олам ҳали кўрган эмас. Мирзо Улуғбек султонлар ўртасида донишманд, донишмандлар ўртасида эса султон сифатида тарихда маълум ва машҳурдир. Жаҳонда Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Тарағай 1394 йил 22 мартда туғилди. Бобоси Амир Темурнинг катта хотини Сароймулк-Бибихоним тарбиясини олиб улғайди. Саройда бўладиган маслаҳатлар, олимлар билан бўладиган учрашувлар ва

⁴² А.Аҳмедов. Т.: 1991. 16-25 бетлар.

сухбатларда, чет эллардан келганларни қабул қилишда, шунингдек, ҳарбий машқлар ва юришларида Улуғбекни иштирок эттирган. Амир Темур ўз набираси Улуғбекни қиличбоз саркарда эмас, балки буюк олим бўлиб етишишини орзу қилган ва шу йўлда унга ҳомийлик қилган. Мирзо Улуғбек ёшлик пайтлариданоқ қаерда бўлмасин, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, уламолар, шайхлар, алломалар даврасида бўлган, илмий баҳслардан маънавий баҳра олган, илҳомланган, улардан кўп нарса ўрганган, дунёқараши кенгайиб борган.

Амир Темур вафот этган пайтда 15 ёшда, Мовароуннаҳрни бошқаришдек оғир, мураккаб вазифа топширилганда Мирзо Улуғбек эндигина 19 ёшга тўлган эди. Аммо унинг подшоҳлиги темурийлар салтанатининг саодатли даври саналади⁴³.

Ўта мураккаб, алғов-далғовли ва зиддиятли бир шароитда яшаган ва шаклланган Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда илмий ишлар билан шуғулланган, олимларга раҳнамолик қилган, ўтмиш илмий билим хазиналарини ўрганиш, мутолаа қилиш, илмий фалсафий тафаккурини кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан машғул бўлган. Улуғбек Ахмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари ўтмишдошларининг фалсафа, мантиқ, тарих, математика, астраномия, табиатшунослик ва фикҳга оид асарларини катта қизиқиш билан ўрганган. Юнон олимларидан Платон, Аристотель, Птоломейнинг асарлари билан танишди. Илм-фан ва маданиятнинг, тарих илми ва фалсафанинг Улуғбек эътиборидан четда қолган бирон-бир соҳаси бўлган эмас.

Марказий Осиё алломаларидан қолган маданий мерос, умуминсоний мазмундаги маънавий қадриятлар Улуғбек илмий фалсафий дунёқараши ривожига манба бўлиб хизмат қилди. Улуғбекнинг билими ва тафаккури замондошларидан бир неча бор ўзиб кетган эди.⁴⁴ Улуғбек бошқа кўпгина хукмдорлардан фарқли ўлароқ, ҳам давлат арбоби, ҳам олим сифатида фаолият кўрсатди, олимликни арбоблик, арбобликни олимлик билан қўшиб олиб борди, илму амал йўлини ўз фаолиятида бирлаштирди. Давлат арбоби сифатида бунёдкорлик ишларини ривожлантирди, пойтахтни меъморчилик санъати билан безади, улкан бинолар билан обод қилди, ўзигача бошланган курилишларни ниҳоясига етказди⁴⁵.

Улуғбек даврида Самарқандда «Шоҳи Зинда», «Гўри Амир» мақбараси сингари йирик архитектура ансамбллари, Регистонда катта хонақо, бир қанча

⁴³ Буюк сиймолар, алломалар. -Т.: 1996. 22-23 бет.

⁴⁴ Аҳмедов. А.Мирзо Улуғбек. -Т.: 1991. 36-бет.

⁴⁵ Р.Маҳмудов. Дегонимни улусқа марғуб эт ... -Т.: 1992 йил. 15-бет.

хаммом ва кутубхоналар қурилди. Ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва савдо ривожланди. Унинг фармонига биноан 1420 йилда Бухоро ва Самарқандда, 1432-1438 йилларда Ғиждувонда мадрасалар қурилди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат, тарих фалсафа, тиббиёт билан бир қаторда математика, астраномия ҳам ривожланди. Мирзо Улуғбек фан ва маданият таракқиётига алоҳида аҳамият бериб, атрофига ўз замонасининг энг буюк олимлари, астрономлар ва математикларни тўплаб, улар билан яқин илмий мулоқотда бўлиб, илмий йўналиш ва йўл йўриқлар бериб турди.

Улуғбек даврида «Зубдат ут таворих» (Солномалар қаймоғи) номли ажойиб асар ёзган тарихчи Лутфулла Хофиз Абру (1431) йилда вафот этган), «Ат тарифати Журжоний» номли фалсафий рисола муаллифи Али ибн Муҳаммад Журжоний (вафоти-1413), машҳур тиббиёт олими Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сирожиддин Басотон Самарқандий (1412 йилда вафот этган), Ҳаёлий Бухорий (1449 йилда вафот этган), 1409-1410 йилларда ёзилган «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи Бадахший Дурбек, қасида жанрини вужудга келтирган Саккокий (1465 ёки 1468 йилда вафот этган) ва бошқа кўплаб таниқли олим ва санъаткорлар яшаб ижод қилишган.

Математика ва астраномия илмида пешқадам, «Афлотуни замон» унвонига сазовор бўлган Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, таниқли математик ва астраном Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд, унинг ўғли Мансур Коший, ўз даврининг Птоломейи деган ном олган Али Кушчи, Мираб Чалабий сингари йирик олимлар ҳам Улуғбекнинг раҳбарлигида самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Улуғбек фан ва маданиятда, айниқса, математика ва астраномия илмида мавжуд бўлган имкониятларни, илмнинг ҳамма соҳалари бўйича ўта қобилиятли ва истеъдодли олимларнинг борлигини эътиборга олиб янги олий мактаб - илму тафаккур марказини яратишга қарор қилди. Ана шу мақсадда қурилган мадрасалар ичида энг мухташами ва машҳури - Самарқанддаги Улуғбек мадрасасидир. 1420 йилда Мадраса очилган куни биринчи бўлиб маърузани Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Хавофий мударрис сифатида ўқиган. Муҳаммад Хавофийнинг олимлардан 90 киши иштирокида ўқиган маърузасини ўта чуқур маъноли, жуда мураккаб, илм-фаннинг барча соҳаларини қамраб олганлиги ҳамда муаммоли тарзда бўлганлиги сабабли Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмаган.

Замонасининг дорулфунуни ҳисобланган Самарқанд мадрасаси ҳамда бошқа мадрасаларда Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун қоидалари) билан бир қаторда риёзиёт, хандаса (геометрия), илми ҳайъат (астраномия), тиббиёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг грамматикаси каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Мадраса ўз

даврининг йирик илмий марказга айланган. Улуғбек йирик олимлар ва кўпчилик шогирдлари билан биргаликда мунтазам илмий ишлар олиб борган.

Мирзо Улуғбек 1424-1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори ёнидаги тепаликда расадхона курдирди. Олимларнинг айтишларича, Самарқандда барпо этилган Улуғбек расадхонасига ўзининг жиҳози, илмий ютуқлари билан тенглаша оладиган расадхона жаҳонда на ундан олдин, на ундан кейин ҳам яратилган эмас. У аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» номи билан шуҳрат қозонган. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 қўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадваллари тузилган. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларидан бири бўлиб, фан тараққиётида чуқур из қолдирди.

Қомусий билим эгаси бўлган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусикашунослик фикҳ, тарих илмлари соҳасида ижод қилган. Мирзо Улуғбек «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисода дар илми мусика», «Рисолаи Улуғбек» номли асарлардан ташқари «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли йирик тарихий китобнинг муаллифидир. Олимнинг номини бутун дунёга ёйган, унга шон-шуҳрат келтирган бебаҳо асари - «Зижи жадиди Кўрагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг йигирма йил давомида олиб борган астрономик кузатишлари натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатдир. Улуғбек ўлиmidан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан тенги йўқ ҳисобланиб келинган. Мирзо Улуғбек ҳаёти, амалий фаолияти илм - фан тараққиётига бағишланган эди. У илм ёрдамида келажакни олдиндан кўрди. Улуғбекнинг астрономия ва бошқа фанлар соҳасидаги кашфиётлари ва илмий таълимотлари инсониятнинг кейинги илмий тафаккури ривожига фавқуллодда муҳим замин тайёрлаб берди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида Биринчи Президентимиз айтганидек, «Такдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди. Ўзининг чексиз ақл идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд хукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси - тинч тотувлик ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди»⁴⁶. Унинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият

⁴⁶ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 96-бет.

касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармонида биноан 1994 йил Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда катта тантаналар ва халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Парижда ҳам ЮНЕСКО қарори билан учрашувлар ва конференциялар бўлиб ўтди.

Улуғбек кучи, ақл-заковатини жангу жадалларга, юрт олиш, бойлик орттиришга эмас, адолат билан ҳукм суриш, мамлакатни обод қилиш, адабиёт, илм-фанни ривожлантиришга сарфлайди, Улуғбек атрофига «Ўз даврининг Афлотуни» деб ном қозонган машҳур математик, астроном «Ўз замонасининг Птоломейи» таниқли математик ва астроном Али Қушчи, математик ва астрономлар Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Биржандий, Мирам Чалабий, 1416 йили астрономик асбоблар ҳақида рисола ёзган Ғиёсиддин Жамшид, Муҳаммад ибни Умар Чағминий каби олимлар жамланган эдилар. Улуғбек ана шу олимлар маслаҳати, кенгаши, ҳамкорлигида математика, астрономия, геометрия каби фанларга доир тадқиқотлар олиб боради.

Профессор Ҳ. Ҳасановнинг уқтиришича, Обираҳмат расадхонасида 70 та олим ишлаган. Улар Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асаридан ҳам фойдаланганлар.

Улуғбек илмий кузатишлар олиб бориш ва мадрасада фалакиёт илмидан ваъз айтиш билан бирга бунёдкорлик ишларига ҳам жиддий эътибор бериб кўплаб мадраса, хонақоҳ, масжид, карвонсаройлар қурдирди. Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ансамбли кўрилишини ниҳоясига етказди. Отаси Шоҳруҳ Ҳиротда диний билим донишмандлари қуршовида шариат ва динни мустаҳкамлаш учун курашаётган бир вақтда Улуғбек маърифатни, илмни ривожлантириш учун интилди, адабиёт, илм-фан аҳлларини эъзозлади. Улуғ кишилар, даҳолар жисман ўлсалар-да, лекин уларнинг номи ўз асарларида мангу қолади. Улар ёққан маърифат чироғи, илм зиёси халқ йўлини ёритиб боради, авлоддан авлодга ўтиб, тараққийларвар инсониятга хизмат қилаверади. Шунинг учун ҳам кўпгина ўтмиш мутафаккирлари Улуғбекни адолатли султон, донишманд мураббий, аниқ фанлар устози сифатида тилга оладилар. Машҳур туркийгўй шоир Саккокий Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзди. Бу шеърлар лаганбардорлик мадҳияси бўлмай адолатпеша олимга берилган ҳаққоний таърифдир. Улуғ бобомиз Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улуғбек мадҳияси» деган махсус боб мавжуд, унда шоир Улуғбекни заминда осмон яратган олим деб таърифлайди:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».
Қиёматга деганча аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.

Тарихчиларининг ҳамда ёзувчиларнинг асарларида ҳам ана шундай таърифлар кўп. «Бобурнома»да, Фаҳриддин Али Сафийнинг «Турли тоифалар ҳақидаги латифалар», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Ажойиб воқеалар») сингари китобларида биз Улуғбек ҳақидаги кўплаб ҳаётий ҳикоялар ва ривоятларни учратамиз. Чунончи, Бобур: «Яна бир олий иморати пуштаи Кўҳақ доманасида расаддурким, зиж битимакнинг олотидур, Уч ошёнлидир. Улуғбек Мирзо бу расад била «Зичи Кўрагоний»ни битибдурким, оламда ҳоло (ҳозир) бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар», деб ёзиб қолдирган. Улуғбек ижодини ўрганишда машҳур олимлар Т.Қори Ниёзий, Б.Аҳмедов, А.Ашраповларнинг хизматлари катта.

Самарқанд академиясидаги олимлар мероси. (Қозизода Румий, Гиёсиддин Ал-Коший, Али Қушчи). Қозизода Румий (XIV аср охири - XV аср боши). XV аср бошларида Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган математик ва астрономлардан бири Қозизодадир. Олимнинг тўлиқ номи Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд. Қозизода аслида ҳозирги Туркиянинг шимоли-ғарбидаги Мармара денгизидан жануброқдаги Бурсада таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад «Хожа Афанди» номи билан машҳар бўлиб, Салоҳиддиннинг болалик йилларида вафот этган. «Хожа Афанди» комил инсон бўлиб, кўп йиллар Бурсанинг қозиси лавозимида хизмат қилган. Салоҳиддиннинг туғилган йили маълум эмас. Туркча манбаларда у хижрий 755-765 (милодий 1354-1364) йиллар орасида туғилган деб тахмин қилинади.

Қозизода бошланғич маълумотларини Бурсадаги мадрасада олиб, астрономия ва математика билимларини мавлоно Шамсиддин Фанорийдан ўрганади. Қозизода XIV асрда Хуросонга бориб, у ерда пойтахт Самарқанднинг шуҳрати ҳақида эшитади. Хуросон ва Мовароуннаҳрга келиб Темурнинг сарой астрономи Мавлоно Аҳмаддан астрономия ва математика фанларидан билим олади. 1404 йил ёзида Салоҳиддин биринчи марта Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандга келади. Улуғбек Самарқандда 1417-1420 йилларда мадраса таъсис этиб, Қозизода Румийни у ерда «раис ул-муаллимин» насабига тайинлайди ва аксарият ҳолларда унинг дарсларида ўзи ҳам иштирок этади. Улуғбек мадрасаси квадрат шаклида бўлиб, унинг тўрт тарафида дарсхонаси ва ҳар бир дарсхонанинг ўз мударриси бўлган.

Бир куни қандайдир сабабга кўра Улуғбек ўша тўрт мударрисдан бирини таъзил этади, яъни койиб ишдан четлатади. Буни эшитган Қозизода Румий раддия сифатида дарсга чиқмайди ва бу ҳол бир неча кун давом этади. Улуғбек бундан огоҳ бўлиб, Қозизода Румий хузурига боради ва унинг сиҳат-саломатлигини кўриб, унинг дарсга чиқмаётганининг сабабини сўрайди. Шунда Қозизода Румий бундай жавоб беради: «Биз мударрисликнинг ҳеч бир кимсага алоқаси ва муносабати йўқ бир мансаб деб биламиз. Ҳамда мударрислик мансаби таъзил жорий этилмайдиган мансабдир деб ҳисоблардик. Ҳолбуки энди бу мансаб ҳам султонлик тасарруфида эканлигини кўрдик. Бинобарин биз ҳам энди ўзимизни мударрислик амалидан фориғ этдик». Улуғбек буни эшитиб, ўша мударрисни дарҳол ўз вазифасида тиклайди ва бундан буён ҳеч бир мударрисни таъзил этмаслиги ҳақида ваъда беради. Қозизода Румийни дарсларга яна чиқишини илтимос қилади.

Қозизода Румий Улуғбек мадрасасида мударрислик йилларида «сайид ас-санад» деб тилга олинадиган Сайид Шариф Журжоний номли бир мударрис билан мулоқотда бўлади.

Улуғбек Жамшид Кошийдан «Зижи Элхоний» ҳақида ва Мароғадаги кузатишлар ҳақида кўп эшитиб, расадхона барпо этиш ва янгидан астрономик кузатишларни бошлашга ташаббус кўрсатади. Расадхона қурилишини Қозизода Румий билан бирга Жамшид Коший бошқаради. Қурилиш тугатилиб, кузатишлар бошланиши биланоқ Коший вафот этади. Бундан сўнг ишларга илмий раҳбарлик Қозизода Румий зиммасига юкланади. У ҳам кузатишлар охирига етказилмасдан вафот этади. Кузатишларни Али Қушчи устози Улуғбек билан ниҳоясига етказади.

Қозизода Румий билан Жамшид Кошийлар, XV аср биринчи ярмида Шарқ ва Ғарбнинг энг буюк олимларидан эдилар, Уларнинг ўзаро муносабатлари дўстона бир-бирига катта ҳурмат билан қарар эдилар. Хусусан Қозизода Румий, Жамшид Кошийни «биродари аъзам» деб мурожаат этарди. Қозизода Румий Самарқандда жуда кўп шогирдлар етиштирди. Буларнинг энг буюги Мирзо Улуғбекдир. Иккинчи шогирди Фатхуллоҳ Шервоний бўлиб, у 1449 йили Улуғбек ўлдирилиши билан дарҳол Кичик Осиёга кетади ва Кастамону шаҳрида мударрислик билан шуғулланади. Қозизода Самарқандда уйланиб Шамсиддин Муҳаммад исмли бир ўғил кўради. Бу ўғил Али Қушчининг қизига уйланиб, бу никоҳдан бўлажак йирик олим Мирам Чалабийнинг отаси Қутбиддин дунёга келади.

Қозизоданинг вафот этган йили маълум эмас. Лекин бу воқеа 1426-1436 йиллар орасига тўғри келади деб тахмин қилинади.

Олимнинг қаламига мансуб асарлар қуйидагилардир:

1.«Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), Арифметикага доир араб тилида ёзилган рисола бўлиб, унда каср ва бутун сонларнинг ўнлик услубларидаги ҳисоби баён этилган. Рисола 1382 йили Бурсада ёзилган. Иккита қўлёзмаси Машҳадда имом Ризо кутубхонасида ва Истамбулда Алипошшо кутубхонасида сақланади.

2.«Шарҳи мулаххис фи-л-ҳайъа» («Астрономия ҳақида қисқача рисоланинг шарҳи»), Асар Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий ал-Чағминийнинг (XIII аср) «Мулаххис фи-л-ҳайъа» номли асарига араб тилида ёзилган шарҳидан иборат. Шарҳ ҳижрий 1412 йили Улуғбек учун Самарқандда ёзилган. Рисоланинг 150 дан ортиқ қўлёзма нусхалари дунёдаги турли кутубхоналарда сақланади.

3.«Шарҳи ашкол ат-таъсис». Бу рисола XV асрда яшаган математик Шамсиддин Самарқандийнинг «Ашкол ат-таъсис» («Асосланган жумлалар») номли геометрияга доир рисоласига арабчада ёзилган шарҳидир. Бу ҳам 1412 йили Самарқандда Улуғбек учун ёзилган. Бу рисоланинг ҳам 70 дан ортиқ қўлёзмалари бўлиб, турли кутубхоналарда мавжуддир.

4.«Рисола ад-жайб» («Синус ҳақида рисола»), Бу рисолада бир даражанинг синусини аниқлашнинг янги бир усули баён этилган, араб тилида Самарқандда ёзилган. Унинг икки қўлёзмаси Истамбулда Султон Муҳаммад кутубхонасида сақланади.

5.«Дар баёни истироҳати жайби йак даража» («Бир даража синусни аниқлаш усулининг баёни ҳақида»), Бу рисола ҳам олдинги рисола мавзусига бағишланган ва форс тилида Самарқандда ёзилган.

6.«Дастур ал-амал ва тасҳиқ ал-жадвал» («Амал дастури ва жадвалларини тузатиш»), арабчада ёзилган ва Улуғбек «Зиж»идаги бир математик масаланинг шарҳига бағишланган. Биргина қўлёзмаси Тбилисида сақланади.

7.«Мисоха» («Ўлчаш»). Араб тилида ёзилган, юзаларни ўлчашга бағишланган рисола. Бир нусхаси Машҳадда Мавлавий кутубхонасида сақланади.

8.«Рисола фи-л-ҳайъа ва-л-ҳандаса» («Астрономия ва геометрия ҳақидаги рисола»), Биргина нусхаси Туркияда Бурса шаҳрида сақланади.

9. «Шарҳ ат-Тазкира». Носириддин Тусийнинг «Ат-Тазкира» номли араб тилидаги рисоласига шарҳ.

10.«Шарҳ Таҳрир ал-Мажистий». Араб тилида ёзилган. Астрономияга доир рисола, икки қўлёзмаси Берлин ва Лондонда сақланади.

11.«Рисола фи илм ал-ҳайъа» («Астрономия илми ҳақида рисола»), Биргина қўлёзмаси Санкт-Петербургда сақланади.

12.«Рисола фи рубъ ал-мужайаб» («Синус квадрат ҳақида рисола»). Араб тилида. Қўлёзмалари Санкт-Петербург, Машҳад ва Техрон кутубхоналарида сақланади.

13.«Лима кана ҳалла кавни нисба иртмфаъ аъзам ал-жибол ила қутри ал-арз канисба субъ ард шаъира ила зираъ» («Нима учун тоғларнинг энг баландининг Ер диаметрига нисбати арпа донининг бир газга нисбати каби эканлиги қабул қилинган»), Ер ўлчамига бағишланган араб тилидаги рисола. Биргина қўлёзмаси Берлинда сақланади.

14.«Рисола фи самий ал-қибла» («Қибла азимути ҳақида рисола») Қўлёзмаси Бурсада (Туркия) сақланади.

15.«Шарҳ ҳикмат ал-айн». Ал-Казвинийнинг «Ҳикмат ал-айн» номли рисоласига шарҳ, араб тилида. Қўлёзмалари Боғчасарой (Қирим), Берлин, Душанбе, Қозон, Қоҳира ва бошқа кўплаб шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланади.

Улуғбек расадхонасининг етук намоёндаларидан саналган ва Улуғбекдек буюк олимни тарбиялаган Қозизода Румий қолдириб кетган адабий-илмий мерос бугунги авлоднинг олтин мулки ҳисобланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу олимнинг қатор асарлари ўз тадқиқотчиларини ханузгача кутиб ётибди.

Ғиёсиддин ал-Коший (вафоти - 1429 йил). Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин ал-Коший, (кўпроқ Ғиёсиддин ал-Коший номи билан машҳур) XIV-XV асрларда - риёзиётчилар, табиблар ва ҳунармандлари билан шухрат қозонган Кошонда туғилган. Унинг бобоси Маҳмуд ибн Яхъё ибн ал-Ҳасан ал-Коший ҳам ўқимишли бўлиб, 1441 йилда Шерозда риёзиёт ва астрономияга оид рисола - Искандарнинг (Амир Темурнинг набираси) гороскопини тузган.

Ғиёсиддин Кошийнинг таваллуд йили номаълум бўлсада, у ёшлик йилларини Кошонда ўтказиб, риёзиёт ва фалакиёт илмига, қизиқиб, қадимги Греция, Эрон ва Ўрта Осиёлик машҳур олимларнинг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган. У табобат, мантиқ, ҳуқуқшунослик, адабиёт фанларини яхши билган. Кейинчалик Коший Ҳиротга келиб, Шоҳрух саройида хизмат қилган ва унга атаб “Элхоний зиж” - «Хоқон Зижи» («Зижи Хоқоний дар такмили «Зижи Элхоний») номли астрономик асарини битган. Унинг бу асари ўз давридаги астрономия соҳасидаги энг етук асарлардан ҳисобланади.

Қозизода Румийнинг маслаҳати билан Улуғбек 1416 йили ал-Кошийни Самарқандга таклиф этган ва у ҳаётининг сўнгги йилларигача Самарқандда яшаб, тахминан 1429 йилда вафот этган Жамшид Коший XIV-XV асрнинг риёзиёт ва фалаккиёт илмининг буюк алломаларидан бири сифатида ажойиб

риёзиёт қомуси «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоб калити») асари билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиёда машҳур эди. Ушбу асарда системали равишда баён этилган ўнли касрлар таълимоти ал-Кошийнинг юқори илмий ютуқларидан бири эди. Риёзиёт фанида тақрибий ҳисоб усулини ривожлантириш борасида ҳам ал-Кошийнинг хизматлари каттадир. Ушбу масалага у «Рисола ал-муҳития» («Доира ҳақида рисола») сини бағишлади ва бу билан ўрта аср математикаси ривожига муҳим ҳисса қўшди. Асарда 17 аниқ ўнли белгига эга П сонининг тақрибий маъноси аслият услуби билан кўрсатиб берилган.

Коший ҳижрий 814 (1411-1412) йилда ал-Чағминийнинг «Фалакиёт ҳақида қисқартмалар» асарига ва 1413 йили XIII асрнинг иккинчи ярмидаги самарқандлик олим ва фалаккиётчи Шамсуддин Муҳаммад Самарқандийнинг “Ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса” (“Ҳандаса илмида шакллар асоси”) геометрик рисоласига шарҳларини ёзган.

Кошийнинг форс тилида отасига ёзган мактубларида Улуғбек ва унинг астрономик мактаби ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

Кошийнинг Ҳирот айниқса, Самарқанддаги илмий тадқиқотлари ва унинг математика, астрономия соҳасида эришган ютуқлари темурийлар даврида Хуросон, Мовароуннаҳрда маданий ривожланиш ва турли юртлардан келган олимларнинг эркин илмий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганлигининг яна бир муҳим далилидир.

Али Қушчи (1402-1474). «Ўз даврининг Батлимуси» деб танилган Али Қушчининг тўлиқ номи Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи бўлиб, у Самарқандда туғилиб ўсган ва XV асрда илмий фаолият кўрсатган математик ва астрономлардандир. Унинг туғилиш санаси маълум бўлмасада, XIV аср охири ё XV аср бошида туғилган деб тахмин қилинади. У Улуғбек саройидаги Муҳаммад исмли овчи қушларга қаровчи инсоннинг ўғли бўлиб, шу сабабли унга Қушчи номи берилган. У отасидан етим қолганидан сўнг Улуғбекнинг тарбиясида бўлгани боис, Улуғбек уни ўз «Зиж»ининг сўзбошисида «фазанди аржуманд» дейди.

Али Қушчи бошланғич ва шаръий билимларни Самарқандлик олимлардан, математик ва астрономик билимларни эса Қозизода Румий билан Улуғбекдан олади. У ёшлигида берухсат Самарқанддан ғойиб бўлади-да, Кермонда бироз муддат маҳаллий олимлардан билим ўрганади ва яна Самарқандга, Улуғбек хузурига қайтиб келиб, узр сўрайди, Кермонда ёзган ойнанинг шаклларига тааллуқли энг биринчи асарини унга тақдим этади. Али Қушчи 1472 йил баҳоридан бошлаб Айя Сўфия мадрасасига бош мударрис этиб тайинланади. Али Қушчи 1474 йил 17 декабрида вафот этади ва Истамбулдаги Абу Айюб Ансорий мақбарасига дафн этилган. Али

Қушчининг илмий асарлари Улуғбек «Зиж»идек шуҳрат қозонмаган бўлса ҳам, унинг ижоди фан тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. У ўрта асрлардаги Мовароуннаҳрда ривож топган аниқ фанлар соҳасидаги буюк олимларнинг энг сўнгги намояндаси бўлган. Али Қушчи ўз замонаси фанига катта таъсир кўрсатган кўп асарлар муаллифидир. Унинг илми риёзиётга оид рисолаларидан мударрислар дарслик сифатида фойдаланганлар. Илми фалакиёт бўйича ёзилган асарларидан осмон мавжудотлари ҳақидаги фанни ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланилган. Китоблари қонуншунослар, файласуфлар ва табибларга мўлжаллаб ёзилган.

Али Қушчининг биринчи китоби 1417 йилда Кермон шаҳрида таълим олаётган вақтда ёзилган. Унда буюк қомусий олим, илми риёзиёт ва илми фалакиёт фанлари тарихида чуқур из қолдирган Насириддин Тусий (1201-1271) қаламига мансуб фалсафага оид бир рисоланинг тушунилиши қийин бўлган қисмлари тушунтирилган ва шарҳлаб берилган. Демак, ёшлик чоғларида у ўзини қобилиятли ва ижодий изланувчи олим сифатида кўрсата билган.

1425 йилда Самарқандда у илми риёзиётга доир рисола ёзган. Бу асар XVI-XVIII асрларда яшаган Шарқ олимлари ўртасида кенг тарқалган. Али Қушчи қўлёзмалари Оврупа, Осиёнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Тошкент кутубхоналарида ҳам сақланмоқда. Бу қўлёзма турлича номланиб «Рисолаи ҳисоб», баъзан «Рисола дар илми ҳисоб», «Мизан ал-ҳисоб» номлари билан танилган. Бу китоб Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда машҳур бўлган «Хулосат ул-ҳисоб» рисоласи муаллифи Баҳовиддин ал-Омилий (1547-1622) ижодига кучли таъсир этган. 1426 йилда Самарқандда Али Қушчи илми риёзиётга оид «Рисолаи қусур» китобини ёзди. Унинг ягона қўлёзмаси ҳозирги кунда Санкт-Петербург Шарқшунослик кутубхонасида сақланмоқда.

Али Қушчи илмий фалакиётга доир асарлари билан шуҳрат қозонган. Али Қушчининг қаламига мансуб асарлар қуйидагилардир:

1.«Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), Асар форс тилида 1425 йили Самарқандда ёзилган. У уч қисмдан иборат: ўнлик ҳисоблаш тизими, олтмишлик ҳисоблаш тизими ва ҳандаса.

Рисоласи ўрта асрларда кенг тарқалган бўлиб, нафақат Мовароуннаҳр олимларининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг диққатини ўзига жалб қилган. Рисоланинг қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида, Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номли кутубхонада, Санкт-Петербургда, Русия академияси кутубхонасида, Машҳадда имом Ризо кутубхонасида, Истамбулдаги (Туркия)

Айя Сўфия кутубхонасида ва Оксфорд (Англия) университети кутубхонасида сақланади.

2.«Рисолаи қусур» («Қасрлар рисоласи»). Бу асар ҳам Самарқандда форс тилида 1426 йили ёзилган. Бу рисоланинг қиммати шундаки, Али Қушчи ўнлик қасрлар тушунчасини ва ўнлик қасрлар ёрдамида иррационал квадрат илдиз чиқариш усулини баён этади. Рисоланинг ягона нусхаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида сақланади.

3.«Рисола ат-фатҳия» («Ғалаба рисоласи»), Асар турк султони Муҳаммад II ниинг Ироқ султони Азим устидан ғалаба (фатх) қилгани муносабати билан 1473 йили Истамбулда ёзилган ва астрономияга бағишланган. Асарнинг қўлёзмалари Машҳадда имом Ризо кутубхонасида, Истамбулда Айя Сўфия кутубхонасида, Техрон университети кутубхонасида, Кембриж университети кутубхонасида, Британия музейида, Берлиндаги Германия давлати кутубхонасида, Дехлидаги Ҳиндистон университети кутубхонасида ва Бомбей кутубхонасида сақланади.

4.«Рисола ал-Муҳаммадийя фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида»). Асар арабий имлода ёзилган ҳисобга доир энг нодир асарлардан бўлиб, турк султони Муҳаммад II га бағишланган. Унда ўнлик ва олтмишлик ҳисоблаш тизимларидан арифметика, алгебра, геометрия ва тригонометрия масалалари кўрилади. Асарни муаллифнинг ўзи 1472 йили форсийга ағдарган. Рисоланинг муҳим тарафларидан бири шундаки, унда биринчи марта «мусбат» ва «манфий» иборалари ҳозирги биз қўллаётган маънода ишлатилади.

Рисоланинг икки қўлёзмаси Истамбулда Айя Сўфия кутубхонасида ва Лейден университети кутубхонасида сақланади.

5.«Рисола фи ҳалла аш-шакл ал-ҳилол» («Ҳилолсимон шаклларни ўлчаш ҳақида рисола»). Арабий имлода ёзилган рисола, қўлёзмаси сақланмаган.

6.«Шарҳи Мифтоҳ ал-улуми Тафтазоний» («Тафтазонийнинг «Мифтоҳ ал-улум»ининг шарҳи»). Форс тилида ёзилган рисола. Унинг машҳур Қозизода Румий шарҳ ёзган. Биргина қўлёзмаси Машҳадаги имом Ризо кутубхонасида сақланади.

7.«Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономия илми ҳақида рисола»). Асар «Рисола дар фалаккиёт», «Рисолайи форсийа дар ҳайъат» ва «Ҳайъати форсий» номлари билан ҳам маълум бўлиб, форс тилида битилган. Рисолада Самарқанд мактаби олимларининг астрономия соҳасида эришган ютуқларидан гувоҳлик берувчи қатор маълумотлар мавжуд. Али Қушчининг шогирдларидан бири Абулқодир ибн Ҳасан Рўёний (вафоти 1520) рисола ҳақида бундай дейди: «Мен астрономияга доир кўп асарларни ўргандим, Шамсиддин ал-Коший, Ҳусайншоҳ Самоний, Носири Шерозий ва Алишоҳ

Ҳоразмийларнинг «зиж»ларини синчиклаб мутолаа қилдим. Лекин Али Қушчининг рисоласини ўқиганимдан сўнг астрономия соҳасидаги барча англомаган нарсаларим, менга аён бўлди».

Бу рисоланинг қўлёзмалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, Санкт-Петербургдаги оммавий кутубхонада, Париж миллий кутубхонасида, Машҳаддаги имом Ризо кутубхонасида, Оксфорд университет кутубхонасида, Британия музейида, Кембриж университети кутубхонасида, Берлинда Германия давлат кутубхонасида ва Истамбулда Айя Сўфия кутубхонасида сақланади.

8. «Шарҳи Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зиж»ига шарҳ». Шарҳ ҳам «Зиж»нинг ўзи каби форс тилида ёзилган. Уни аввал Жамшид Коший ва Қозизода Румийлар бошлаган эди. Сўнг шарҳни Али Қушчи Истамбулда яқунлада. Бу шарҳнинг қўлёзмалари Техрон университети кутубхонасида, Лейден университети кутубхонасида, Париж Миллий кутубхонасида ҳамда Санкт-Петербург, Душанбе, Машҳад, Истамбул ва Англиядаги кутубхоналарда сақланади.

9.«Шарҳи рисолаи «Тухфаи шоҳия» («Шоҳий тухфа» рисоласининг шарҳи»), Машҳур математик ва астроном Қутбиддин Шерозийнинг (вафоти 1311) рисоласига шарҳ, форсий тилда ёзилган. Қўлёзмалари Айя Сўфия, Оксфорд университети ва бошқа кутубхоналарда сақланади.

10.«Шарҳи рисолаи «Суллам ас-само» («Суллам ас-само» рисоласига шарҳ»). Бунда Али Қушчи ўзининг Самарқанддаги устозларидан бири бўлмиш Жамшид Кошийнинг «Суллам ас-само» номли астрономик рисоласига шарҳ берган. Қўлёзмалари Ғарбий Овропа ва Туркия кутубхоналарида сақланади.

11.«Хитойнома». Бу рисолаи Али Қушчи 1438 йили Улуғбек томонидан Хитойга элчиликка юборилганидан қайтганидан сўнг форс тилида ёзган. У ўзининг шахсий кузатишларига кўра Хитойнинг иқлими, табиати, хитойликларнинг урф-одатларини баён этган. Ундан ташқари бу асарда математик география билан олам харитаси ҳам келтирилган.

12.«Рисолаи мантик» - 1430 йили Самарқандда форс тилида ёзилган рисола. Ягона қўлёзмаси ЎЗР ФАсининг Шарқшунослик институтида сақланади.

13.«Шарҳи тажвиди Хожа» («Хожа «Тажвиди»нинг шарҳи»), Асар машҳур астроном, математик ва файласуф Хожа Носуриддин Тусийнинг (1201-1274) фалсафага доир «Тажвид» номли асарига шарҳдан иборат. Уни бўлажак олим 1417 йили Кермондалигида ёзган бўлиб, унинг қаламига мансуб илк асар эди. Асарнинг қўлёзмалари Британия музейида, Машҳаддаги имом Ризо кутубхонасида, Истамбулда Айя Сўфия кутубхонасида, Техрон

университети кутубхонасида, ЎзР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ва Санкт-Петербургдаги оммавий кутубхонада сақланади.

14.«Рисола ал-Муфрадийа». Араб тилидаги рисола, мантиққа бағишланган, Ягона қўлёзма нусхаси Лейден кутубхонасида сақланади.

15.«Маҳбуб ул-хамойил фи кашфил масойил» («Масалаларни ҳал қилишнинг маҳбуб бўлганлари ҳақида»), Рисола араб тилида ёзилган бўлиб, 20 бобдан иборат. Ҳар бир боб алоҳида фанга бағишланган. Биргина қўлёзмаси Техрон университети кутубхонасида сақланади.

16.«Рисола мутаъоллика би калимат ат-тавҳид» («Тавҳид калимасига алоқадор рисола»). Араб тилида ёзилган илоҳиётга доир рисола. Қўлёзмалари Берлин, Рим ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланади.

17.«Рисола татаъллақ би куийа» («Умумиятга алоқадор рисола»). Араб тилида ёзилган фалсафий асардир.

18.«Рисола ал-истиорот». Араб тилида ёзилган мантиққа доир рисола. Икки қўлёзмасидан бири Лейден университети кутубхонасида, иккинчиси Санкт-Петербург оммавий кутубхонасида сақланади.

19.«Шарҳ ар-рисола ал-Азудийа» («Ал-Азудийа» рисоласига шарҳ»), «Ал-Азудийа» рисоласи аслида Иззиддин ибн Абдурахим ибн Аҳмад Ижий (вафоти 1335) томонидан араб тилида ёзилган бўлиб, уни Али Қушчи шарҳлаган. У тилшуносликка мансубдир. Қўлёзмалари Лейден университети кутубхонасида, Санкт-Петербург оммавий кутубхонасида, Париж Миллий кутубхонасида, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида, Истамбулда Айя Суфия кутубхонасида ва Оксфорд университети кутубхонасида сақланади.

20.«Ал-унут ва заваҳир фи назмил жавоҳир». Араб тилида ёзилган мантиқий рисола. Айя Сўфия ва Лейден кутубхонасида икки қўлёзмаси сақланади.

21.«Рисола ал-муҷас фит-тибб» («Тиббиётга мансуб мўъжаз рисола»). Араб тилида. Биргина қўлёзмаси Айя Сўфия кутубхонасида сақланади.

22. «Шарҳ рисола ал-фиқҳ» («Фикҳ -ҳақидаги рисоланинг шарҳи»), Бу асар Исломдаги тўрт мазҳабдан бири бўлмиш «имом аъзам» мазҳабига асос солган машҳур имом Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит томонидан ёзилган «Ал-фиқҳ» рисоласига шарҳдир. Асар араб тилида ёзилган ва ислом ҳуқуқшунослигига тааллуқлидир. Қўлёзманинг биргина нусхаси Қозон университети кутубхонасида сақланади.

23.«Рисола фи ҳалл ал-мисол ал-ҳандаса» («Геометрияга доир масаланинг ечилиши ҳақида рисола»). Араб тилида ёзилган бу асарда муаллиф айланага ўтказилган уринма ҳосил қилган бурчак ҳақида бир теоремани исботлайди.

Али Қушчининг бутун ҳаёти ва ижоди фан йўлида сарфланди. У ўз асарлари билан устози Улуғбек билан ҳамкорлиги туфайли номини тарих саҳифаларига абадий муҳрлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мирзо Улуғбек илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?
2. Улуғбек академияси вазифалари нималардан иборат бўлган?
3. Улуғбек академиясининг аҳамиятини айтинг?
4. Қозизода Румий, Ғиёсиддин Ал-Коший, Али Қушчилар илмий меросининг тарихий аҳамияти нимада?

7-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Бойсунғур санъат академиясидаги фаолияти

Ҳиротдаги Бойсунғур санъат академияси тарихи. Мовароуннахр ва Хуросонда XV - XVI асрларда мураккаб тарихий шарт-шароит, ижтимоий-сиёсий ва диний-мафкуравий вазият вужудга келган эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида умумбашарий туркий цивилизация, маданият, илм-фан, диний-фалсафий, бадиий-эстетик тафаккур тараққиёти жаҳон илм-фан, маданияти, цивилизациясига икки буюк тамаддуний натижани берди: Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳақиқий меросхўри Шохрух Мирзо (1397-1434)нинг Гавҳаршод Оғодан туғилган икки ўғиллари Мирзо Улуғбек (1394- 1449) ва Бойсунғур Мирзо (1397-1434) даҳоси, номлари ва фаолиятлари, маънавий, илмий мероси билан боғлиқ бўлиб, тарихга уларнинг номлари билан кирди.

1. Самарқандда Мирзо Улуғбек “Астрономия мактаби” негизида раванк топган ва гуллаб яшнаган табиатшунослик илмлари академияси.

2. Ҳиротда Мирзо Бойсунғур иштироки ва ташаббуси билан олимлар, китобат санъати, наққошлар, хаттотлар, рассомлар, бадиий сўз усталари, тарихчи, диний- ахлоқий, фалсафий илмлар вакилларининг нафис тасвирий санъат ва бадиият илмлари “Бойсунғур академияси” ташкил топган эди.

Ўзбекистонда Мирзо Улуғбек Академияси, унинг жаҳон илм-фани, маданияти, цивилизацияси тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ва таъсири кўпчиликка маълум. “Бойсунғур Академияси” айниқса, бадиият ва нафис санъат соҳасида яратган мактаблари - “Бойсунғур кутубхонаси”, Ҳусайн Бойқаро Мирзо (1438-1506) “Олий Мажлис”лари академик уюшмалар кўринишини олган катта маърифий аҳамиятга эга бўлган.

Ғарбий Европа олимлари томонидан (К.Броккельман, А.З.В.Тўғон) “Бойсунғур Академияси” деб аталган ижтимоий-гуманитар фанлар, нафис

рангтасвир, миниатюра, наққошлик, ҳаттотлик, заргарлик, музаҳҳиблик, бастакорлик, нотиклик, воизлик, ҳофизлик, рақс, рассомлик, портрет, пейзаж-манзара, натюрморт, кошинкорлик, пуштингирлик (спорт-соғломлаштириш), боғ, хиёбон, парк, меъморчилик, дизайн санъатлари илмлари, адаб илмлари вакилларининг мазкур уюшмаси Мирзо Шоҳруҳнинг иккинчи ўғли Мирзо Бойсунғур (1397-1432) даврига келиб мунтазам ва изчил фаолият кўрсатган.

Мирзо Улуғбек Хуросон ва Ҳиротни бошқарувини ўғли Мирзо Бойсунғурга топширган эди. “Бойсунғур Академияси”нинг шаклланиш, 1420-1428 йилларда бўлиб гуллаб-яшнаш даври 1428-1434 йилларга (яъни Бойсунғур Мирзо вафоти арафасида), ундан кейин Абу Сайд Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик йилларига тўғри келган. Самарқандда Мирзо Улуғбек, Астрономия мактаби негизида табиатшунослик илмлари-Академияси ривожланган Ҳиротда Мирзо Бойсунғур Академияси юзага келган. Машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича: У давлат тараққиётида катта рол ўйнади. Ҳар бир инсонга меҳрибонлик, ҳомийлик кўрсата олди”. Ҳиротда катта кутубхона ташкил қилиб 40 дан ортиқ ҳаттот, саҳхоф (муқовачи), варроқ (қоғоз тайёрловчи), наққош, лаввоҳ (лавҳа чизувчи) ва бошқа хунар эгаларини тўплайди.

Бойсунғур – инсонпарвар, адолатпеша, илм ва адаб аҳлига мурувватли ҳукмдор бўлиш билан бирга, ўзи ҳам ғазаллар битган, ҳаттотлик ва наққошлик санъатини мукамал эгаллаган. У Ҳиротда ноёб қўлёзмалар жамланган жуда бой кутубхона ташкил қилган, унда кўплаб ҳаттот мўғуллар истилоси даврида йўқ қилганларини тиклаш билан машғул бўлган. Унинг раҳбарлигида ва иштирокида Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” нинг нусхаси “Шоҳномаи Бойсунғурий” деб аталган. Расмлар билан безатилган қўлёзма Техрон музейида сақланмоқда. Шунингдек, Бойсунғур Мирзо жаҳон санъат тарихида муҳим ўрин тутган, Ҳирот миниатюра мактабига асос солган. Бу мактаб вакиллари томонидан кўчирилган асарларнинг кўпчилиги Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда.

Бойсунғур Мирзо ташаббуси билан биргина Ҳиротда Абдураззоқ Самарқандий шоҳидлик берганидек, ансамбль, илм-фан билан шуғулланадиган, ижод, маданият, сиёсат, дин ва санъат аҳллари йиғилиб, дам оладиган, баҳс-мунозаралар, байрам, ҳайитлар ўтказиладиган мажмуа – “Нигористони Саноеъ” ташкил этилиб, унда катта ва бош кутубхона, китобатхона, рассом, наққош, музаҳҳиб, хунарсандлар яшайдиган ва ижод қиладиган устахоналар ташкил этилганди. Бу ерда Жаъфар Табризий етакчилигида 40 дан ортиқ санъаткорлар ишлаган⁴⁷.

⁴⁷ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рошидий. –Т.:1996. 239-265-266., Бобурнома, 158-165; 170-173-66.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида мазкур анжуман - мактаб “Санойие зарифа” (Нафис тасвирий санъат) номи остида фаолият кўрсатган. Ҳиротда “Бойсунғур Академияси” 100 йилдан ортиқ фаолият кўрсатган. “Бойсунғур Академияси”нинг шаклланиши ва тараққиёти, унинг ўзига хос анъаналарининг Бойсунғур Мирзо вафотидан то шайбонийлар, бобурийлар ва сафавийлар даврларигача ўтган 100 йилдан ортиқ давр мобайнида қандай сақлаб-қолинганлиги, асраб-авайланганлиги ва дунёвий кўламдаги таъсири нақадар катта бўлган.

Бойсунғур академиясидаги таржима мероси. «Бойсунғур Академияси» тараққиёт, такомил, тадрижот босқичлари:

I. Соҳибқирон Амир Темур даврида тамал тошлари қўйилиб, Шоҳруҳ ва Мирзо Бойсунғурлар ҳукмронликларидаги тикланиш (XIV-XV асрлар);

II. Султон Абу Саид Мирзо ва айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо давридаги гуллаб-яшнаш – ўз тараққиёти ва такомилининг энг юксак авж буржига кўтарилиш даври (XV аср);

III. Шайбоний ўзбеклар, бобурийлар ва сафавийлар давридан олдинги даврнинг – ижодкорлари, намуналарига тақлид қилиш, улар даражаси ва анъаналарини сақлаб қолишга уриниш (XVI-XVII асрлар) даврларини босиб ўтган эди.

Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»ида «Бойсунғур Академияси»нинг таркиби, йўналиши, муаммолари ва вакиллари тавсифида:

I. Исломиё илмлар, илоҳиёт, Калом ва Ҳикмат (Фалсафа).

1. Саъдуддин Тафтазонийнинг авлоди Аҳмад Тафтазоний. «Шарҳи фароиз»и – шариат ва Калом.

2. Атауллоҳ Ҳусайний. Равзат ул-аҳбоб фис сийратин набий ва олвал асҳоб – Расулulloҳ сийрати, ҳаёт йўли – сура, мағозий илмлари.

3. Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Хавафий. «Ҳошияи мавокиф фи илм-ул-Калом». Издуддин Абдурахмон ал-Ижжийнинг ана шу номдаги Калом илоҳиёт фалсафаси бўйича ёзган шоҳ асарига битилган «ҳошия».

4. Имоиддин Абҳарий. «Шарҳи «Мишкот-ул-анвор» - Калом бўйича Имом Ғаззолий ёзган «Мишкот-ул-анвор» асарига Абҳарий шарҳи.

5. Абдураззоқ Кирмоний. Рисола дар илми фаросат.

6. Камолиддин Масъуд Шервоний. Ҳошияи шарҳи «Ҳикмат ул-айн» - Носир Хусрав ва бошқа буюк мутафаккирларнинг шу номдаги асарларига ёзилган шарҳга Шервоний ҳошияси.

7. Хожа Ҳованд Абуллайсий. Ҳошияи «Мифтоҳ» - буюк мутакаллим ва файласуф Фаҳруддин Розийнинг «Мифтоҳ-ул-ғайб» - «Қуръони карим илоҳий ҳақиқатлари сирларини очиш калити» номли асарига ёзилган ҳошия.

8. Мавлоно Ғиёсиддин. Шарҳи «Муъжоз...» Қуръони Каримда келтирилган муъжиза илмига оид китобга ёзилган шарҳ.

9. Мавлоно Жомий. Шавоҳид ун-нубувват – Пайғамбарлик исботига оид китоб.

10. Ҳусайн Воиз Кошифий. Тафсири Ҳусайний – Қуръони Каримнинг форсча тафсири.

II. Фикҳ, Шариат илмлари.

Имом Набавий. Шарҳи арбаъин.

Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Хавафий: Ҳошияи мухтасар – имом Қудурий (X аср) “Мухтасар”ига ҳошия. Ҳошияи шарҳи ҳидоят хикмат – “Ҳидоя”га ёзилган шарҳга ҳошия.

Ғиёсиддин Муҳаммад. Ҳошияи шарҳи Муъжизи Мавлоно Нафис.

Абул Қосим Абул Лайсий. Ҳошияи Мутаввал.

Абул Қосим Абул Лайсий. Ҳошияи Талвих.

Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий. Иқтибосот – шариат бўйича муҳим фатво китоби.

III. Шеър санъати, тасвирий санъат, бадийат (эстетика) назарияси.

Амир Абдуллоҳ Ҳусайний. “Рисола дар саноеъ ва бадеи шеърий” – шеърият илми, бадий ижод ва санъат, эстетика назарияси.

Амир Абдуллоҳ Ҳусайний. “Рисолайи қофия”.

Абдурахмон Жомий. “Лайли ва Мажнун”.

Абдурахмон Жомий. “Хусрав ва Ширин”.

Аҳмад Пир Шамс. Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс...”идаги арабий шеърлар таржимаси ва шарҳлари.

Аълоуддин Кирмоний. “Маснавиёт”.

Аҳмад Шерозий. “Қасидаи Маснуъ” – Шеър санъатига оид қасида.

Масъуд Гулистоний. “Юсуф ва Зулайҳо”.

Ғиёсиддин Муҳаммад Жалол. “Сихри Ҳилол”.

Шамсиддин Муҳаммад Бадахший. “Рисолайи муаммо”.

Камолиддин Мир Ҳусайн. “Рисолайи муаммо”.

Алишер Навоийнинг асарлари рўйхат тузилган.

IV. Табиий-илмий билимлар, тарих ва мақоматлар.

Абдурахмон Жомий. “Рисола дар илми мусиқий”.

Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Хавафий. “Шарҳи миататул амил” – механикада қўлланиладиган минглаб амаллар (усуллар) ҳақида рисола.

Дарвеш Али Табиб. “Тазкират ун-нуфус” – инсон нафслари, руҳи турлари, жони ҳақида руҳий-психологик рисола.

Камолиддин Абдул-Восеъа (Жомийнинг ўғли). “Ҳолоти Ҳазрати Маҳдумий”.

Амир Хонд (Мирхонд). “Равзат ус-сафо фис-сиярул-анбиё вал-мулук вал-хулафо” – етти жилдлик машҳур тарихий асар.

Хондамир. “Маосир ул-мулук” - Тарихий рисола.

Хондамир. “Хулосат ул-ахбор” - Тарихлар хулосаси.

Хондамир. “Ҳабиб ус-сияр” - жаҳон тарихи бўйича катта ҳажмли ва кўп жилдлик китоб.

Хондамир. “Мақорим ул-ахлоқ” – Навоий ҳаёти, мероси, тарихи.

Ҳусайн Воиз Кошифий. “Футувватномаи султоний”.

V. Навоийнинг ўзи тарбиялаб вояга етказган, ғоялар берган, ҳомийлик қилган юзлаб буюк муҳандис, меъмор усталар, нафис рангтасвир санъати вакиллари. Султон Али Машҳадий, Камолиддин Бехзод, Абдул-Жамил Музаҳҳиб ва бошқаларни номлари, асарлари, ихтиро ва кашфиётлари.

VI. Жамоат бинолари: мадраса, хонақоҳ, етимхона, кўча, майдон, боғ, хиёбон, мозор, масжид, гузар, ариқ, тўғон, ҳовуз, канал, йўллар ва ҳ.к. қуриш.

XV асрда Темурнинг невараси Бойсунғур Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг кутубхоналарида гуллаб яшнаган рассомчилик академияларида: Гиёсиддин Наққош, Халил Мирзо, Қосим Али, Бехзод, Ҳожи Муҳаммад Наққош, Маҳмуд Музаҳҳиб ва бошқалар томонидан ишланган расмларни эслатиб ўтиш зарур. Бу санъаткорларнинг вужудга келтирган шоҳ асарларидан Фирдавсий «Шоҳнома»сининг... «Бойсунғур нусхаси»даги Халил Наққош расмларини, ... Алишер Навоий куллиётига ва ... Низомий «Хамса» сига Маҳмуд Музаҳҳиб тарафидан, Оксфорда Бодлен кутубхонасида (№ 2121) мавжуд Навоий «Хамса»сига рассом Қосим Али тарафидан (Алишернинг ўзи иштироки билан) ишланган расмларни, Тўпқопи, Эвқоф ва Юлдуз кутубхоналарида Алишер ва Низомийнинг асарларининг суратли нусхаларини алоҳида қайд этиб ўтамиз».

Ўн бешинчи асрнинг атоқли маданият арбобларидан бири, истеъдодли шоир, адабиёт ва санъатнинг жонкуяр ҳомийси Бойсунғур Мирзодир. Машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий: «У ўзининг давлати гулшанида эҳсон ниҳolidан бошқа нарсани экмади. Давлат аҳволининг ташвиши унинг равшан замиридан жой олган эди», - деб ёзган. Ҳирот ҳамда Машҳаддаги Гавҳаршодбегим масжидлари безаги ҳам Бойсунғур Мирзо бажарган.

Бойсунғур Мирзо вазирлик ишини олиб бориш билан бирга бадий ижод, маданий-маърифий, илмий ишлар билан ҳам шуғулланган. У Ҳиротда жуда катта кутубхона ташкил қилиб, хаттот, саҳхоф (муковачи), варрок (қоғоз тайёрловчи), наққош, лаввоҳ (лавҳа чизувчи) ва бошқа хунар эгаларини тўплайди. Улар хушнавис хаттот Мавлоно Жаъфар Табризий

бошчилигида қўлёзма йиғиб кўчириш, безаш ва тарқатиш билан шуғулланганлар. Давлатшоҳ Самарқандий унинг мана шу фаолиятини таърифлаб: «Шаҳзода Бойсунғур хунарпарвар ва хунармандликда жаҳонда машҳур бўлди. Шеърят ва хаттотлик унинг замонида ривож топди. Хунарманд ва фазл эгалари унинг авозасини эшитиб, теварак атрофдан хизматга келдилар. Хушхат котиблардан қирқ киши унинг кутубхонасида китобат қилиш билан машҳур эдилар. Бойсунғур Мирзо хунармандларни эъозлаб, шоирларни дўст тутар эди», - дейди.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Бойсунғур кутубхонасида китоб кўчириш билан бирга, китобларга зар билан лавҳалар чизиш, гўзал нақш ва суратлар солиш, ўтмиш мутафаккирларининг ижоди ва таржимаи ҳолига доир фактларни тўплаб ўрганиш, ноёб китобларнинг нусхасини кўпайтириш, айрим ижодкорларнинг мукаммал куллиётини яратиш каби илмий ижодий ишлар ҳам кенг йўлга қўйилган. Масалан, Бойсунғур устод Сайид Аҳмад наққош, Хўжа Али мусаввир, саҳҳоф Қавомиддин Табризийга Аҳмад Боғдодий чизган суръатлардан нусха кўчиришни топширади. Чунки, Аҳмад Боғдодий Амир Темур учун чизган суратлар мажмуаси (альбом)даги айрим расмлар нурсизланиб, ўз жилосини йўқотаётган эди. Бойсунғурнинг илм даргоҳида бажарилган ишлар, кўчирилган, нафис санъат билан зеб берилган қўлёзмаларнинг баъзилари бизга қадар етиб келган. Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си, «Калила ва Димна», «Жомеъ ут-таворих» каби асарларнинг мавжуд нодир нусхалари ана шулар жумласидандир.

Бойсунғур Мирзо «Шоҳнома»нинг 41 та нусхасини тўплатади. Кутубхонада хаттот ва олимлар томонидан 1425-1430 йиллар давомида қиёсий ўрганиш натижасида «Шоҳнома»нинг асл нусхаси тикланади. Бу асарни машҳур хаттот Жаъфар Табризий кўчиради, кутубхона мусаввирлари эса китобни ажойиб лавҳалар ва суратлар билан безайдилар. Бойсунғур Мирзо эса унга “Муқаддимаи Бойсунғурий” номи билан сўзбоши ёзади. Бойсунғур унда Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларни баён этаркан, «Шоҳнома»нинг ёзилиш тарихи, шоирнинг фожиавий ҳаёт йўли, асарнинг манбалари, афсонавий образлар, насрий «Шоҳнома»га доир ажойиб маълумотлар келтириб, Фирдавсий ижодини тўғри баҳолайди. Мана шу нусха ҳамда «Бойсунғур муқаддимаси» ҳозиргача Фирдавсий ижодини тўлиқ ўрганиб, «Шоҳнома»ни илмий танқидий нуқтаи назардан тиклашда ноёб манба ҳисобланиб келинмоқда. Унга уч хаттот 22 та расм чизган. Ўша нусха Эроннинг Кохи Гулистон китобхонасида сақланмоқда.

Бойсунғур Мирзо Амир Хусрав Дехлавийнинг ижоди ва адабий меъросини ўрганиш ҳамда тўплаш билан ҳам шуғулланган. У шоир девонига кирган шеърларидан 120 минг байтини, девонига кирмаган ғазалларидан эса 2 минг байтини жамлаб, уни китоб холига келтиради. Бойсунғур Мирзо истеъдодли шоир, хушнавис хаттот ҳам бўлган. Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Сайфиддин Али Сафий каби санъаткорлар унинг ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар ёзгани ҳақида хабар берадилар. Лекин ханузгача унинг шеърлар девони топилмаган. У олти хил хатни мукамал билган. Айниқса, сулс ёзувида ундан ўтадиган топилмаган.

Бойсунғур Мирзо ўнлаб шоирлар, санъаткорлар ва олимларни ўз паноҳига олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам ҳам берган. Ўз даврининг машҳур шоирларидан Бобо Савдой, Муҳаммад Паҳлавон, Котиби Нишопурий, Мавлоно Юсуф Амирий, Амир Рукниддин Нузлободий, Амир Шоҳи Сабзаворий, Ҳофиз Юсуф Андигоний ва бошқалар бевосита Бойсунғурнинг моддий ёрдамидан фойда топганлар.

Кўплаб санъаткорлар, хаттот ва мусаввирлар ҳам Бойсунғур Мирзонинг марҳаматидан четда қолмаганлар. Машҳур олим Хўжа Абдулқодир Мароғий, хушнавис хаттот Шамсиддин Ҳиравий, бастакор ва хонанда Хўжа Юсуф Андугоний, муаррих ва меъмор устод Қавомиддин, ўз замонасининг пешқадам мусаввири мавлоно Халил шулар жумласидандир. XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда қад кўтарган гўзал иморатларнинг кўпчилиги устод Қавомиддин ва унинг шогирдлари томонидан қурилган. Бойсунғурнинг моддий ёрдами ва ҳомийлигида ижодий камолатга етган Хўжа Юсуф Андугоний, кейинчалик Ҳирот мусиқа мактабининг пешвоси ҳисобланган. Ҳусайн Бойқаро ҳам мусиқа билимини ундан ўрганган. Ўз даврининг машҳур хаттотлари Жаъфар Табризий, Мавлоно Заҳриддин Азҳар Табризий, Мавлоно Маъруф Боғдодий ва бошқалар Бойсунғур кутубхонасида ижодий иш билан шуғулланганлар.

Алишер Навоий Бойсунғурнинг фаолиятини қуйидагича таърифлайди: «Бойсунғур Мирзо хуштаб ва сахий ва айёш ва хунарларвар подшо эрди. Хаттот ва наққош ва созандадин ва гуяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятида ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай».

Хуллас, XV асрнинг биринчи ярмидаги Ҳирот адабий ва маданий ҳаётини ривожлантиришда Амир Темурнинг невараси, Улуғбекнинг укаси Бойсунғур Мирзо фаол қатнашиб, катта амалий ишларни бажарган. У маданият ва санъат ҳомийси сифатида кўплаб ижодкорларнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлган. Тарих фанлари номзоди, доцент Н.Норқуловнинг

аниқлашича, «Нигористон»да тиббиёт, жуғрофия, хандаса, ўсимликшунослик билан шуғулланувчи олимлар гуруҳи ҳам бўлган.

Машҳур шарқшунос М.М.Дьяконов темурийлар даври маданий ҳаёти ҳақида фикр юритиб: «Навоий, Жомий ва Бехзод даври Ҳироти - XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот маданий юксалиши ва гуллаб яшнаши сарчашмаларини Шохрух даври Ҳиротидан қидириш керак», - деган. Шубҳасиз, бу давр маданиятининг юксалишида Бойсунғур Мирзонинг хизмати катта.

Бойсунғур Мирзо 1433 йили вафот этади. Гавҳаршодбегим мадрасасига дафн этилади. Амир Шохий, Сайфиддин Наққош Исфаҳонийлар марсия битган. Унинг уч ўғли - Рукниддин Мирзо Алоуддин, Қутбиддин Мирзо Султон Маҳмуд, Мирзо Абдулқосимлар бўлган.

Камолиддин Бехзод мероси. (1455-1537). Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижоди Ўрта Осиёда ҳукм сурган темурийлар салтанати (1370-1506)нинг сўнги эллик йилига, Муҳаммад Шайбонийхон (1506)нинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда, сафавийлар вакили Шох Исмоил Сафавийнинг Озарбайжон, Эрон ҳудудларида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Қобулда (1505)да ва Ҳиндистонда (1525) улкан салтанат тузиши даврига тўғри келади. Амир Темур қурган улкан салтанат ҳудуди ва маркази, кейинчалик янги сулолалар томонидан эгалланган бўлсада, ўша давр мафқураси-ислом дини ва дин асосида пайдо бўлган тасаввуф намояндалари дунёқараши ижтимоий ҳаётнинг маънавий қиёфасини белгиловчи омил эди.

XV аср бошларида Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳри Шохрух Мирзо (1405-1447) даврида, шаҳзода Мирзо Бойсунғурнинг фидокорона фаолияти туфайли санъаткорлар, олимлар, хаттотлар, рассомлар, созандалар ва шоирлар шаҳрига айланган эди. Ўша даврда тузилган «Арзадошт» - «Арзнома»га биноан сарой кутубхонасида қирқдан зиёд ижодкорлар мавжуд бўлиб, улар манбашунослик соҳасида, айниқса, «Шохнома» ва Амир Хусравнинг лирик ижодини, тарихчилар - Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, шоирлар - Низомий Ганжавий “Хамса”си, “Калила ва Димна”, «Меърожнома» каби асарларнинг қўлёзмаларини тиклаб, уларни бетакрор расмлар билан зийнатлаганлар.

Алишер Навоийнинг илм-фан, ҳунар ва санъат аҳлига қилган ҳомийлиги ўз самарасини бердики, темурийлар даври маданияти, санъати ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ўша давр хаттотлари Султон Али Машҳадий, Султон Али Қойиний, Мир Али Херавий, мусаввирлар Мирак Наққош, Хожа Муҳаммад Қосим Али кабилар қаторида Камолиддин Бехзод номи алоҳида машҳур эди.

XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда шайбонийлар, Эронда сафавийлар, Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлик қилган бўлсаларда,

уларнинг орзу-умидлари, интилишлари темурийлар даврининг юксак маданий тараққиётини қайта тиклаш, унга интилиш ва унинг анъаналарини ривожлантириш эди. Шундай қилиб, XIV—XV аср темурийлар даври маданияти ўзининг юксак тараққиёт даражаси, серқирра соҳалари ва ёрқин ижодкорлари билан жаҳон маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаб, кейинги давр маданияти учун пойдевор вазифасини бажарди. Шунинг учун ҳам темурий шоирлар, санъаткорлар, олимлар, хаттотлар янги пойтахт бўлмиш Бухоро, Табриз ва Дехлида жуда катта ҳурмат ва иззат топиб, улар яратган ижод намуналари ўз соҳасининг шоҳ асарлари сифатида қадрланди.

Бетакрор гўзал санъати билан Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган забардаст санъаткор Камолиддин Беҳзод Ҳиротда 1455 йилда ҳунарманд - косиб оиласида дунёга келди.

Манбаларда ёзилишича, унинг номи Беҳзод бўлиб, Ҳирот аҳолиси уни суюб, эркалаб Камолиддин деб чақиришган. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида «устод Беҳзод» деб атайти.

Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралди. Уни рассом сифатида Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб вояга етказди ва ўзининг Ҳиротдаги «Нигористон»и (санъат академияси)да унга наққошлик ҳунарини ўргата бошлайди. Ўз даврининг машҳур рассоми, миниатюрасоз Мирак Наққош уйидаги, нигористонидаги ижодий муҳит, гўзаллик ва нафосат ёш Беҳзодни ҳам санъат ва ҳунарга ҳавас қўйишга ундади. Манбаларда Беҳзод Табризлик пир Сайид Аҳмаднинг шогирди, деб ҳам кўрсатилади. Пир Сайид бухоролик уста Жаҳонгирнинг шогирди, бухоролик Жаҳонгир, ўз навбатида, устод Гунгнинг шогирди бўлгани қайд этилади.

Беҳзод ёшлигида машҳур санъаткор Султон Али Машҳадий билан жуда яқин муносабатда бўлган:

XV асрдаги Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида пайдо бўлган жуда кўп ижодкорлар сингари Беҳзоднинг ҳам ижодий камолотида Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган. Кўпгина Шарқ манбаларида Камолиддин Беҳзоднинг моҳир санъаткор бўлиб шаклланишида ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бирталай етук рассомлар, хаттотлар, мусиқашуносларни бириктириб турган Мирак Наққош бошлиқ «машҳур 40 санъаткор» анжумани ва ўша «нигористон»нинг серқирра, жуда бой анъаналари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнагани айтилади⁴⁸.

Камолиддин Беҳзод Алишер Навоий ҳомийлигида ва унинг кутубхонасида кўп бўлган. Бу далил тафсилотини ўша давр тарихчиси

⁴⁸ Маҳмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт ... – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 6-б.

Гиёсиддин Хондамир «Хулосат ал-ахбор» асарида шундай таъкидлайди: «Устод Беҳзод замонанинг комил сураткашларидан, балки бу ишни ниҳоятда камолига етказиб, кўп вақтдан бери ҳидоят сифатли Амир Алишернинг тарбияти остида ажойиб иш билан машғул бўлди». Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Беҳзоднинг бошқа ноёб истеъдод эгалари қаторида Алишер Навоий тарбияти ва ҳомийлигида камолга етганини ёзади: «Устод Беҳзод Бек (яъни Алишер) нинг тарбият ва тақвияти била, саъй ва эҳтироми била мунча тараққий ва шуҳрат, мундоқ машҳур ва маъруф бўлди».

1968 йилда Қобулда нашр этилган «Амир Алишер Навоий (Фоний)» асарида таъкидланишича, Беҳзоднинг дастлабки ижоди Султон Ҳусайн Мирзо саройида ва у ердаги жуда кўп шоирлар, олимлар, саъяткорларнинг улуғ ҳомийси Амир Алишер Навоий раҳномалигида ва кўллаб-қувватлаши, орқасида гуллаб-яшнайдди.

Шарқшунос Эдвард Брауннинг китобида бу ҳақда шундай дейилади: «Ўша замонда жуда катта шуҳрат қозонган Беҳзод ва Шох Музаффар сингари атоқли наққош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг кўллаб-қувватлаши натижасида камолотга эришдилар».

Маълумотларга кўра, Камолиддин Беҳзод Ҳирот муҳитида ўша даврда яшаб ижод этган бошқа бир буюк мутафаккир шоир, улуғ файласуф, Алишер Навоийнинг устози, ҳаммаслаги ва дўсти Абдурахмон Жомий билан ҳам калин дўстона муносабатда, ҳатто унинг муридлари қаторида бўлган. Ундан ташқари, Беҳзод ўша даврда Ҳиротдаги «хаттотлар қибласи», буюк санъаткор Султон Али Машҳадий билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлган. «Ориёно» журнали бу борада қуйидагича маълумот беради: «Беҳзод машҳур хушнавис Султон Али Машҳадий билан замондош ва дўст бўлган, улар бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик қилардилар. Бундан ташқари, Беҳзоднинг Ҳиротдаги буюк ва юқори мартабали шоир, яъни Ҳазрати Жомий билан ҳам дўстлиги бор эди».

Санъат ва нафосатга иштиёқи ниҳоятда кучли бўлган Беҳзод ғоятда меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли истеъдоди гуллаб, тез орада Ҳиротнинг машҳур миниатюрасози бўлиб танилади, Алишер Навоийнинг мактабдоши ва дўсти подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо Беҳзодни ўз хузурига, саройга жалб қилади ва унга ўз саройидан жой ажратиб, ижодий ишлар билан шуғулланиши учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. Алишер Навоий ўзининг шахсий мактубларидан бирида Беҳзод тўғрисида: «Устоди мушорунилайин (яъни Камолиддин Беҳзодни) Мирзо (Султон Ҳусайн) тилаб олдилар: ўз қошларида, боғда хужра ясатиб иш буюрадилар. Яна андоқ кишики, ул китобатга муносиб иш қила олғай, йўқ эрди», - деб ёзганда ўша пайтлардаги воқеаларни кўзда тутган бўлса керак.

Сўнгра, бир оз вақт ўтгач, 1487 йилда Камолиддин Бехзод Султон Ҳусайн Мирзонинг фармони билан Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланади. Тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг «Номаи номий» асарида ўша фармоннинг матни берилган:

«Ҳирот китобхонасининг бошлиғи (мансаби) учун устод Камолиддин Бехзод номига берилган нишон. Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг қудрати билан... ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси... Устод Камолиддин Бехзод Ҳумоюн (яъни подшоҳ) китобхонаси аҳлига: котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, халкор ва заркўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоатига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди 889 ҳижрий йил 27 жумоди ул-аввал (1487 йил 22 июнь)».

Султон Ҳусайн Мирзонинг фармонида айтилганидек, «аср нодири, мусаввирлар пешвоси» деган юксак ном соҳиби Камолиддин Бехзод нафақат Ҳирот, балки бутун Хуросон юртидаги барча рассом ва наққошларга бошчилик қила бошлайди, Бу даврда Бехзоднинг истеъдоди ниҳоятда барқ уриб яшнайти. У ўзининг энг яхши, нодир асарларини айна ўша йилларда яратади. XV аср билан XVI аср оралиғида Ҳиротдаги темурийлар салтанати, ички сиёсий муҳитнинг шиддатли бўронлари, тожу тахт учун жангу жадаллар сабаб, аста-секин емирилади. Бу даврга келиб Бехзоднинг Ҳиротдаги энг сеvimли кишиларидан бўлмиш Абдурахмон Жомий (1492 йилда), ундан сўнг устози Алишер Навоий (1501 йилда) 1506 йилга келиб эса Хуросондаги темурийлар салтанатининг сўнгги вакилларида бири Султон Ҳусайн Мирзо ҳам вафот этади. Подшоҳ Султон Ҳусайн ўлимида сўнг ўғиллари Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо ўртасидаги жанглар Хуросон салтанатини ҳалокат ёқасига олиб келади. Ўша йиллари мамлакатда зулм ва истибдодга асосланган феодал жамиятларга хос ички сиёсий кураш шу даражада кучайиб кетадики, натижада, 1507 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Ҳирот тахтини осонлик билан ишғол этади.

Бундай даҳшатли, беаёв тўқнашувлар, тожу тахт учун узлуксиз ур-йиқитлар шароитида ҳам Камолиддин Бехзод Ҳиротда қолиб, ўз ижодий ишларини давом эттиради. Бехзод Ҳиротда Шайбонийхон саройида ишлай бошлайди. Темурийларнинг юксак маданиятига ҳурмат ва эътибор билан қараган Шайбонийхон Бехзод санъати олдида лол бўлгани ҳолда унинг ижодий ишларига деярли тўсқинлик қилмайди, аксинча, мумкин қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қилади. Бехзод буюк Соҳибқирон портретини айна ўша йиллари чизганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эрондаги сафавийлар салтанати бу даврда анча кучайиб, ички ва сиёсий курашлар туфайли инқирозга юз тутган Хуросондаги шайбонийлар салтанатига таҳдид солиб, 1510 йилда икки сулола қўшини ўртасида Марв ёнидаги Тохирободдаги шиддатли жангда Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлади, унинг қўшини тор-мор этилади ва Ҳирот сафавийлар қармоғига ўтади.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йили Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, хунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Ҳиротдан Табризга олиб кетилганлар орасидаги энг нодири ва ноёби Камолиддин Бехзод эди. Чунки Бехзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донғи кетган буюк санъаткор бўлиб, уни ўз қармоғида сақлаган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли ҳисобланарди. Камолиддин Бехзод санъатини юксак қадрлаган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча зарур шароитларни яратиб беради. Бехзод Табризга бир гуруҳ шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам ижодий ишларини давом эттирадилар. Буюк санъаткорлар учун ғурбат, ватандан жудолик ниҳоятда оғир ва машаққатли кечган. Улар аламдан ички кечинмалари, юракларидаги дардлари ва туғёнли изтиробларини ўзлари яратган асарларида бағоят таъсирли, реал ва очик-ойдин қилиб тасвирлаганлар. «Жанги шутирон», «Тасвири шоҳ Исмоил Сафавий» асарларининг мазмунидан, уларни чеккаларида «фақир», «номурод», «қалами шикаста» каби сифатларни қўшиб имзо чекишидан такрорланмас истеъдод эгаси, буюк қалб соҳиби бўлган Бехзоднинг юрак қаъридан сизиб чиқаётган ғам-андуҳлар нақадар оғир ва мусибатли бўлганини англаш қийин эмас! Бундай асарлардан шу нарса яққол сезилиб турадики, Бехзод улкан санъаткор сифатида ўз замонасининг барча оғир ижтимоий дардларини ҳам қалбида сақлаб юрган. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари ғоятда таъсирчан, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган, қайта такрорланмас даражада бекиёс ва безаволдир.

Камолиддин Бехзод Табризда Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Мир Мансур Мусаввир, Мир Сайд Али сингари ўнлаб истеъдоли мусаввирларни тарбиялади. Улар эса, ўз навбатида, Бехзод вафотидан сўнг, XVI асрда Табриз, Қобул, Деҳли, Бухоро каби Шарқнинг катта шаҳарларида янги шароит ва янги замонада ўзларига хос нафис тасвирий санъат мактаблари яратиб, устозлари Камолиддин Бехзод услубини муваффақият билан ривожлантирдилар. Камолиддин Бехзод шогирдларининг наққошлик фаолиятида, Шарқ халқлари, айниқса, Ўрта Осиё халқлари маданияти муҳим роль ўйнайди.

930/1524 йилда Табриз султони Шоҳ Исмоил Сафавий вафот этади ва тахт ёш шаҳзода Таҳмосиб қўлига ўтади. Манбаларда берилган

маълумотларга кўра, Бехзод саффавийлар саройига жуда яқин, подшо салтанатидаги энг ишончли санъаткор бўлгани учун ҳам шаҳзода Таҳмосибга болалик пайтиданоқ миниатюрасозлик илмидан дарс бериб, уни ҳам ўз санъатининг сир-асроридан хабардор қилиб борган. Камолиддин Бехзод кексайиб қолган бўлишига қарамасдан, бу даврда ҳам бетиним ижод билан шуғулланиб, жуда кўп талантли рассом ва наққошларга бошчилик қилади.

Шундай қилиб, Шарқ халқларининг ифтихори, буюк фарзанди Камолиддин Бехзод XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида Ҳирот ва Табризда яшаб, ғоятда баракали ижод этди, ўзидан кейинги авлодга бой, ранг-баранг ва ажойиб тасвирий санъат асарларини мерос қолдирди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бойсунғур академияси ҳақида нималарни биласиз?
2. Бойсунғур Мирзо даврида илм-фан, маданият.
3. Бойсунғур академиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Камолиддин Бехзод меросининг маънавий-маърифий аҳамияти?

ХУЛОСА

Баркамол инсонни шакллантириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг олтмиш тўрт фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, 2017 йил 5 июлда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорида ёшларни ўтмиш мутафаккирлари, алломалари илмий меросларини ўқитиш, ўргатиш орқали бугунги кун талабига жавоб берадиган баркамол, етук мутахассислар, жамият тараққиётига, юрт тинчлигига, халқ фаровонлигига, Ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўша оладиган инсонларни тарбиялаш вазифаси белгиланган. Бугунги ёшлар мамлакатимиз тараққиётига ақл-идроқи, салоҳияти, интеллектуал қобилияти билан ўз ҳиссасини қўшиши учун ҳам Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўлмас меросларини пухта ўрганишлари, улардан ғурурланиш, фахрланиш туйғуси шакллантирилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Ўрта Осиё алломаларининг илмий меросини холис, ҳаққоний ўрганиш, баҳолаш кенгайди. Ҳозиргача ҳам Ўрта Осиё алломалари ижоди, маънавий мероси кўп ҳолларда бир томонлама ўрганилган эди. Айниқса, диний, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги асарларни тадқиқ этиш кўп ҳолларда четлаб ўтилди. Биз асосан Форобий, Беруний, Абу Али ибн Синоларни илмий меросини ўрганар эдик. Эндиликда фақат Ўрта Осиёлик алломаларнинг аниқ, табиий фанларга қўшган ҳиссасинигина эмас балки уларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий фанларга, шунингдек, тасаввуфга, муҳаддислик, тафсиршунослик, фикҳшуносликка қўшган илмий мерослар ҳам ўрганилмоқда. Қўлланмада “Байт ал-ҳикма”да фаолият кўрсатган алломаларнинг илм-фанга қўшган ҳиссалари, шунингдек, Мирзо Улуғбек илмий мактаби, Бойсунғур Мирзо санъат академияси ҳақида баҳо-лу қудрат маълумот беришга ҳаракат қилинди. Хаттотлик санъати мактаби ва уларнинг Ўрта Осиё илм-фанидаги бекиёс ўрни кўрсатиб берилди.

ГЛОССАРИЙ

Байт ал-ҳикма - арабча ҳикматлар уйи.

Билим - инсон онгида акс этган объектив борлиқ.

Билиш-билим олиш ва унинг ривожланиши, муттасил чуқурлашуви жараёни.

Глобал муаммолар – муайян мамлакатлар ва минтақаларгагина эмас, бутун дунёга ҳам даҳлдор бўлган даврнинг умуминсоний муаммолари мажмуи.

Глобализация - ягона жаҳон иқтисодиёти бунёд этилиши асосида жаҳон давлатлари ва халқлари яқинлашувининг фалсафий-социологик таърифи.

Жаруллоҳ - Оллоҳнинг қўшниси-Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг шарафли номи.

Жаҳолат - нодонлик, билимсизлик, жаҳлга тобе бўлиш. Қанча муддат расмий ва зоҳирий илмларни ўрганиш билан машғул бўлмасин, барибир ҳақиқатни идрок айлаш қобилиятидан маҳрум қолдирадиган кўнгил.

Илмий кашфиёт - моддий дунёнинг илгари маълум бўлмаган, билишнинг ривожланиш даражасини тубдан ўзгартирадиган, объектив тарзда мавжуд қонуниятлари, хоссалари ёки ҳодисаларини аниқлаш демакдир.

Интеллект - тафаккурнинг ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни оқилона билиш қобилияти.

Калом (араб, нутқ, сўз) - ислом илоҳиёт илми. VIII асрда пайдо бўлган таниқли илоҳиётчи ал-Ашъарий (873-935) томонидан асос солинган. Унинг фикрича Аллоҳ инсонга хос (антроморфик) ҳусусиятга эга калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади.

Маърифат - ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегашли илм-ирфон. «Кашф ул-маҳжуб» муаллифининг айтишича, фуқаҳо сингари бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидаги илмга «маърифат» номини берганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ хусусидаги сиҳатли ҳолни «маърифат» дея атаганлар. Ва шунга кўра, «Маърифат илмдан кўп карра устундир», деганлар. Имом Ғаззолийнинг таъкидига кўра, «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади».

Метод - қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган амалий ёки назарий фаолият усули.

Методология - билиш методлари ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот.

Миллий салоҳият - миллатнинг мавжуд иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлари.

Муаммо - ечими муайян амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган тўсиқ, масала, вазифа. Бошқача қилиб айтганда, бу билмаслик ҳақидаги билим, жавоб топиш керак бўлган саволдир.

Табиатшунослик - XVII-XVIII асрларда табиат, унинг ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги фанлар ва илмий билимлар йиғиндиси тарзида шаклланган таълимот.

Тафсир – (араб. – баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш) – инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм.

Тафаккур - фикр, муҳокама этиш. Аллоҳнинг зотидан бошқа ҳамма нарса тўғрисида мушоҳада этиш. Абу Али Рўзборийнинг айтишича, тафаккурнинг тўрт шакли бордир: 1. Аллоҳнинг оят ва аломатларига доир тафаккур. Бу муҳаббатни майдонга келтиради. 2. Унинг саюб ва жаннатга тегишли даъватларини тушунмоқ. Бундан рағбат ва иштиёқ ҳосил бўлади. 3. Унинг азоб ва жаҳаннамга дахлдор ҳукмларини тафаккур айлаш. Бундан хавф, яъни кўрқув туғилади. 4. Аллоҳнинг эҳсони ва нафснинг жафосини мушоҳада этиш.

Фан - билиш фаолиятининг янги, объектив, системали тарзда уюшган билимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган алоҳида тури.

Фаросат - сезиш, хис қилиш. Тасаввуфда басират кўзи ила ғайбни кўриш, пинҳоний кашф айлашдир. Бошқача қилиб айтганда, рухнинг илохий бир қувват билан англаб тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни билишдирки, бунга фаросати ақлия дейилган.

Фикрлаш - билишнинг олий шакли, борлиқнинг тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалардаги мантиқий инъикоси.

Фикҳ – (чуқур тушуниш, билиш) – мусулмонларнинг хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги ислом доктринаси (ҳуқуқшунослик), ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси.

Шайхи ур раис - олимлар устози-Абу Али ибн Синонинг шарафли номи.

Шарқ Ренессанси – VII-XII ва XIV-XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

Ҳадис - (араб. – “хабар”, “янгилик”) – Муҳаммад (с.а.в.) нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев.Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев.Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент, Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев.Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев.Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, -Тошкент: 2018, 7 декабрь.
5. Каримов.И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
6. Каримов.И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: 2011.
7. Асқаров.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон 2015.
8. Каттаев.К. Тасаввуф алломалари. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017.
9. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент: “Академнашр” 2018.
10. Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. –Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2015.
11. Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ (Нодир воқеалар). –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
12. Эркаев.А. Маънавият – миллат нишони. –Тошкент: Маънавият, 1999.
13. Бурхониддин ал-Марғинович. Ҳидоя. 1-жилд. –Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2000.
14. Тасаввуф. II китоб. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999.
15. Умид Бекмуҳаммад. Навоийнинг армонлари. –Тошкент: 2011.
16. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2016.
17. Жумабоев.Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. –Тошкент: Ўзбекистон. 1980.
18. Сиржиддинов.Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

19. Буюк сиймолар, алломалар. Тўплам. 1-китоб. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 1995.
20. Буюк сиймолар, алломалар. Тўплам. 2-китоб. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 1996.
21. Буюк сиймолар, алломалар. Тўплам. 3-китоб. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 1997.
22. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, -Тошкент: Маънавият, 1999.
23. Амир Темур. Темур Тузуклари. –Тошкент: 2011.
24. Виктор Алимасов. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия Тошкент, 2013.
25. Жумабоев.Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. –Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1997.
26. 111 Ватандош алломаларимиз инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2016.
27. Отахўжаев.А. Абу Райхон Беруний. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
28. Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар. –Тошкент: “Сано-стандарт” нашриёти, 2016.
29. Хайруллаев.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1971.
30. Очилов.Э. Бобур. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
31. Исҳоқова.З. Нажмиддин Кубро. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
32. Исҳоқова.З. Машраб. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
33. Зоиров.Э. Маҳдуми Аъзам. –Тошкент: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
34. Наврўзова.Г. Баҳоуддин Нақшбанд. –Т: “Абу матбуот-консалт” нашриёти, 2011.
35. Абдуҳалимов.Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2010.
36. Хайруллаев.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. –Тошкент: Фан нашриёти, 1994.
37. Сагдуллаев.А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1996.
38. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. –Тошкент: “Юрист-медия маркази” нашриёти, 2008.

39. Салим Бухорий. Дилда ёр. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
40. Исмоилов.С. Нақшбандийлик – жаҳоншумул тариқат. –Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2016.
41. Исмоилов.С. Каримова.С. Маънавий устозлар. –Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2013.
42. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири ахбоб. Тазкира. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
43. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) – Тошкент: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2013.
44. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. –Тошкент: “Фан”, 2003.
45. Маҳмудов.Р. Ҳайдарова.Г. Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси. – Тошкент: 2013.
46. Тарбия энциклопедияси. –Тошкент: 2010.
47. Очилдиев.А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. –Тошкент: “Ижод дунёси”, 2002.
48. Отамуродов.С. Мамашокиров.С. Холбеков.А. Лафасов.М. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. –Тошкент: “Ижод дунёси” 2002.
49. Баходиров.Р. Из истории классификации наук на средневековом Востоке. –Ташкент: Фан, 2000.
50. Уватов.У. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. –Тошкент: Маънавият, 2010.
51. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Маъмун академияси. –Тошкент: 2005.
52. Абдуҳамид Шаръайи Жузжоний. Марғиноний ва унинг издошидан. –Тошкент: 2000.
53. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 1-4 жилд. –Тошкент: 1997.
54. Ат-Термизий. Саҳиҳи Термизий. –Тошкент: 1993.
55. Баходиров.Р. Абу Абдуллоҳ ал - Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Тошкент: 1995.
56. Беруний туғилган кунининг 1000-йиллиги. –Тошкент: Фан, 1973.
57. Зоҳидий.А. Туркистонда ўрта аср араб – мусулмон маданияти. –Тошкент: 1990.
58. Қаюмов.А. Аҳмад Фарғоний. –Тошкент: 1998.
59. Комилов.Н. Тафаккур карвонлари. –Тошкент: 1999.
60. Мўминов.И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: 1993.
61. Сулаймонова.Ф. Шарқ ва Ғарб. –Тошкент: 1997.

62. Туленов.Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: 1998.
63. Ҳомиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ дарғалари. –Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2004.
64. Ҳомидов.Ҳ. Олис – яқин юлдузлар. –Тошкент: 1990.
65. Хоразм Маъмун академияси: тарихи, бугуни ва келажаги мавзуидаги конференция материаллари, -Хива: 2005.
66. Ориф Усмон. Хожа Абдухолик Ғиждувоний. –Тошкент: 2003.
67. Сафарбоев.М. Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд Хоразм тарихи. – Тошкент: 2017.
68. Маҳмудов.Р. Ўрта Осиё алломалари ахлоқи ҳақида. –Тошкент: “Билим” жамияти, 1990.
69. Маҳмудов.Р. Навоий ва Кошифий. –Тошкент: “Билим” жамияти, 1990.
70. Маҳмудов.Р. Дегонимни улуска марғуб эт ... –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1992.
71. Маҳмудов.Р. Тафаккурнинг олмос қирралари. –Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1996.
72. Маҳмудов.Р. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари. – Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2015.
73. Маҳмудов.Р. Маънавий эҳтиёж. –Тошкент: “Академнашр”, 2018.
74. Абадият гулшани. II китоб. –Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2016.
75. Мавлянов.У. Фахруддин Али Сафий. –Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2016.
76. Инсон тафаккур олами. I китоб (тўпловчи Р.Маҳмудов). –Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2016.
77. Инсон тафаккур олами. II китоб (тўпловчи Р.Маҳмудов). –Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2018.
78. Кенжаев.Ш. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими. –Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2018.

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
1-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси	6
2-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг “Байт ал-ҳикма”даги фаолияти	16
3-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг муҳаддислик илмига қўшган ҳиссаси	40
4-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Хоразмшоҳ Маъмун академиясидаги фаолияти.	46
5-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг тафсирушунослик ва фикрушунослик илмий мероси.....	61
6-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Мирзо Улуғбек академиясидаги фаолияти.....	75
7-мавзу: Ўрта Осиё алломаларининг Бойсунғур санъат академиясидаги фаолияти	90
Хулоса	103
Глоссарий.....	104
Фойдаланилган адабиётлар	106
Мундарижа	110